

# Чин мусулмон бўлайлик

Саййид Абул Аъло

## Мундарижа

Биринчи нашрга муқаддима

Билим, биринчи қадам

Ислом ва куфр орасидаги фарқ

Мусулмонларнинг Қуръонга муносабатлари

Иймоннинг асл маъноси

Калиманинг ғайриоддийлиги

Нима сабабдан калимага ишониш керак?

Қалбаки илоҳлар

Бизлар ўзимизни мусулмон деб аташимиз  
мумкинми?

Бизлар ҳақиқий мусулмонмизми?

Нега Аллоҳга бўйсунуш керак?

Дин ва Шариат орасидаги фарқ

## Ибодатнинг асл маъноси

Биринчи нашрга муқаддима.

1357 ҳижрий йили мен илк бор Пенжобга, дорул-исломда яшашлик учун келганимда, тезда жумъа намозларини бошқариб, маҳаллий деҳқонларга Ислоннинг асл моҳиятини тушунтира бошладим. Бу тўплам ўша вақтдаги мен ўтказган маърузалардан ташкил топгандир. Менинг эшитувчиларим оддий Пенжоб деҳқонлари бўлиб, уларнинг она тили урду тили бўлмагани учун мен уларга уларнинг ўз она тилларида ва улар тушуна оладиган жуда содда сўзлар билан гапиришимга тўғри келди. Шундай қилиб, мана шу тўплам вужудга келди ва иншааллоҳ

кўпчилик оммага Ислом динини таълим беришликда ёрдам беради деб ўйлайман.

Ва бу китобда бир бутун мурожаатномам (9-маърузам) мен мақсад қилган ҳақиқий Исломни тушунтириб беради. Аслида 2 турдаги Ислом бўлиб, лекин кўпчилик бунинг фарқига бормайди. Биринчи турдаги Ислом, расмий бўлиб, у ҳақида фикҳшунос ва файласуфлар бош қотирадилар. Бу расмий Ислом, тоинки мусулмонликнинг маълум бирон-бир шартлари бузилмас экан, ҳеч кимни Исломдан чиқаришлик ва у берган ҳуқуқлардан маҳрум қила олмаслигини кафолатлайди. Иккинчи турдаги Иймон эса,

ҳаққоний ёки реал бўлиб, унга қараб инсон қиймат куни савол-жавоб қилинади. Бу иккисини ажратиб, мен барча пайғамбарларнинг вазифаси биринчи турдаги мусулмонларни шакллантириш эмас, балки уларнинг вазифаси-комил ихлос, итоат, садоқат ва ҳусни-хулқга тўла иймонни таълим бериш бўлганлигини , тушунтириб ўтдим. Мен мусулмонлар-дан, уларни фақатгина кўфрдан ажратиб турувчи маълум бир чегара-доирадаги Ислом билан қаноатланмасликларини сўрардим. Балки уларга Аллоҳ наздида холис ва итоатли мўминларнинг даражасини кафолатловчи Исломни,

ўзларида ва атрофда таракқий қилдиришлари зарурдир. Бу огоҳлантириш ва насиҳат, маслаҳат ва ёрдам китобидир. Унинг мақсади инсонларни Аллоҳнинг итоатига руҳлантириш, Унга осий бўлишликдан қайтариш ва Аллоҳга нисбатан холис бўлишга чақирмоқдир. Ва бу, менинг мақсадимдир.

Ва бу китоб, Аллоҳнинг марҳамати билан ҳақиқий Исломга бошловчи етарли даражада машъала бўлиб қолади деб умид қиламан.

16-август 1952 йил.

Саййид Абуль Аъло.





## **1-Қисм.**

### **ИЙМОН.**

#### **1. Билим, биринчи қадам**

##### *Аллоҳнинг энг улкан неъматидир.*

Диндош биродарлар! Биз, барча мусулмонлар биламизки, Ислом дини Аллоҳ тарафидан бизларга бу дунёда берилган улкан ва муқаддас неъматдир. Ва У бизларни Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига қўшганлиги ва бизларни, бу Ислом неъматидир.

билан сийлаганидан, қалбларимиз миннатдорчилик ва ташаккурга тўлиб кетмоқдадир. Аллоҳ с.т.нинг Ўзи, бу Исломни, бандаларга берилган қанчалик улкан, бебаҳо неъматни эканлигини тасвирлайди:

**«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бениқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим».**  
(Моида-3)

Ўз навбатида сизлар, Унинг бу улкан марҳаматига миннатдорчилик билдириш учун, бу неъматга мувофиқ равишда, ташаккур айтмоғингиз лозим. Агар сиз

бунни қилмасангиз, у ҳолда сиз ношукур одам бўласиз. Аллоҳга шукр қилмасликдан кўра ҳам каттароқ нонкўрлик-кўрнамаклик бўладими?!

Сизлар, бу миннатдорчиликни қандай адо қилса бўлади деб, сўрашингиз мумкин.

Модомики Аллоҳ сизларни Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматига қўшиб, сизларга шунчалик катта илтифот кўрсатган экан ва бунга миннатдорчилик билдиришнинг энг тўғри йўли ва бундан бошқа йўл йўқ, у ҳам бўлса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳаққоний эргашишликдир. Ва Аллоҳ сизларни мусулмон умматининг бир

қисми қилган экан, ўзингизни ҳақиқий мусулмон қилишингиз зарур бўлади. Агар сиз ундай бўлмасангиз, у ҳолда сизнинг бу кўрнамаклигингизнинг жазоси, берилган неъматнинг қанчалик улканлигига қараб оғир бўлади. Аллоҳ бундай жазодан Ўзи асрасин! Амин!!!

Энди сизлар: «Бизлар қандай қилиб, ҳақиқий мусулмон бўла оламиз?» деб, сўрашингиз мумкин. Бу саволга мен муфассал равишда кейинги мавъизаларимда жавоб бераман. Бугун эса мен, жуда ҳам муҳим, зарур масалага тўхталиб ўтмоқчиман ва бунга жавоб топмасдан туриб, бизлар ҳақиқий иймонни

топишликни умид қилмасак ҳам бўлади. Ва бу, сизларнинг ҳақиқий мусулмонликка бўлган биринчи қадамингиз бўлади.

### ***Ислом туғилишлик билан бериладими?***

Аввал биз, мана бу ҳақда ўйлаб кўрайлик, яъни бизлар кўп ишлатадиган «мусулмон» сўзи нимани англатади? Инсон туғилиши билан, ҳақиқий мусулмон бўла оладими? Инсон шунчаки бир мусулмоннинг ўғли ёки набираси бўлганлиги учун мусулмон бўладими? Ёки худди англичаннинг ўғли англичан, ҳинд брахманнинг ўғли брахман, оқ танлининг ўғли оқ, қора танлининг фарзанди қора бўлиб туғилгани каби мусулмон ҳам чин

мусулмон бўлиб туғиладими?  
Мусулмонлик ирқми, миллатми ёки  
табақами? Манголлар манголоид ирқига  
мансублиги каби, мусулмонлар ҳам  
мусулмон умматига мансубми? Ёки япон  
Японияда туғулгани сабабли япон бўлгани  
каби, мусулмон киши ҳам мусулмон  
юртида туғилгани учун мусулмон бўладими?

Ўз-ўзидан маълумки, сизлар «йўқ» деб,  
жавоб берасиз. Мусулмон ҳеч вақт бирон-  
бир ирқга мансублиги жиҳатидан чин  
мусулмон бўлмайди. У, Исломга амал  
қилиши билан мусулмон бўлади. Агар у,  
Исломни инкор қилса, у ҳолда  
мусулмонликдан чиқади. Ҳар бир одам,

брахман ё ражпур, англичан ёки япон, ок ёки қора, Исломни қабул қилиб мусулмон жамоасининг тенг ҳуқуқлик аъзоси бўлади. Шу билан бир қаторда, мусулмон оиласида туғилган киши Исломга амал қилишдан бош тортса, бу жамоадан, ҳаттоки у араб ёки Пайғамбарнинг авлоди бўлса ҳам, ҳайдалиши мумкин.

Шубҳасизки, сизнинг жавобингиз ҳам, худди шундай бўлса керак. Бундан келиб чиқадикки, Аллоҳ тарафидан сизларга берилган бу-мусулмонлик, сизларнинг ахлоқ-одоб ва феъл-атворингиз қандай бўлишидан қатъий назар, ота-онангиз тарафидан автоматик равишда сизларга

мерос бўлиб қоладиган нарса эмас. Бу неъматни ўзингизда сақлаб қолиш учун унга муносиб бўлмоғингиз зарур. Агар сиз унга беъътибор бўлсангиз, у ҳолда, агар Аллоҳ хоҳласа, уни сиздан тортиб олиниши мумкин.

***Фақат оғзаки иқрор бўлиш эмас.***

Бизлар, Исломни қабул қилибгина мусулмон бўламиз. Лекин бу «Исломни қабул қилиш, нима дегани?» Ҳар бир, оғзаки равишда «Мен мусулмонман» ёки «Мен Исломни қабул қилдим» деган кимса, ҳақиқий мусулмон бўлади деганими? Ёки брахман дини ибодатчиси, ўзининг «санскрит» китобидан, маъносини билмай



бир неча сўзларни қайтаргани каби, бошқа бир киши баъзи араб калималарини такрорлаши билан, мусулмон бўлиб қоладими? Бу саволларга жавоб нима? Жавоб битта-Исломни қабул қилиш, бу, ҳар бир мусулмон ақл ва идрок билан пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатган нарсаларни тушунмоғи ва бунга мувофиқ яшамоғи деганидир. Бунга зид иш қилувчилар, ҳақиқий мусулмон эмаслар.

### ***Билимсиз Ислом бўлмас.***

Шундай қилиб, Ислом билим ва бу билимни ҳаётга татбиқ қилишдан иборат экан. Инсон оқ танли бўлиб, умрининг

охиригача шундай қолади. Худди шундай, англичан ҳам умрининг охиригача англичан бўлиб қолади, лекин бундан унинг билими ортмайди. Ҳеч бир инсон Исломнинг асл моҳиятини билмай туриб ҳақиқий мусулмон бўла олмайди, чунки у туғилиш билан эмас, балки билим орқали мусулмон бўлади. Тоинки, сизлар пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асосий ва муҳим бўлган таълимотларини ўрганмасдан туриб, қандай қилиб унга ишонасиз. Ва бу билимсиз қандай қилиб сизлар ҳақиқий мусулмон бўласиз?

Ўз-ўзидан маълумки, саводсиз-жоҳил бўлиб, шу билан бир қаторда ҳақиқий мусулмон бўлиш мумкин эмас. Мусулмон оиласида туғилиб, Исломий исмлар билан номланиш, мусулмонча кийиниш ва ўзини мусулмон деб номлашлик, ҳақиқий мусулмон бўлишга етарли эмасдир. Ҳақиқий мусулмонлар Ислом нимага курашишини биладилар ва бу курашни ақлан ҳақ деб, эътироф этадилар.

Кофир ва мусулмон ўртасидаги реал фарқ исмда эмас, яъни Смит, Рам, Джон ва Абдуллоҳ каби. Ким кофиру, ким мусулмон эканлигини исм аниқлаб бермайди. Галстук билан тоқия дўпписи ҳам, улар орасидаги

хақиқий фарқни кўрсатмайди. Бу фарқ билимдадир. Кофир Аллоҳни инкор қилади. Модомики, у Илоҳий дастурни билмас экан, тўғри турмуш тарзини ҳам билмайди. Агар мусулмон Илоҳий дастурга безътибор улғайса, у ҳолда, нимага асосланиб биз уни кофир эмас, мусулмон деб чақирамиз.

### ***Нодонликнинг хатарлари.***

Биродарлар! Мен нимага бураётганимни диққат билан эшитинг. Бир нарсани яхши тушуниб олинглар, яъни сизларни миннатдорчиликка тўлдириб юбораётан бу-Аллоҳнинг улкан неъматини сақлаб қолиш ва ундан жудо бўлиш биринчи навбатда, билимга боғлиқдир. Билимсиз сизлар

Аллоҳнинг бу-Ислом неъматига эга бўла олмайсиз. Агар сизнинг илмингиз кам бўлса, худди шунга яраша, бир бутун нарсанинг озгина қисмига эга буласиз. Лекин сиз доимо ўзингизнинг бу нодонлигингиз билан курашмасангиз, у ҳолда мана шу неъматнинг озгина қисмини ҳам йўқотиб қўйишингиз мумкин.

Ислом билан куфр, тавҳид билан ширкнинг фарқини тушунмаган одам, зулмат ичида бир сўқмоқ бўйлаб кетаётган киши кабидир. У йўлдан четга чиқиб кетиши ёки бошқа сўқмоққа тушиб қолиши мумкин. Ёки «Сен қоронғуда адашдинг. Юр, мен сенга йулни кўрсатаман» деб,

пичирлаётган шайтоннинг гапига алданади. Бечора, ўз кўзи билан тўғри йўлни кўрмай, шайтонга эргашиб, тўғри йўлдан адашади. У бундай хавфу-хатарларга, нурли чироғи бўлмагани учун дуч келади ва йўлдаги белгиларни кўра олмайди. Агар унинг нурли чироғи бўлганида эди, йўлдан адашмасди ва ўзини адаштиришга йўл қўймасди.

Бу мисолдан кўриниб турибдики, сизларга таҳдид солаётган энг катта хавф, бу, Ислом таълимотини, яъни Қуръон ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам рисолатларини билмаслигингиздир. Аммо агар сизлар илм нури билан

марҳаматланган бўлсангиз, у ҳолда, ҳаётингизнинг турли бурилишларида осонлик билан Ислом кўрсатган йўлни топиб оласиз. Худди шу тарзда куфр, ширк ва ахлоқсизлик сўқмоқларини кўриб, улардан четлана оласиз. Ва қачонки сизга сохта йўлбошчи дуч келса, сизлар бир икки калимадан кейин, унинг ким эканлигини билиб оласиз.

### ***Илм олинглар!***

Биродарлар! Мен яна бир бор таъкидлаб ўтаманки, сизлар ва фарзандларингиз ҳақиқий мусулмон бўласизларми йўқми, бу билимга боғлиқдир. Шунинг учун, бу эрдан чиқиб кетадиган бир бекорчи нарса эмас.

Сизлар ўз турмуш шароитингизни яхшилаш учун, ўз ерингизни ҳайдаб шудгор қилиб, ўз ҳосилингизни муҳофаза қилишни, чорва молларингизга ем-хашак тайёрлашни эсдан чиқармайсиз. Чунки, сиз буни эсдан чиқарсангиз, у ҳолда, очликдан ўлишингиз мумкин. Нега бўлмасам, сизлар мусулмон бўласизми ёки йўқми, буни сизларга кафолатловчи билимларни ўрганишликка эътибор бермаяпсизлар? Ахир бу эътиборсизлик, сизларга жуда ҳам қадрли бўлган иймон неъматингизни йўқотишингизга хавф солмайдими? Ахир иймон, ҳаётдан кўра қадрли эмасми? Сизлар вақт ва қувватингизнинг аксар



қисмини ўз жисмоний ҳаётингизни сақлаб туриш учун сарф қиласиз. Лекин нима сабабдан, сизларнинг дунё ва охирагингизни қандай бўлишини белгилаб берувчи иймонингизни муҳофаза қилувчи билимларни эгаллаш учун, ўз ҳаётингиз ва қувватингизнинг ўндан бир қисмини сарф қилмайсиз?!

Мен сизлардан катта фақих-уламо бўлишни, катта китобларни ўқишни ва ҳаётингизнинг кўп қисмини илм талабида ўтказишликни талаб қилмайман. Ҳақиқий мусулмон бўлиш учун, унчалик кенг миқёсда шуғулланмаса ҳам бўлади. Мен сизлардан ҳар бирингиздан, бир кеча-

кундузда бир соат вақтингизни диний илмларни ва ҳаёт йўлингиз бўлган Исломни ўрганишликка сарф қилишингизни сўрайман.

Сизларни ҳар бирингиз, ёшу-қари, эркак ва аёл, Қуръон таълимотини ва бу таълимотнинг асл моҳиятини тушунтириб берадиган фарзи-аъйн даражасидаги илмни эгаллашингиз зарур. Ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга юборилган рисолатни очиқ ойдин тушунишингиз керак. Шу билан бир қаторда, У зот йўқ қилиши буюрилган турмуш тарзини, яъни куфрни ажрата билишингиз лозим. Ва Аллоҳ

таъоло мусулмонларга буюрган турмуш тарзи билан яқиндан танишмоғингиз керак.

Бу оддий билимларни ўрганиш учун жуда кўп вақт талаб қилинмайди. Агар сизлар иймоннинг қадрини билсангиз, у ҳолда, бунга бир соат вақт топиш, сиз учун қийин бўлмайди.

## **2. Ислом ва куфр орасидаги фарқ**

### ***Мусулмон ёки кофирми?***

Диндош биродарлар! Ҳар бир мусулмон, худди сиз каби, мусулмонлар кофирлардан фарқ қилишига ишонади. Яъни Аллоҳ мусулмонларни яхши кўради ва кофирларни ёмон кўради. Мусулмонлар

Аллоҳнинг мағфиратига эришадилар, кофирлар эса йўқ, ва мусулмонлар жаннатга кирса, кофирлар эса дўзахга тушади. Мен сизлардан, бу мусулмон ва кофирлар бири-биридан нимаси билан фарқ қилиши ҳақида ўйлаб кўришингизни сўрардим.

Кофирлар ҳам худди сизлар каби Одам Ато ва Момо Ҳавволарнинг зурриётларидир. Улар ҳам худди шу ҳаводан нафас олишади, шу сувдан ичишади ва худди шу ер юзида яшайдилар. Уларни ҳам худди сизлар каби Аллоҳ яратган. Нега энди уларни пастга ва сизларни юқорига қўйиш керак? Нега

сизлар жаннатгаю, улар эса дўзахга тушишлари керак?

Яхшилаб ўйлаб кўринглар. Инсонлар орасидаги бундай катта фарқ баъзи бир нарсаларга қараб белгиланмайди, яъни сизнинг исмингиз Абдуллоҳ ё Абурраҳмон бўлсаю, уларники эса Картар Сингх, Смит ёки Робертсон, ёки сизлар хатна қилингансиз, улар эса йўқ, ёки улар чўчка гўштини ейдилару, сизлар эса йўқ. Барча инсонларни яратган Раззоқ Аллоҳ, бундай адолатсиз эмаски (Аллоҳ Ўзи кечирсин), кимни жаннатга ва кимни дўзахга ташлашликни мана шу каби арзимас нарсаларга қараб ҳал қилса.

Ундай бўлса, мусулмонлар ва кофирлар орасидаги ҳақиқий фарқ нимада?! Жавоб оддий, у Ислом ва Куфрнинг асл табиатидадир. Исломнинг моҳияти Аллоҳга итоат, Куфрнинг моҳияти эса Аллоҳни инкор қилиш ва Унга осий бўлишлиқдир. Мусулмонлар билан кофирлар бир-бирига ўхшаш Аллоҳнинг бандаларидир. Аммо уларнинг бири Аллоҳни ўзининг Хожаси деб, Унинг буйруқларига итоат қилиб ва итоатсизликнинг ёмон оқибатларидан қўрқиб, руҳи билан юксалса, бошқаси эса Уни тан олмай, Унинг буйруқларини инкор қилиб, ўзини бадном қилади. Мана шу сабабдан, Аллоҳ мусулмонлардан рози ва

иймонсизлардан норозидир. Мана шу сабабдан, Аллоҳ с.т. Мусулмонларга жаннатдаги мукофотларни ваъда қилиб, кофирларни эса дўзах билан огоҳлантиради.

### ***Билим ва амаллар.***

Шундай қилиб, мусулмон ва кофирларни билим ва амаллар ажратиб туради. Яъни сизлар аввал сизнинг Хожангиз Ким, Унинг буйруқлари нимадан иборат, қайси ишлар Уни хурсанд қиладию, қайсилари йўқ билишингиз керак. Қачон бу нарсалар маълум бўлгач, кейинги қадам, ўзингизни Аллоҳнинг ҳақиқий қули ва унга ҳақиқий бандалик қилишингиз керак бўлади. Ва бунга, ўз ҳою-ҳавасларингизни

Унинг хоҳиш-истакларига бўйсиндиришингиз билан эришасиз.

Агар сиз бир ишни қилмоқчи бўлсангизу, лекин Хожангиз бунинг аксини буюрган бўлса, у ҳолда сиз буйруқни бажаришингиз керак. Агар бир нарса сизга яхши бўлиб туюлсаю, аммо Хожангиз буни ёмон деса, сиз Унинг сўзини қабул қилишингиз зарур. Ёки бошқа-бир нарса сизларга ёмон бўлиб кўринсаю, лекин Хожангиз буни яхши деса, бу ҳолда ҳам сиз уни қабул қилишингиз керак. Агар сиз бирон-бир ишни зарарли деб ҳисобласангизу, лекин Хожангиз бу ишни қилиш керак деса, бу ишни нима бўлганда



ҳам, ҳатто молу-жонингизни хавф остига қўйиб бўлса ҳам қилишингиз шарт. Худди шунга ўхшаб, сизлар ўзингизга бирон-бир фойда келтирмоқчи бўлсангизу, лекин Хожангиз буни ман қилса, у ҳолда, агар бу иш сизларга бутун дунё бойликларини келтирса ҳам, ундан тийилишингиз керак бўлади.

Мана шу билим ва амаллар, мусулмонларни, Аллоҳнинг ҳақиқий бандалари даражасига олиб чиқади. Ва бундай бандаларни, У Ўз раҳматига олади ва уларга обрў-эътибор ва азизликни беради. Бунинг қаршисига ўлароқ, кофирлар бу илмлардан бебаҳра бўлганлари сабабли

Аллоҳга осий бўладилар ва Унинг марҳаматига дохил бўлмайдилар.

Ана энди, инсоф билан менга айтингчи; агар сизлар ўзингизни мусулмон десангиз-у, лекин ҳақиқатда эса, худди кофирлар каби жоҳил ва итоатсиз бўлсангиз, у ҳолда, сизлар улардан фақат исмларингиз, кийим ва таомларингиз яхши бўлганлиги сабабли устун бўлишингиз керакми?! Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Сизларни дунё ва охирада мана шу нарсаларга асосланиб марҳаматига оладими? Ислом дини бу ирк ёки оила каби автоматик равишда отадан фарзандга ўтадиган нарса эмас. Қабих амаллар қилиб юрувчи юқори табақадаги

уламанинг ўғли, Робб таолонинг ҳузурида ҳеч қандай эътиборга лойиқ бўлмайди, ҳаттоки у исломий оилада туғилган бўлса ҳам. Худди шу каби, Аллоҳ таоло солиҳ амаллар қилувчи энг қуйи табақадаги оиланинг фарзандини камситиб қўймайди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Очиқ ойдин хабар беради:

**«Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир.» (Ҳужурот-13)**

Бундан кўришиб турибдики, сизлар қанчалик Аллоҳни яхши таниб, Унинг буйруқларига итоат қилсангиз, шунчалик

Унинг наздида обрў-эътиборга эга бўласиз. Иброҳим а.с. бутпарастнинг уйида туғилдилар, лекин У киши Аллоҳни таниб, Унга бўйсундилар. Шу сабабдан Парвардигор У кишини бутун инсониятнинг имоми қилиб тайинлади. Нух а.с.нинг ўғли пайғамбар хонадонида туғилди. Аммо у Аллоҳни тан олмади ва Унга бўйсинмади. Ва Аллоҳ барча инсониятга дарс, ўғит бўлишлиги учун, пайғамбарнинг ўғли бўлишига қарамай, уникаттиқ жазолади.

Шунинг учун яхшилаб тушуниб олингларки, Аллоҳнинг наздида инсонлар орасидаги фарқ, фақат илм ва амаллар

билан ўлчанади. Худди бу дунёдаги каби, охиратдаги Аллоҳнинг марҳаматига, фақат Уни тан олган, У кўрсатган йўлни танлаган ва Унинг буйруқларини бажарган кишилар мушарраф бўладилар. Буни қилмаганлар, уларнинг номлари нима бўлишидан қатъий назар, Абдуллоҳми, Смит, Картар Сингх ёки Робертсонми, фарқи йўқ. Улар Аллоҳнинг марҳаматига лойиқ эмаслар.

***Нима сабабдан мусулмонлар бугун хор  
аҳволда.***

Биродарлар! Сизлар ўзингизни мусулмон дейсизлар ва Аллоҳ сизларга меҳрибон ва марҳаматли деб, ишонасизлар. Лекин кўзингизни очиб, назар ташланглар,

ҳақиқатда ҳам, Аллоҳнинг бу марҳамати-илтифоти сизларга берилганми ? Сизлар то жисмонан ўлмай туриб, барзах (қабр) ҳаётида қандай ҳолатда бўлишингизни билмайсиз. Лекин ҳозир Ер юзида ҳеч бир қийинчиликсиз ён-атрофга қараб, қандай аҳволда кун кечираётганингизни кўришингиз мумкин. Дунёда сонингиз юзлаб миллион бўлиб, ҳар бирингиз биттадан тош ташласангиз тоғ пайдо бўлади. Лекин мусулмонларнинг ва мусулмон ҳукуматларининг кўплигига қарамай, ҳозирги кунда дунё, Аллоҳга қарши бош кўтарганларнинг қўлидадир. Сизлар уларнинг қўлларида худди

қўғирчоқдай, сизларни хоҳлаган кўйга солишяпти. Фақат Аллоҳгагина таъзим қилишга буюрилган бошларингиз, ўзингизга ўхшаш инсонларга эгиляпти. Бирон-бир кимса, тегишга журъат қилмаган обрўйингиз, бугунги кунда балчикда топталаяпти. Доим юқорида турадиган қўлларингиз бугунга келиб, душманларингиз юзи олдида тиланяпти. Нодонлик, қарамлик, очлик ва қарзлар сизларни дунё бўйлаб хор аҳволга туширди. Ахир бу Аллоҳнинг марҳаматими? Ундай бўлмай, аксинча ғазаб аломати бўлса, у ҳолда, Аллоҳ мусулмонларга ғазаб қилиши ажабланарли эмасми?! Сизлар

мусулмонсизлар, аммо хорликда яшаяпсизлар! Сизлар мусулмонсизлар, аммо куликда эзиляпсизлар! Худди оқ танли қора бўлмагани каби, аҳвол ғайриоддийдир. Агар мусулмонлар Аллоҳга суюкли бўлсалар, у ҳолда, У қандай қилиб уларни бу хорликка ташлаб қўйди? Ахир сизнинг Роббингиз шу даражада адолатсизми-ки (Аллоҳнинг Ўзи кечирсин!), сизлар Унга У талаб қилганидек итоат қилиб, ибодат қилсангизу, У эса, осий бандалари сизларга ҳукмронлик қилиб, сизларни жазолашига йўл қўйиб берса?

Лекин агар сизлар Унинг адолатига ва Унга итоат ҳеч вақт хорлик-зиллатга олиб



келмаслигига ишонсангиз, у ҳолда, сизнинг мусулмончилигингизда камчилик, нуқсон борлигини тан олишингиз керак. Туғилганлик гувоҳномаси бўйича сизлар мусулмон бўлишингиз мумкин, лекин Аллоҳ бундай арзимас қоғозчага қарамайди. Парвардигор итоатли ва осий бандаларига, ўзининг хусусий рўйхатини олиб боради ва сизлар бу рўйхатдаги ўзингизнинг қайси ўринда эканлигингизга эътибор беришингиз керак.

Аллоҳ сизларга Ўз китобини, уни ўқиб Роббингизни таниб, уни ҳаётингизга татбиқ қилишингиз учун нозил қилди. Сизлар бу китобда нима дейилганини билиш учун

ҳаракат қилдингизми?! Аллоҳ Ўз пайғамбарини сизларга ҳақиқий мусулмонликни таълим бериш учун юборди. Сизлар Пайғамбарнинг бу таълимотини ўрганишга ҳаракат қилдингизми?! Аллоҳ сизларга, инсон бу дунёда ўзини қандай тутиши кераклигини очиқ-ойдин тушунтириб қўйди. Сизлар бу ахлоқ-одоб нормаларига риоя қиласизми?! Бу саволларга нима деб жавоб берасиз? Агар сизлар бу билимларни на Аллоҳнинг китобидан, ва на Пайғамбарнинг ҳаётидан қидирмай, У киши кўрсатган йўлдан юрмаган бўлсангиз, у ҳолда қандай қилиб ўзингизни мусулмон деб, Унинг раҳматига

умидвор бўласиз. Бизлар ҳозир қандай мусулмон бўлсак, шунга яраша мукофот олаяпмиз. Ва охиратда ҳам, худди шу асосда мукофотланамиз.

Мусулмон ва кофирлар орасидаги ягона фарқ, билим ва амалдир. Ўзларини мусулмон деб, лекин ўзини худди кофирлар каби тутувчи инсонлар ғирт ёлғончи-каззобдирлар. Кофирлар Қуръонни ўқимайдилар ва унда нима дейилганини билмайдилар. Агар ўзларини мусулмон деб ҳисобловчи-номигагина мусулмонлар худди кофирлар каби жоҳил-нодон бўлсалар, унда нимага асосланиб, уларни мусулмон деб аташ керак? Кофирлар

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таълимотларини ва У зот кўрсатган йўлни билмайдилар. Агар мусулмонлар ҳам улардек нодон бўлсалар, қандай қилиб мусулмонликни даъво қиладилар? Көфирлар Аллоҳнинг буйруқларига бўйсинмай, балки ўз ҳавоинафсларига эргашадилар. Агар мусулмонлар ҳам худди шундай беаҳлок, ўзбошимча бўлиб, фақат ўзларининг фикрларини мақуллайдиган, шаҳватпараст, Аллоҳга безътибор бўлсалар, нимага асосланиб ўзларини мусулмон деб атайдилар?! Көфирлар ҳалол-ҳаромни ажратмайдилар ва ундан хоҳлаганча

фойдаланадилар. Агар мусулмонлар ўзларини мусулмондек тутмасалар, у ҳолда улар билан кофирлар орасида нима фарқ бор?!

Келинлар бундан ҳам ойдинлаштирайлик. Агар мусулмонлар худди кофирлар каби Исломга безътибор, ғофил бўлиб, кофирлар қилган ишларни қилсалар, нега энди уларни кофирлардан устун қўйишимиз керак ва нега уларнинг охирагдаги тақдири яхши бўлиши керак. Бу ҳақда барчамиз жиддий ўйлаб кўришимиз керак.

Азиз биродарлар! Сизлар мени, мусулмонларни кофирлардек

тамғаламоқчи деб ўйлаб қолманг. Менинг мақсадим бу эмас. Мен ўзимдан сўрайман ва сизлар ҳам ўзингизга шу саволни беришингизни хоҳлардим: Нега бизлар Аллоҳнинг марҳаматидан бебаҳрамиз? Нима сабабдан бизлар ҳар тарафдан хужум, ҳамлаларга дуч келяпмиз? Нега бизлар фирқаланиб бир-биримизнинг қонимизни тўқаяпмиз? Нима сабабдан, кофирлар бизларга хукмронлик қиляптилар? Ва нима сабабдан бизлар, Аллоҳнинг итоатли бандалари Ер юзининг кўплаб бурчакларида хорликда кун кечиряпмиз?

Мен бу ҳақда қанчалик кўп ўйласам, шунчалик кўп ишондимки, ҳозир бизлар

ва кофирлар ўртасидаги қолган «деярли, ягона фарқ», фақат исмда қолган экан. Чунки биз ҳам, Аллоҳни писанд қилмаймиз, Ундан қўрқмаймиз ва Унга қулоқ солмаймиз.

Мен, «деярли фарқ» дедим, чунки, ҳақиқатда ҳам фарқ бор. Бизлар Қуръони Каримни Аллоҳнинг китоби эканлигини биламиз, кофирлар эса йўқ, лекин бизлар ҳам у билан худди кофирлардек муомала қиламиз. Ва бу бизларни бунданда бадтар жазога лойиқ қиляпти. Бизлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Аллоҳнинг пайғамбари деб биламиз, лекин худди кофирлардек У кишига эргашишдан бош

тортамиз. Аллоҳ ёлғончи-каззобларни лаънатлашини, ҳар бир пора берувчи ва олувчиларга дўзах ваъда қилганини, судхўрликни катта гуноҳ деб ҳукм қилганини, ғийбатни-худди одам гўштини ейишга тенглаштириб, уни лаънатлаганини ва бузуқ ахлоқ, беҳаёлик ва ифвогарлик қаттиқ жазоланишини биламиз. Лекин бу барча билимларга қарамай, гўё Парвардигорнинг ғазабига қолишликдан чўчимай, бу гуноҳлар билан бепарволик ила лаззатланыпмиз. Мана шу сабабдан ҳам, бизлар тақдирланмаяпмиз ва бизлар илтифотга лойиқ эмасмиз. Бизлар фақат ташқи кўринишдан мусулмонмиз холос.



Аллоҳнинг илоҳий рисолатини қабул қилмаган кимсаларнинг бизларга ҳукмронлик қилиб ва бизларни ҳар бир нарса учун хорлаши шуни кўрсатадики, бизлар бу мусибатларга Аллоҳнинг буюк неъматини бўлган Исломни ҳақиқий қабул қилмаганимиз сабаблидир.

Азиз биродарлар! Бугун мен гапирган нарсаларни танбеҳ-айблов деб қабул қилманглар. Мен сизларни муҳокама қилишлик учун келганим йўқ. Менинг мақсадим фақат ва фақат сизлар йўқотган улкан бойликни қайтариб олишлик учун, сизларда хоҳиш истакни уйғотиш эди холос. Бу хоҳиш-истак қачонки, инсон йўқотган

нарсасининг қанчалик бебаҳо эканлигини тўлиқ тушуниб етгандагина пайдо бўлади. Мен аччиқ ва аламли сўзларни фақат сизларни бу ғафлатдан уйғотишлик ва озгина бўлса ҳам фикрлашингиз учун гапирдим, холос.

### ***Билимга ташналик.***

Мен айтиб ўтганимдек, ҳақиқий мусулмон бўлиш учун, энг аввал Ислом дини таълимотини билиш керак. Ҳар бир мусулмон Қуръон таълимотини, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шариъатларини, Исломнинг моҳиятини ва Ислом билан куфрнинг фарқини билиши керак. Бу билимларсиз ҳеч ким мусулмон

бўла олмайди. Лекин ачинарли нарса шуки, сизлар бу билимларни ўзлаштиришни хоҳламаяпсизлар. Бу, сизларни қанчалик улкан неъматдан бебаҳра эканлигингизни билдиради.

Биродарлар! Она фарзандига, тоинки, у йиғлаб, сут талаб қилмагунича сутни бермайди. Инсон ташна қолсагина сувни кидиради ва Аллоҳ уни керакли жойга олиб келади. Агар сизлар ўз ташналигингизни сезмасангиз, у ҳолда сизларга тепасигача сув билан тўла қудуқ ҳам эътиборсиз бўлади. Сизлар аввал, Исломни билмаслик билан нимадан маҳрум бўлаётганингизни тушунишингиз керак. Аллоҳнинг китоби

сиз билан, лекин сизлар унда нима ёзилганини билмайсизлар. Сизлар ҳатто, уни айтиб Исломга кирадиган «Лаа илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-росулуллоҳ» калимасининг маъносини билмайсизлар ва бу калимани қайтаришлик билан сизларга қандай маъсулият юкланишини ҳис қилмайсизлар. Мусулмонлар учун бундан ҳам катта мусибат, йўқотув борми?

Сизлар, ёнғин ҳосилга қандай зиён етказишини биласиз. Сизлар ўз-ўзини тўйғаза олмаслик қанчалик азоб-уқубатларга олиб келишини биласиз ва мол-дунёни йўқотишликнинг қанчалик оғир эканлигини биласиз. Лекин сизлар Исломни

билмаслик қанчалик катта мусибат эканини билмайсизлар. Қачон сизлар бу махрумликнинг моҳиятини тушуниб етсангиз, ана шунда ўзингиз келасиз ва бу камчиликни тўлдиришни талаб қиласиз. Ва ана шунда, инша Аллоҳ бу улкан неъматни мукаммал қилишлик учун сизнинг ихтиёрингизда ҳамма шарту шароитлар муҳайё бўлади.

### **3. Мусулмонларнинг Қуръонга муносабатлари**

Диндош биродарлар! Ҳозирги кунда фақат мусулмонларгина, ўзининг аввалги ҳолатида, ҳеч бир ўзгаришсиз Пайғамбар

соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил бўлган ҳолатида сақланиб қолган Аллоҳнинг каломига эгадирлар. Лекин шуниси ажабланарлики, худди шу мусулмонлар бу- Аллоҳнинг каломидан келадиган фойдаю марҳаматлардан бебаҳра қолмоқдалар. Қуръон уларга ўқиб, тушуниб ва унга мувофиқ ҳаёт кечириш учун ва шу билан бир қаторда, унинг ёрдамида Ер юзида Илоҳий ҳукмларни ўрнатишлик учун юборилгандир. Қуръон уларга обрў-эътибор ва куч-қувват бағишлаш учун келгандир. У, уларни Ерда Аллоҳнинг ҳақиқий халифалари қилиш учун нозил қилинди. Ва тарих кўрсатадики, вақтики,

улар бу Қуръон бўйича амал қилганларида, у уларни бутун дунёга ҳоким қилди.

***Ҳурматсизлик ва нотўғри фойдаланиш.***

Лекин ҳозирги кунда кўпчилик муслмонлар Қуръонни у билан жину шайтонларни ҳайдаш учун уйларда сақлайдилар, унинг сураларини туморга ёзиб, осиб олиш учун, ёки, уни қоғозга ёзиб сувда эритиб ичиш учун, ёки унинг маъносини билмай ўқиб, бундан маълум бир ҳақ олишлик учун фойдаланадилар. Улар ундан ўз ҳаётларига раҳбарлик қилувчи манбани изламаяптилар. Улар ундан иймон, ахлоқ-одоб ва муомала саволларига жавоб қидирмаяптилар, ёки

бундан бошқа, қандай ҳаёт кечириш, дўсту душманлар билан қандай принципларга амал қилиш кераклигини ва ўз биродарлари ва ўзлари қандай ҳуқуқларга эга эканликлари ҳақида билиш учун унга муружат қилмаяптилар. Улар ундан нима ҳақ ва нима ботил, кимга итоат қилиш керак ва кимга йўқ, ким дўсту, ким душман, обрў-эътибор, фаровонлик ва шон-шарафни қаердан қидириш керак ва қандай қилиб, хато, ноинсофлик ва балолардан ўзини сақлашликка бўлган саволларга жавоб қидирмай қўйдилар.

Биз мусулмонлар, бу саволларга жавобни Қуръони Каримдан излаб топишга



беътибор бўлиб қолдик. Бунинг ўрнига бу ҳақда кофир ва мушриклардан, адашган ва жоҳиллардан ва гоҳида ўзимизнинг ҳавою нафсимиздан сўраб, уларнинг маслаҳатларига эргашаяпмиз. Шу сабабли, Аллоҳни инкор қилувчи ва бошқаларга итоат қилувчилар билан содир бўлган балолар бизларнинг бошимизга тушди. Биз дунё бўйлаб-Фаластин, Ўрта Шарқ, Покистон, Индонезия ва бошқа кўп жойларда, нима эккан бўлсак шунинг ҳосилини кўраяпмиз.

Қуръон нимаики, яхшилик бўлса, унинг манбаидир. Сизлар ундан нимаики ва қанча талаб қилсангиз, у сизларга беради. Агар

сизлар ундан жину шайтонларни ҳайдаш, тумов ва ҳароратни кетказиш, суд жараёнида ва иш топишликда ёрдам сўраш каби паст, арзимас ва ғайриоддий нарсаларни сўрасангиз, сизлар уларни олишингиз мумкин ва фақат уларни. Лекин агар сизлар бутун дунёга ҳукмронликни ва дунёни бошқариш учун зарур бўлган куч-қувватни изласангиз, у ҳолда сизлар бунга етишингиз мумкин. Агар сиз Аллоҳнинг аршига етишликни сўрасангиз, Қуръон сизларни унга етказди. Лекин агар сизларга океандан озгина томчилар тегса, Қуръонни маломат қилмай, айбни

ўзингиздан қидиринг. Ким билса, бутун океанга эга бўлиши мумкин.

### ***Ғалати қарама-қаршиликлар.***

Ачинарли ва кулгили ҳолат шундаки, биз мусулмонлар Аллоҳнинг китоби билан шунчалик ахлоқона муомала қиляпмизки, агар бу ҳолатни бошқа бир кишиларда, бошқа бир нарсада кўрганимизда эди, уларни мазах қилиб, беақл кишига чиқарган бўлардик.

Менга айтингчи, агар сиз бир кишининг табиб ё шифокордан олган дорилар рўйхатини бир латтага ўраб бўйнига илиб олса, ё сувда ҳўллаб, бу сувни ичиб, бу билан шифо топаман деб ишонса, сизлар бу

киши ҳақида қандай хаёлга борган бўлар эдингиз. Ахир сиз уни масхара қилиб, ахмоқ демайсизми? Лекин сизнинг кўз олдингизда ҳар қандай касалликдан шифо берувчи шифокорларнинг энг улуғи бўлмиш Аллоҳнинг бебаҳо рецепти билан худди шу алфозда муомала қилиняпти ва ҳеч ким бунга кулмаяпти! Ҳатто ҳеч ким, бу рўйхат бўйинга илиб юришлик учун эмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмапти.

Айтингчи, сизлар бир касал, тиббиёт китобини олиб уни ўқишни бошласа ва бундан шифо топаман деб ишонса, сизлар у ҳақда нима гумонга борасизлар? Ахир сизлар у ақлдан озибди демайсизларми?

Лекин бизлар, ҳар қандай касалликдан шифо берувчи улуғ шифокорнинг китоби билан шундай муомала қиляпмиз. Бизлар унинг варақларини варақлаб, барча касалликлардан фориғ бўламиз деб ўйлаб, лекин унинг буйруқларига эргашиб, унда қайтарилган нарсалардан қайтишлик худди кераксиз, безътибор нарса деб ҳисобляпмиз. Ахир бизлар тиббиёт китобини олиб, фақат ўқишлик билан касалликдан тузаламан деб ўйлаган касалга ўхшаб қолмаяпмизми?

Агар сизлар бирон-бир сиз билмайдиган чет тилида ёзилган «расмий мактуб» олсангиз, сизлар бу тилни билган одамнинг

олдига борасиз. Агар ҳаттоки, бу унчалик эътиборсиз бўлса ҳам, сиз унда нима ёзилганини билиш учун бегоҳатлик ва катта қизиқиш билан кутасиз. Аммо бутун оламлар Тарбияткундаси тарафидан юборилган ва сизларга бу дунёю-охиратнинг бахт-саодатини келтирувчи мактубни сизлар назарга илмай, четга суриб қўясизлар. Ва унда нима ёзилганини билмаслигингиздан ҳатто ташвишланмайсизлар ҳам. Ахир бу ажабланарли эмасми?!

Мен сизларни кулдирмоқчи эмасман. Сизлар бу ҳақда озгина ўйлаб кўринг ва Аллоҳнинг китоби бениҳоят катта

адолатсизликка учраганига чиндилдан иқрор бўласиз. Қизиғи шундаки, худди шу ноинсофлар, яъни беамал қорилар ўзларининг унга иймон келтирганларини ва бунга ҳаётларини фидо қилишга тайёр эканликларини овоза қиладилар. Дарҳақиқат, улар унга чин дилдан ишонадилар ва уни жонларидан ортиқ яхши кўрадилар, лекин минг афсуски, худди шулар у билан жуда қабиҳона муомала қиладилар. Натижалар эса, ўз-ўзидан маълум.

### ***Натижалар.***

Яхшилаб бир бор ва умрбор тушуниб олингларки, Аллоҳнинг каломи бизларга

қашшоқлик, хорлик ва мусибатлар келтириш учун нозил бўлмаган.

**«То, Ҳа. Биз сизга бу Қуръонни қийналиб жафо чекишингиз учун нозил қилмадик» (Тоҳа-1,2).**

Аксинча, Қуръон фаровонлик ва бахт-саодат манбаидир. Инсонлар Аллоҳнинг каломига эга бўлиб, шу вақтнинг ўзида хорлик ва зорлик, қуллик кишанлари ва ҳайвонона муносабатлардан азоб тортишлари ақлга сиғмас нарсадир. Қачонки инсонлар, Аллоҳнинг каломини назар-писанд қилмасалар, шундай ҳолатга тушадилар. Бани Исроилнинг тақдирини



қаранг. Уларга Таврот ва Инжил берилиб, айтилди:

**«Агар улар Тавротга, Инжилга ва Парвардигорлари тамонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилганларида эди, устиларидан (осмондан) ҳам, остилардан (ердан) ҳам ризқланган бўлур эдилар» (Моида-66).**

Лекин улар Аллоҳнинг бу китобларига нотўғри муносабатда бўлдилар ва бунинг натижасида:

**«Уларга хорлик ва мискинлик ёзиб қўйилди ва Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлдилар. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилганлари ва**

**пайғамбарларни ноҳақ қатл қилганларидир. Бунга сабаб итоат қилмай тажовузкор бўлганларидир» (Бақара-61).**

Агар инсонлар Аллоҳнинг китобига эга бўлиб, хорликда ва кулликда ҳаёт кечаришар экан, демак улар Аллоҳнинг каломига беодилона, қабих муносабатда бўлганлари сабабли жазоланган бўладилар. Аллоҳнинг ғазабидан қутулишнинг ягона йўли, бу оғир гуноҳга чек қўйиб, унинг китобининг ҳаққини муносиб равишда адо этмоқликдadir. Тоинки, сизлар бунини қилмас экансиз, сизларнинг аҳволингиз ўзгармайди, ҳаттоки сизлар ҳар бир

қишлоқда колледж очсангиз ҳам, барча фарзандларингиз университетларда ўқиса ҳам ва сизлар мўмай даромад манбайи топсангиз ҳам, ҳолат яхшиланмайди.

***Қуръонга итоатсиз Ислом бўлмас.***

Биродарлар! Аллоҳнинг китобига муносиб равишда муомала қилиш учун ҳар бир мусулмон икки нарсани билиши зарур: Ким ҳақиқий мусулмону ва «мусулмон» сўзи нимани англатади.

Инсоният инсоннинг табиатини ва инсон билан ҳайвон орасидаги фарқни билмас экан, охир-оқибат инсонга номуносиб феъл-атворга тушиб қолади ва ўзининг инсонийлик насл-насабини

кадрламай кўяди. Худди шундай, мусулмонликнинг асл моҳиятини ва у билан ўзга дин орасидаги фарқни билмаган кишилар, ўзларини мусулмон бўлмаган кимса каби тутсалар, бу номга нолайик бўладилар.

Шу сабабдан, ҳар бир мусулмон, ёшу қари, мусулмон бўлиш нима дегани, мусулмон қандай ҳаёт кечириши кераклиги, қандай мажбуриятлар унга юкланиши ва инсонни мусулмонликдан чиқарувчи Ислом чегараларини, ҳудудларини билмоғи зарурдир.

Ислом Аллоҳга бўйсунуш ва итоат демакдир. Ислом ўзини бутунлай Аллоҳга

топширишдир. Ислом бу, мутлақ эркинлик ва мустақилликдан воз кечиб, Аллоҳнинг амрига тўла бўйсунушдир. Агар сизлар ўз ишларингизни Илоҳий дастур бўйича олиб борсангиз, сиз мусулмонсиз, лекин сиз агар ишларингизни ўз хоҳишингиз, ёки Аллоҳдан бошқаларнинг фикри бўйича олиб борсангиз, сиз мусулмон эмассиз. Барча ишларни Илоҳона олиб боришлик бу, Аллоҳ Ўз китоби ва Росуллари орқали юборган Илоҳий шариатни сўзсиз қабул қилиш демакдир. Шу сабабдан, Қуръон ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Суннатига эргашишлик зарур бўлади. Мусулмонлар тушунган ҳолдами ё

анъанавий суъратдами, фарқи йўқ, улар фақат Аллоҳнинг ҳукмига бўйсундилар. Улар ҳар бир муаммога жавобни, нима қилиш кераку ва нимани йўқ, Парвардигорнинг китобидан ва Пайғамбарининг ҳаётидан қидирадилар. Улар ҳеч иккиланмай улардан келган ҳукмларни оладилар ва унга зид бўлган барча нарсани инкор қиладилар. Мана шундай тўлиқ итоат инсонни ҳақиқий мусулмон қилади. Бунинг зидди ўлароқ, Қуръон ва суннатга эргашиш ўрнига ўз ҳавою-нафсларига эргашувчи, ота-боболарнинг йўлларини ушловчи ва жамиятдаги бўлаётган нарсаларнинг

барчасини сўзсиз қабул қилиб, аммо Қуръон ва Суннатга қарашга эринадиган ва ҳатто Қуръон ва Суннат ҳақида «улар менга тўғри келмаяпти» ёки «улар ота-боболарим йўлига зид» ёки «дунё бошқа тарафга ҳаракат қиляпти» деб, бу Илоҳий дастурни рад қилувчилар мусулмон эмаслар. Бундай одамлар ўзларини мусулмон деб даъво қилсалар, ғирт каззоб бўладилар.

Сизлар «Лаа Илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-росулуллоҳ» калимасини айтишингиз билан, сизнинг ягона қонунингиз Аллоҳнинг қонуни ва фақат Аллоҳ сизнинг Хожангиз ва бошқарувчингиз, ва сизлар фақат Аллоҳга

бўйсуниб ва энг тўғри ҳақ нарсалар Аллоҳнинг пайғамбарларига нозил бўлган китобларда деб, тан оласиз. Бу, сизлар мусулмон бўлишингиз билан Аллоҳнинг барча ҳукмларига бўйсунган ҳар қандай ҳукуматни қабул қилишингиз шарт деганидир. Шу сабабдан сизлар «мен бундай деб ўйлайман, урф-одат, оилавий расм-русм бундай, бир уламо ёки бир авлиё бундай деди» дейишга ҳаққингиз йўқ. Сизлар Аллоҳнинг сўзи ва Пайғамбарининг Суннати олдида бундай фикр юритмоғингиз мумкин эмас. Сизлар ҳар бир нарса ҳақида, Қуръон ва Суннат билан ҳукм қилиб, уларга тўғри келадиган нарсаларни



қабул қилиб ва уларга зид бўлган нарсаларни, кимнинг фикри бўлишидан қатъий назар, рад қилишингиз лозимдир. Ўзини мусулмон деб, шу билан бир қаторда, Қуръон ва Суннатга тескари бўлган шахсий фикр, жамият урф-одатлари ва бирон-бир кишининг сўзларига эргашишлик бир-бирига зиддир. Худди кўзи кўр кўраман ёки кар эшитаман дегани каби, ким ўзининг амалий ишларини Қуръон ва Суннатга мувофиқ олиб бормас экан, у ўзини мусулмон дейишга ҳаққи йўқдир.

Ҳеч кимни мажбурлаб мусулмон қилиб бўлмайди. Сизлар ҳар қандай динни қабул қилишга ва ўзингизни қандай номлашга

ихтиёрлисиз. Лекин сизлар ўзингизни мусулмон деб номлаб, Ислом ҳудудидан чиқмаган ҳолдагина, бу номда қолишингизни яхши тушуниб олинг. Бу чегаралар ушбодир: Аллоҳнинг каломи ва Пайғамбарининг Суннатини ҳақиқат ва адолат мезони ва уларга зид бўлган ҳар қандай нарсаларни ботил деб тан олишингиз лозим. Агар сизлар бу ҳудуд ичида бўлсангиз сиз мусулмонсиз, лекин агар бу чегараларни бузсангиз, сиз Исломнинг бир қисми бўла олмайсиз. Бу ҳолатда ўзини мусулмон деб ҳисоблаб юришлик ўз-ўзини ва бошқаларни алдаш билан баробардир:

**«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир» (Моида-44).**

#### **4. Иймоннинг асл маъноси**

*Калимадан келиб чиқадиган фарқ.*

Диндош биродарлар! Сизлар Калима деб номланувчи баъзи бир сўзларни талаффуз қилиш билан мусулмон бўласизлар, яъни: «Лаа Илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-росулуллоҳ».

Бу сўзларни айтиш билан инсон ўзгаради деб, гумон қилинади. У кофир эди,

Энди мусулмон бўлди. У нопок нажас эди, энди эса покланди. У Аллоҳнинг норозилигига сазовор эди, энди эса унинг муҳаббатига лойиқ. У дўзахга тушар эди, энди эса жаннат унга мунтазир.

Бунданда амалий мавқеъда, турмуш фаъолиятида Калима инсонлар ўртасидаги фарқнинг асосидир. Уни айтадиганлар бир миллат ва инкор қилувчилар бошқа бир миллатни ташкил этадилар. Агар ота бу Калимани айтсаю, ўғил рад қилса, улар аввалги ота ва ўғил эмас. Бу фарзанд отадан ҳеч қандай мерос олмайди ва мумкин, ҳатто онаси ва опалари ундан хижоб билан сатрланадилар. Лекин аксинча, агар етти ёт

бегона **одам** Калимани такрорласа ва мусулмон оиласига никоҳ орқали қўшилса, у ҳолда, у ва унинг фарзандлари мерос олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шундай қилиб, Калиманинг кучи шунчалик каттаки, қардошлик алоқаларидан ҳам ўтиб кетади. У бири-бирига бегона бўлган инсонларни бир миллатга жамлаб ва қариндош ака-укаларни бир-биридан ажратиб юбориши мумкин.

### ***Талаффуз қилишининг ўзи етарлими?***

Нима сабабдан Калима инсонлар орасида шундай катта фарқни келтириб чиқаради? Унинг нима хосияти хислати бор? Аслида бу, баъзи «т», «а», «х», «л», «м»,

«р» ва «с» каби оддий ҳарфларнинг бирикмаси ва кўшиб айтилиши холос. Ёки бу ҳарфлар инсонларни ўзгартирадиган мўъжизавий қудратга эгами? Уларнинг оддий бир талаффузи шундай фарқни келтириб чиқарадими?

Биродарлар! Албатта сизлар ўйлаб кўриб, оддий оғизни очиб бу ҳарфларни талаффуз қилиш, бундай таъсир ўтказа олмайди деб айтасизлар. Дарҳақиқат, мушриклар баъзи бир сўзларни такрорлаш билан тоғларни силжитиш, ерни ёриб ундан фавворалар чиқариш мумкин деб ҳисоблайдилар. Ва бунда, маъноларни биласанми йўқми, фарқи йўқ. Чунки улар

бу харфларга ғайритабиий кучни нисбатлаб ва уларни ҳаракатлантиришга фақат талаффузнинг ўзи кифоя деб ҳисоблайдилар.

Исломда бу нарса йўқ. Сўзларнинг таъсири, уларнинг маъносидадир. Агар улар қалбга таъсир қилмаса ва сизнинг фикрингизни, ахлоқ-одобингиз ва феъл-атворингизни ўзгартирмаса, уларни такрорлаш бесамара ва маъносиздир.

Мана, буни кўрсатувчи оддий мисол. Фараз қилинг, сиз совуқ қотиб: «Жунлик кўрпа», «Жунлик кўрпа» деб қичқиряпсиз. Ҳатто сизлар буни, кечаси билан миллион бор тасбиҳ тошлари ила такрорласангиз ҳам

совуқ камаймайди. Лекин сиз, жунга тўлдирилган кўрпани тайёрлаб, унга ўралиб олсангиз, исиниб оласиз. Ёки фараз қилинг, сиз ташна қолдингиз, ва кун бўйи: «сув», «сув» деб бақиряпсиз. Ахир бундан сизнинг ташналигингиз босилмайди. Аслида сиз сувни топиб ичишингиз керак. Ёки фараз қилинг, сизни титроқ босиб, иситмалаяпсиз ва сиз шу касалликка оид дориларнинг номини такрорлаб ҳиргойи қилишни, бунга энг яхши даъво деб ҳисоблаяпсиз. Лекин бундан аҳволингиз яхшиланмайди. Агар сиз бу дориларни истеъмол қилсангиз, титроқ ва иситма инша Аллоҳ тўхтайд.



Калима билан ҳам худди шундай. Бу олти-еттита сўзларни талаффуз қилиш кофирни мусулмон ёки нопокни пок, лаънатланганни хушбахт қилиб, дўзахийни жаннатга юбормайди. Бундай ўзгариш фақат бу сўзларнинг маъносини англаб, бутун қалб билан ҳис қилиш ва турмуш тарзини бу калимага мувофиқ қуриш орқали бўлади.

Шунинг учун бу Калимани такрорлаганда сизлар Роббингизга қанчалик муҳим байъат-ваъда бераётганингизни ва ўзингизга жуда катта маъсулиятни юклаётганингизни ва бутун олам бунга шоҳид эканини ҳис қилишингиз керак. Уни

бир маротаба тушуниб айтиб, бу калимани ҳаётингиз ва фикру хаёлларингизнинг асоси қилишингиз керак бўлади. Ва ўз мафқурангизга бошқа бирон-бир ғояни киритишингиз мумкин эмас. Калимага зид бўлган барча нарсани ботил ва фақат Калима ҳақиқат деб ҳисоблашингиз керак. Калимани тасдиқ қилганингиздан кейин, сизлар кофирлар сингари хоҳлаган ишингизни қиладиган, эркин бўлмайсизлар. Сизлар буюрилган нарсани қилиб, қайтарилган нарсадан қайтишингиз керак бўлади.

Агар сизлар Калима талаб қилган бу нарсаларни ижро қилсангизгина ҳақиқий

мусулмон бўла оласиз ва шундагина, сизларга кўрсатиб ўтилган инсонлар орасидаги фарқ юзага келади.

### ***Калиманинг маъноси.***

Ана энди ижозатингиз билан Калиманинг маъноси нимадан иборат эканлигинини айтиб ўтсак. Аслида у нимани англатади?

Калиманинг сўзма-сўз маъноси оддий: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг Росулидир».

### ***Аллоҳ билан аҳдлашув.***

Калимадаги «илоҳ» сўзи Парвардигор маъносини билдиради. Фақат-Яратувчи,

Ризқлантирувчи, Ёрдам берувчи ва бизларнинг дуоларимизни эшитиб уларни ижобат қилувчи зотгина бизларга Парвардигор бўла олади. Ва фақат шундай зот ибодат ва итоат қилинишга лойиқдир.

«Лаа илаҳа иллаллоҳ» калимаси икки нарсани билдиради. Биринчиси: сизлар, бу оламни Аллоҳ яратди ва бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқ, У бор ва У якка ва Ундан ўзга муқаддас бирон кимса йўқ деб тасдиқлайсиз. Иккинчиси: сизлар бу Робб т. Барча оламларнинг Хожаси бўлгани каби, сизнинг ҳам Ҳоким ва Хожангиз деб тан оласиз. Сиз ўзингиз ва сиздаги бор нарса ва дунёдаги барча нарса Аллоҳники, У

яратувчи ва қазою-қадарни белгиловчидир. У ўлдиради ва тирилтиради. Ҳар қандай ташвиш ва хотиржамлик унинг тамонидан келади. Сизларга келадиган барча неъматлар У тарафидандир. Сизлардан кетадиган барча нарса унинг фармони билан сиздан олинади. Фақат ундан қўрқиш керак. Фақат унгагина бўйин эгишимиз зарур. Фақат Угина ибодат ва хизмат қилинишга лойиқ. Бизлар, ундан бошқанинг хизматкори ва бандаси бўла олмаганимиз каби, ҳеч ким бизнинг Хожамиз ва Бошқарувчимиз бўла олмай. Бизнинг бурчимиз унга итоат қилиб, Унинг

ва фақат Унинг қонунларини бажаришимиз шартдир.

Мана бу, сизлар «Лаа илаҳа иллалох»ни талқин қилишингиз билан Аллоҳ ва ўртангиздаги аҳду-паймондир ва бу аҳдга бутун олам гувоҳдир. Агар сизлар бу аҳдни бузсангиз, кўлу-оёқларингиз, танангиздаги энг охирги тола ва бу аҳдни бузишингизга гувоҳ бўлган барча нарсалар, осмону ернинг ҳар бир бўлаги қиёмат куни сизнинг қаршингизга гувоҳлик беради. Сиз ночор аҳволда қоласиз ва ҳеч бир кимса сизнинг тарафингизни олмайди. Ҳеч қандай оқловчилар сизга ёрдам бера олмайди. Аслида, қонунларнинг бузулишига бу

оқловчиларнинг ўзлари сабабчидирлар ва улар ҳам у кунда сиз каби ночор аҳволда қоладилар. Бу маҳкама сизларни ёлғон гувоҳлик, ё қалбаки ҳужжатлар, ё чиройли сўзамол оқловга асосланиб оқламайди. Сизлар ўз гуноҳ жиноятларингизни ердаги миршаблардан беркитишингиз мумкин, лекин самовий назоратчилардан эмас. Ердаги назоратчиларни сотиб олишингиз мумкин, лекин самовийни эмас. Бошқа бир ҳолатда гувоҳ ёлғон гапириши мумкин, лекин Аллоҳнинг гувоҳи ҳеч қачон. Ердаги қозилар адолатсизлик қилиши мумкин, аммо Аллоҳ ҳеч қачон. Ва Аллоҳнинг ҳукмидан қочиб қутулиб бўлмайди.

Аллоҳ билан қалбаки, сохта аҳд боғлашлиқдан кўра катта аҳмоқлик бўлмайди. Аҳду-паймон боғлашдан олдин жиддий ўйлаб кўринг ва унга аҳамият бериб амал қилинг. Сизларни ҳеч ким оғзаки, расмий аҳд беришга мажбурламайди ва беҳуда сўзлар фойда бермайди.

***Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг етакчилигини қабул қилиб.***

«Лаа илаҳа иллаллоҳ»дан кейин, сизлар «Муҳаммадур-росулуллоҳ» дейсизлар. Бу дегани, сизлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Аллоҳ У киши орқали сизларга ўз рисолатини юборган инсон деб



кабул қиласизлар. Агар биз Аллоҳни Хожа ва Ҳоким деб тан олсак, Унинг мақсади нимадан иборат эканлигини билишимиз зарур. Уни хушнуд қилишлик учун нима қилиш ва уни ранжитмаслик учун қандай ишлардан қайтишимиз керак? Унинг мағфиратига эришиш ва унинг жазосидан омонда қолиш учун қайси қоидаларга бўйсунимиз керак? Мана бу нарсаларни бизларга тушунтириб бериш учун Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Ўзининг Росули қилиб тайинлади ва У кишига Ўз китобини нозил қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг шариатига мувофиқ ҳаёт

кечириб, бизларга қандай яшаш кераклигини кўрсатиб бердилар. Ва бизлар «Муҳаммадур-росулуллоҳ» дейишимиз билан У киши кўрсатган йўл ва қонун-қоидаларга эргашамиз ва бунга зид нарсаларни инкор қиламиз деб аҳд берган бўламиз. Агар сизлар бу қасамдан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган ҳаёт кодексини унутиб, унга зид бўлган қонунларга бўйсунсангиз, у ҳолда сиздек ёлғончи ва ноинсоф одам йўқдир.

Сизлар Ислom динига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаёт кодексини энг тўғри деб ва сизлар унга

содиқлик билан эргашамиз дея тантанали равишда ваъда бериш орқали кирасиз. Мана шу аҳду-паймон асосида сизлар мусулмон умматига кўшилиб, мусулмон оталарингиздан мерос олиш, мусулмон лардан ёрдам талаб қилиш, ўз обрў-эътиборингиз, мол-мулкингизни ва ҳаётингизни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўласиз. Агар бунга қарамай, ўз аҳдингизни бузсангиз, у ҳолда сиз энг ноинсоф одам бўласиз.

Агар сиз «Лаа илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-росулуллоҳ» Калимасини мукамал тушуниб, аҳдлашсангиз бундан кейин Аллоҳнинг ҳудудларига риоя

қилмаслигингизни тасаввур қилиб бўлмайди, ҳатто ҳеч қандай миршаб ва терговчилар сизларни бу қонунларни риоя қилишга буюрмаса ҳам. Аллоҳнинг миршаблари, аскарлари, суду турмалари кўзга кўринмагани сабабли Аллоҳнинг қонунларни бузиш осон деб ва аксинча, ҳукуматнинг миршаб, аскар, суд ва турмалари бевосита ҳозиру-нозир бўлгани сабабли ердаги инсонлар чиқарган қонунларни бузиш анчалик қийин деб ўйлайдиган ҳар бир кимсага мен ҳеч иккиланмасдан: сизнинг «Лаа илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-росулуллоҳ» деб берган аҳдингиз ёлғон», дейман. Сиз

Роббингизни, бутун оламини, барча мусулмонларни ва ўзингизни алдамоқчи бўляпсиз холос.

***Аҳднинг мажбуриятлари.***

Биродарлар! Энди Калиманинг маъносини билгандан кейин мен эътиборингизни бундан келиб чиқадиган мажбуриятларга қаратмоқчиман.

Аллоҳ ҳамманинг ва ҳар бир нарсанинг Хўжайини дейишлик нимани англатади? Бу дегани, сизларнинг ҳаётингиз сизларники эмас, у Аллоҳникидир. На қўлларингиз, на кулоқ, кўз ва бошқа аъзоларингиз сизники эмас. Сизлар шудгор қиладиган ерингиз, чорва молларингиз, ва улар келтирадиган

бойликлар, буларнинг барчаси сизники эмас, ҳамма ва барча нарса Аллоҳникидир ва сизларга ҳадя сифатида берилгандир. Шу сабабдан, сизлар «бу ҳаёт» меники, танаю молу-мулк ҳам меники» деб таъкидлашингизга ҳеч қандай асосингиз йўқ. Сизлар бошқа бир кимсани ҳақиқий Хожа деб тан олганингиздан кейин бундай дейишингиз бемаънилиқдир. Агар сизлар Аллоҳ барча нарсанинг Хожаси деб чин дилдан эшонсангиз, бундан икки нарса келиб чиқади. Биринчиси; модомики, Аллоҳ ҳақиқий Хожа ва сиз, У нарсаларини ишониб топширган омонатдор кишиси экансиз, у ҳолда бу нарсалардан Аллоҳ

сизларга айтгандай фойдаланишингиз зарур. Агар сизлар тескари йўл тутсангиз, омонатга хиёнат қилган бўласиз ва бу Робб таъолони алдаш деган гап. Сизлар ҳатто унинг истагига қарши бармоғингизни ҳам қимирлатишга ёки унга ёқмайдиган нарсаларга қарашга ҳаққингиз йўқ. Унинг кўрсатмаларга зид бўлган ҳар бир нарсалардан сизнинг кўнглингиз беҳузур бўлиши керак. Сизлар Хўжайиннинг хоҳиш-истагига қарши ўз ер ва мол-мулкингиздан фойдаланишга ҳаққингиз йўқ. Сиз ўзингизники деб ҳисоблайдиган аёл ва фарзандларингиз, Хожангиз уларни сизга бергани учунгина сизникидир. Шунинг

учун улар билан ўзингиз хоҳлагандек эмас, балки Аллоҳ кўрсатганидек муомала қилишингиз керак. Агар сизлар унинг кўрсатмаларини оёқ-ости қилсангиз, мустабид, золим бўласиз. Сизлар бошқа кишиларнинг нарсаларини ўзлаштириб олувчиларни ноинсоф, беномус дейишингиз сингари, сизлар ҳам агар Аллоҳнинг ҳадяларини худди ўзингизнинг шахсий молингиз деб, Аллоҳ айтганидек эмас, ўз хоҳишингиз бўйича ишлатсангиз, у ҳолда сизлар ҳам худди шундай ноинсоф бўласиз.

Агар сизлар Аллоҳнинг хоҳиш-истагига риоя қилиб машаққат тортаётган бўлсангиз



майли, шундай бўла қолсин. Агар ҳаётлар узилса, жасадлар майиб-мажруҳ бўлса ҳам, оилалар бузилса, мол-мулклар йуқотилса ҳам, ачинишга не ҳожат? Агар Хожамиз Ўзининг бу неъматларини йўқотилишини Ўзи ирода қилган бўлса, бу унинг хоҳишидир. Дарҳақиқат, агар сизлар Хўжайиннинг хоҳиш-истагига қарши чиқиб, қийинчилик кўраётган бўлсангиз, у ҳолда сиз, Унинг мулкига зарар келтиришда айбдорсиз. Масалан, сизлар ўз ҳаётингизга Хўжайин эмассиз. Агар сиз ўз ҳаётингизни Хожангизнинг талаби бўйича қурбон қилсангиз ҳам, сиз ўз бурчингизни адо

қиласиз холос. Лекин Унга қарши чиқиб ҳаётни қурбон қилишлик бу гуноҳдир.

Иккинчидан, агар сизлар Хожангиз берган бирон-бир нарсани Унинг йўлида қурбон қилсангиз ҳам, Унга ёки бошқа бирон-бир кишига илтифот кўрсатган бўлмайсиз. Сиз ҳамма нарсангизни беришингиз, ҳар қандай иш қилишингиз ва ҳатто сизларга энг суюкли бўлган ҳаётингизни Унинг йўлида қурбон қилишингиз мумкин, лекин бу билан сиз бари-бир Унга бирон-бир илтифот кўрсатмайсиз! Сизлар қиладиган энг ката нарса, у ҳам бўлса, Унинг марҳаматига жавобан шукр қилган бўласиз холос. Ахир

бу билан мақтанса ва унинг эвазига бирон-бир нарса талаб қилса бўладими? Ахир марҳаматга шуқр қилиш билан ҳам мақтанадими? Шунн эсда тутингки, ҳақиқий мусулмон ҳеч вақт, Роббиси учун бирон-бир нарсасини қурбон қилганлиги ёки Унинг олдидаги ўз бурчини адо қилганлиги билан мағрурланмайди. Аксинча, у ўз хокисорлигида қолади. Мақтанчоқлик ва ман-манлик ҳар қандай яхши амалларни йўқ қилади. Ҳар қандай мақтов изловчи ёки яхши ишларни шон-шуҳрат учун қилувчи инсон Аллоҳнинг ҳузуридаги юқори мартабага эришиш

ҳуқуқидан маҳрум бўлади. «У мукофотни бу дунёда излаган эди ва уни шу ерда олди».

***Бизнинг хатти-ҳаракатимиз.***

Биродарлар! Хожангиз Робб т. Сизларга қанчалик катта мурувват қилганлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а! У аслида Ўзига тегишли нарсани сизлардан сўраяпти ва бунга тўла ҳисобда ҳақ тўлашини ваъда қиляпти. Қандай бениҳоя саҳоват!

**«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди» (Тавба-111).**

Хожангизнинг марҳамати шунчалик кенгдир. Энди эса ўзингизнинг хулқ-

атворингизга қаранг. Сизлар Хожангиз берган ва сизлардан қайта сотиб оладиган нарсаларини бошқаларга сотаяпсизлар. Ва бу қимматбаҳо ашёларингизга қандай нарх белгилаяпсизлар!? Харидорлар сизларни Хожангизнинг хоҳиш иродасига қарши иш қилишга мажбурлаяпти. Сизлар уларга гўё улар сизга ризқ-насиба улашидиган кишидек хизмат қилаяпсизлар. Аллоҳга қарши исён кўтарганлар сизлардан нимани талаб қилса, ақл-заковатингиз, тана-аъзойингиз, барчасини уларга сотаяпсиз. Бунданда катта хиёнат бўладими? Сотилган нарсани қайта сотишлик бу дунёда ҳам, маънавий ва жинойий хиёнатдир. Бундай

жиноятни содир этганлар муттаҳамлик ва қаллобликда айбланадилар. Наҳот сизлар бу жиноятлар учун Аллоҳнинг маҳкамасидаги жазодан қутулиб қоламан деб ўйлаяпсизлар?

### **5. Калиманинг ғайриоддийлиги**

Диндош биродарлар! Келинглари, Калиманинг маъноси ва унинг натижалари ҳақида янада батафсил ўйлаб кўрайлик. Ахир бу Исломининг асоси эмас-ми?! Сизлар унга иймон келтиринг, шунда Исломга тўғри қадам қўйиб кирасизлар. Буни мукаммал тушунинг, ҳаётингизни унга мувофиқлаштиринг ва сиз ҳақиқий мусулмон бўласизлар. Буларсиз сиз на

Исломга кира оласиз ва на унда қола биласиз.

### ***Паробала.***

Аллоҳ уни яхши, пок, табаррук Калимаи Тоййиба дейди ва уни қуйидагича тасвирлайди:

**«(Эй инсон), Аллоҳ яхши Сўзга (яъни, иймон калимасига) қандай мисол келтирганини кўргин: у сўз худди бир асл дарахтга ўхшайдики, унинг илдизи (ер остига) маҳкам ўрнашган, шохлари эса осмонда бўлиб, Парвардигорининг изни-иродаси билан мудом мева берур. Аллоҳ одамлар эслатма-ибрат олишлари учун мана шундай мисоллар келтирур.**

**Ёмон сўзнинг (яъни, куфр сўзнинг) мисоли эса ердан (илдизи) узилиб қолган, бир жойда (ўрнашиб) қўним топмайдиган нопок дарахтга ўхшар».** (Иброҳим 24-26).

Бу ерда Калимаи Тоййиба илдизлари ерга чуқур ўрнашган, шохлари эса осмонларга етувчи мустаҳкам фазилатли дарахтга таққосланяпти. Хожаси буюрганидек, у доимо мўл-кўл ҳосил беришдан тўхтамайди. Бунинг зиддида, қабих ва ҳиёнаткор сўз, қалбаки иймон ва далилсиз нутқга ўхшаш ёмон калимаки, у тақир, турпоқсиз ерда ўсувчи ва илдизларида мустаҳкам асос йўқлиги



сабабидан бир силкитишда суғуриб олинадиган ёввойи ўсимликка ўхшатилади.

Бу паробала шунчалик қизиқ ва бежиримки, у ҳақда қанча кўп фикрласак шунчалик унинг илмини ўзлаштириб оламиз.

### ***Икки турдаги дарахт.***

Икки турдаги дарахтнинг мисолини кўриб чиқамиз. Мана эман дарахти. Унинг илдизлари бақувват, ўзи баланд, шохлари кенг ёйилган ва барглари қанчалик ажойиб! Бу дарахт бундай қувват ва чиройга қандай етишади? Фақат ўз уруғининг табиатидан.

Унинг уруғи улкан дарахт бўлиб етишадиган туғма хусусиятга эга. Ва бу хусусият шунчалик аниқки, ҳатто ер, сув, ҳаво, куннинг иссиғи ва туннинг шабадаси, хуллас унинг ўсишига ҳисса қўшувчи барча элементлар бу хусусиятни тан олиб, нимаики, улардан талаб қилинса, сарф қиладилар.

Шундай қилиб, бу уруғ улкан дарахтга айланади. Ўз меваларининг ҳосили ва ўлчамларининг катталиги билан ўзининг азаматли дарахт номига муносиб эканлиги, дунёвий ва самовий кучларнинг қўшма меҳнатлари бекор кетмаганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, дарахтга ёрдам

бериш бу элементларнинг бурчидир, чунки, ер, ҳаво, сув ва бошқа элементларнинг қуввати худди шундай фазилатли дарахтларга ёрдам бериш учун берилгандир.

Лекин ёввойи ўсимликлар ҳақида нима деса бўлади? Уларнинг қуввати ва фойдалари қани? Уларнинг илдизлари шунчалик майдаки, ҳатто ёш бола ҳам уларни юлиб олиши мумкин. Улар нозик бўлганидан шамол ҳам уларни суғуриб ташлайди. Уларга яқинлашсанг, тиканларини санчиб олиши мумкин. Мевалари аксар ҳолда нордон ва зарарлидир. Ҳар куни уларнинг қанчаси ўсиб чиқиб, қанчаси йўқ бўлиб кетаяпти,

ёлғиз Аллоҳга аён. Нега улар бундай? Жавоб шундаки, улар яман дарахти каби улкан дарахт бўлиб етишишдек туғма хусусиятга эга эмас.

Агар юқорига ўсадиган фазилатли дарахтлар бўлмаса, ўз табиати билан ўзича ҳосил бермайдиган ер, ёввойи ўт-ўлан ва буталарнинг ўсишига сабр қилади. Сув уларга озуқа беради, ҳаво эса қувват, аммо бу элементларнинг ҳеч бири уларнинг эман дарахтидек кун кечирини тан олмайди. Мана шу сабабли ер уларнинг илдизлари чуқур ўрнашишига, сув мўл озуқа беришга, ҳаво эса, гуллаб яшнашига йўл қўймайди. Ва бундай жуда кам озуқа билан бу

Ўсимликлар нозик, нордон, тиканли ва заҳарли мевалар бериб ўсиши ўз-ўзидан, ер ва осмон бундай ўсимликларга ёрдам бериш учун яратилмаганлигини кўрсатади.

Бу икки мисолни ёдда сақлаб, Калимайи Тоййиба ва қабих калима орасидаги фарқ ҳақида ўйлаб кўринг.

***Калимайи Тоййибанинг хусусиятлари.***

Калимайи Тоййиба-бу ҳақиқатдир. Шундай ҳақиқатки, оламда бундан кўра ҳақ калима йўқдир. Бунинг ҳақиқати шундаки, бутун оламларнинг Парвардигори фақат ягона Аллоҳдир. Осмондаги ва ердаги барча нарса бу ҳақиқатни исботлайди. Инсон ва ҳайвонлар, тош ва дарахтлар, кум ва

дарёлар, чароғон қуёш ва қолган барча нарсаларни Аллоҳ яратди. Ва Аллоҳдан бошқа бирон-бир киши уларни ярата олмайди ва ҳеч нарса Унинг ёрдами ва ғамхўрлигисиз яшай олмайди ва уларни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким йўқ қила олмайди.

Барча оламларни Аллоҳ яратган ва уларнинг ҳаёти ва тириклиги Унинг мурувватига боғлиқдир. Фақат Аллоҳ уларнинг Хожаси ва Тарбиятқунандасидир. Ва сизлар бу дунёда Илоҳият ва Раббоният фақат ёлғиз Аллоҳга хосдир деб айтган вақтингизда, осмону ердаги барча нарса: «Сиз ҳақиқатни айтдингиз. Биз барчамиз буни тасдиқлаймиз», деб жавоб беради.

Сизлар Унга сажда қилганингизда оламдаги барча нарса сиз билан бирга сажда қилади, чунки ҳар бир нарса Унга бўйсунди. Сизлар Унинг буйруқларини бажарганингизда оламдаги барча нарса ҳам Унинг буйруғини бажаради. Агар сизлар Унинг йўлида юрган бўлсангиз, билингки сиз ёлғиз эмассиз. Аслида, бутун олам ва ердаги барча нарса сиз билан биргадир. Осмондаги қуёшдан тортиб, то энг майда чанг заррасигача ҳаммаси У чизиб берган йўлдан юради. Ва сизлар унга суянганингизда қандайдир эътиборсиз кучга эмас, балки барча оламларни

ҳаракатлантирувчи улкан қувват эгасига суянасиз.

Энди сизлар еру осмондаги барча кучлар, Калимаи Тоййибага иймон келтириб, ҳаётларини унга тобеъ қилган кишиларни қўллаб қувватлашини тушунган бўлсангиз керак. Улар бутун ҳаётлари давомида ўсиб улғайиб ва равнақ топадилар. Уларга ҳеч вақт мағлубият ва муваффақиятсизлик етмайди. Худди шу нарсани Аллоҳ с.т. Юқорида келтирилган оятда тасдиқлайди. Калимаи Тоййиба худди илдизлари ерга чуқур ўрнашган, шохлари самога чўзилган ва Аллоҳнинг



фармони билан доимо ҳосил берувчи дарахтга ўхшайди.

### ***Қабиҳ калиманинг хислатлари.***

Бунга зид бўлган қабиҳ калима нимани ифодалайди? Фақат; ёки Худо йўқ, ёки унинг ҳукмронлигига шерик бўлган бирон-бир кимса бор деганидир. (наъзу биллаҳ).

Бир ўйлаб кўринг-а! Бундан ҳам асоссиз ва бемаъни гумон ҳам бўладими? Дунёда буни тасдиқловчи бирон-бир нарса борми? Худосиз атеистлар Худони йўқ дейдилар, ваҳоланки дунёдаги барча нарса уларнинг сўзини инкор қилиб: «Бошқалар каби сизларни ҳам Аллоҳ яратган, мана шу Аллоҳ, сизларга шу ёлғонни гапираётган

тилни ҳам яратди» дейдилар. Мушриклар Ундан бошқа ҳам илоҳий қудратга эга илоҳлар бор деб, улар бизга ёрдам беради, нарсаларни бошқаради ва бизларнинг тақдиримизни белгилайди деб эътиқод қиладилар. Улар ҳам бизларга фойда ва зарар келтиради. Улар ҳам дуоларни эшитиб ижобат қилади. Улар ҳам умид ва кўрқишликга ҳақлидир. Уларнинг ҳукмронлиги ҳам Аллоҳнинг ерига ёйилган ва уларнинг фармон ва қонунларига, худди Аллоҳнинг буйруқларига бўйсунгандек бўйсунуш керак дейдилар. Лекин оламдаги барча нарса уларнинг бу иддаоларини

мутлақ ёлғон ва ўта бемаъни сафсата деб инкор қиладилар.

Энди ўйлаб кўринглар, ахир бундай хато, асоссиз гумонга ишонувчи одам ҳеч вақт дунёю охиратда равнақ топадими? Аллоҳ ўзининг раҳмати билан уларга маълум вақтга эркинлик ва ризқ насиба беради. Шу сабабдан табиат кучлари уларга маълум вақт ёрдам беради, лекин улар буни хоҳламай фақат мажбур бўлиб қиладилар. Бу одамлар, мен юқорида гапириб ўтган ёввойи ўт-ўлан ё буталарга ўхшайдилар.

### ***Натижалар фарқ қилади.***

Худди шундай уларнинг мевалари ҳам фарқ қилади. Калимаи Тоййиба ширин

мевалар беради. Ер-юзиди тинчлик, фаровонлик ўрнатади. Яхшилик, тўғри сўз ва адолат ҳукм суради ва инсонлар бундан фақат ютадилар. Аммо қабих калима каби бемаъни илдизлардан нима етишиб чиқади? У қанчалик ўсиб катталашса шунчалик кўп ўзининг тиканларини ён атрофга сочади. Унинг томирларида заҳарли қон оқади. Бундай шохчаларда қандай мевалар етилиши мумкин? Фақат аччиқ ва заҳарли.

Сизлар, асосан куфр, ширк ва секталар ҳукм сураётган ўлкаларга назар солинг; инсон ўзининг ака-укаларини қириб ташляпти. Доимий равишда урушга тайёргарлик кетаяпти. Ядровий қурол ва

заҳарловчи газлар ишлаб чиқариляпти. Миллатлар бир-бирини йўқ қилишга шай турибди. Кучли кучсизни, бир бурда нонини тортиб олиш учунгина ўзига бўйсундиряпти. Бечора фақирларни аскару полиция, суд ва қамоқ органлари таъқиб қиляпти. Золимларнинг зулмидан қочишга имкон йўқ. Баъзи бир юқори лавозимдаги одамларчи? Уларнинг ахлоқларидан шайтон ҳам ҳазар қилади. Инсонлар ҳатто ҳайвонлар қилмайдиган ишларни қиляптилар. Бойлар фақирларни ўзларининг шахсий қулларидек ишлатиб қонини ичяпти. Инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган.

Инсонлар ўз шахватларига кул бўлганлигидан аборт кенг ёйилган. Ҳатто хотинларни алмашиб зино қилиш илдиз отаяпти.

Шу сабабдан, қаерда бу қабих калимадан бирон-бир ўсимлик униб чиқса, у доимо тиканак билан тўла ва унинг барча мевалари аччиқ ва захарли бўлиши турган гапдир. Бу икки дарахтни таққослагандан кейин Аллоҳ айтади:

**«Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охирада ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) билан собитқадам қилур. Золимларни**

**эса Аллоҳ йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур» (Иброҳим 27).**

Шундай қилиб Аллоҳ с.т. Калимайи Тоййибага иймон келтирган зотларни дунёю охиратда қўллаб қувватлаб уларни собитқадам қилади. Ва аксинча, қабих калима эгаларининг барча ҳаракатларини бекор қилади, улар на бу дунёда ва на охиратда бирон-бир яхшиликка эришмайдилар.

***Нега Калимайи Тоййибага иймон келтирганлар равнақ топмаяпти?***

Биродарлар, сизлар Калимайи Тоййиба билан қабих калима ва уларнинг натижалари орасидаги фарқни билиб

олдингиз. Энди эса сизлар савол беришингиз мумкин: «Бизлар Калимайи Тоййибага ишонамиз, лекин нега бизлар равнақ топмаяпмизу, кофирлар эса илгарилаб кетиб, фаровон ҳаёт кечиряптилар?». Мен бу саволга жавоб беришим керак ва мен жавоб бераман. Лекин менинг сўзларимга хафа бўлишдан олдин ўз қалбингизга қаранг ва мен тўғри айтаяпманми, йўқми кейин хулоса чиқаринг.

Биринчи навбатда сизлар Калимайи Тоййибага ишонамиз деган даъвойингиз чин эмас. Калимага ишонч уни оғзаки талаффуз қилишда эмас. У қалбда ниш отган бўлиши, ҳар қандай унга қарши



бўлган ғояни рад қилиши ва унга зид бўладиган ҳар қандай ҳаракатни ўз-ўзидан йўқ қилиши керак. Биродарлар! Аллоҳнинг номини ўртага қўйиб айтингчи, шундай эмасми?! Ахир сизларнинг орангизда юзлаб, Калимаи Тоййибага бегона бўлган сиёсий мафкура эгалари ва ширк аҳллари мавжуд эмасми?! Ахир мусулмонларнинг бошлари Робб Таъолога эмас, балки бошқа махлуқларга эгилмаяптими?! Ахир улар Аллоҳдан эмас бошқадан яхшилик кутмаяптиларми?! Ахир улар ўз тақдирларини мунажжимларнинг башоратига боғламаяптиларми?! Ахир улар аксар ҳолларда Аллоҳнинг қонунларини

четга суриб, ҳеч тортинмай, бошқа қонунларга эргашмаяптиларми?! Ахир улар суд маҳкамаларида шариатга эмас, балки урф-одат ва ўзларига фойда келтирадиган нарсаларга эргашишларини очик-ойдин баён қилмаяптиларми?! Ахир уларнинг орасида арзимас моддий манфаат учун ҳеч иккиланмай Аллоҳнинг қонунларини бузувчилар бор эмасми?! Ахир улар орасида Аллоҳдан эмас, балки кофирларнинг ғазабидан қўрқувчилар бор эмасми?! Ва бизнинг орамизда кофирларнинг хайрихоҳлари учун ҳар нарсага тайёр, аммо Аллоҳнинг розилиги учун бирон-бир иш қилишни

хоҳламайдиганлар бор эмасми?! Ва кофирларнинг устунлигини табиий, реал нарса деб, Аллоҳнинг ҳукмронлиги эса, тасаввур қилинадиган нарса деб ҳисобловчилар кўпчиликни ташкил қилмайдими?!

Қани менга Аллоҳ учун айтишларчи, ахир шундай эмасми? Агар шундай бўлса, у ҳолда сизлар Калимайи Тоййибага ишонишингизга қарамай тараққий қилмаслигингизга шикоят қилишга нима ҳаққингиз бор? Аввал сизлар Калимайи Тоййибага ҳақиқий, холис иймон келтиришингиз ва ўз ҳаётингизни У кўрсатиб бергандек юритишингиз зарур.

Агар шундан кейин ҳам сизнинг ҳаётингиз, илдизлари мустаҳкам, чуқур ўрнашган ва куюқ шохлари осмонгача узайиб кетган дарахтларнинг ҳаётига ўхшаб ўзгармаса, у ҳолда сизлар Ўз ваъдасига вафо қилмаган (Аллоҳ Ўзи кечирсин, Аллоҳ ваъдасига доимо вафо қилади) Роббингизни ёлғонда айблашингиз мумкин (Аллоҳ Ўзи кечирсин).

### ***Қабиҳ калима аҳли равнақ топаяптими?***

Шу билан бирга сизларнинг «қабиҳ калима эгалари бу дунёда фаровон ҳаёт кечирияптилар» деган фикрингиз хатодир. Аслида бу кимсалар ҳеч қачон ва ҳеч вақт муваффақиятга эришмаган ва эришмайди ҳам. Сизлар уларнинг беҳисоб бойликлари,

ҳаддан зиёд дабдабаси ва ташқи, қалбаки савлатига қарайсизлар. Бу моддий фаровонлик ҳақиқий эмас. Уларнинг қайси бири роҳат-фароғатга етишганини чин юракдан айтишсин. Улар ҳашамат, дабдабага шунғиб кетишгану, лекин қалблари худди аламзадаги оташ каби нотинч ва беором. Аллоҳнинг қонунларига итоатсизлик уларнинг уйларини жаҳаннамга айлантормадими? Европа ва Америкада ўз-ўзини ўлдириш қанчалик кўпайган. Оилаларнинг бузилиши оддий ҳол эмасми? Улар қатлион, туғулишни чегаралаш ва абортлар билан инсонлар ирқини бузиб, камайтириб ташламадиларми?

Наркотик ва ичкилик минглаб одамларнинг ҳаётини барбод қилмаяптими? Миллатлар ва табақалар орасида бозор ва иқтисодий манфаъатлар учун, қандай шиддатли кураш кетяпти. Ҳасад, бахиллик ва адоват инсонларни бир-бирига қанчалик қайраб кўйди? Бу, манфаъат кетидан бўлган пойга, қанчадан-қанча одамларнинг ҳаётини ғам-ғуссага ботирмадими? Бу, узокдан жаннатмакон бўлиб кўринган, аслида минг-минглаб оч-ялонғочларни ўзига қамраган улкан ва хашаматли шаҳарларчи? Сизлар буларнинг барчасини фаровон ҳаёт деяпсизларми? Ва шу нарсаларга сизлар ҳавас билан талпиняпсизларми?

Биродарлар! Аллоҳнинг сўзи ҳеч вақт ёлғон бўлмаслигини эсингиздан чиқарманг! Инсонларга бу дунё ва охирада азизлик келтирувчи Калимаи Тоййибадан бошқа бирон-бир Калима йўқ. Сиз қанча хоҳласангиз изланг, лекин унда бирон-бир кам-кўст топа олмайсиз.

## **6. Нима сабабдан калимага ишониш**

### **керак?**

Диндош биродарлар! Нега бизлар калимага ишонишимиз керак ва у бизларга нима манфаат келтиради? Бу муҳим саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Бизлар нима қилсак ҳам маълум мақсад, ё бир

манфаатни кўзлаб қиламиз. Бизлар ҳеч бир ишни мақсадсиз ва эҳтиёжсиз қилмаймиз. Нега бизлар сув ичамиз? Чунки у чанқоқни қондиради. Агар сизлар тўсатдан, сув сизнинг чанқоғингизни қондирмаслигини аниқласангиз, у ҳолда келаси сафар ўз вақтингизни сув ичишга сарф қилмайсиз. Нега сизлар таомланасизлар? Ўз-ўзидан маълумки, очликни кетказиб, қувватингизни тиклаш учун. Агар таом сизларнинг талабингизни қондирмаса, у ҳолда табиийки, сиз буни бефойда амал деб ҳисоблар эдингиз. Нега сизлар касал бўлсангиз дори истеъмол қиласиз? Чунки сиз касалликдан шифо топишни истайсиз.



Аmmo агар дорилар ёрдам бермаса, сиз уларни истеъмол қилишни тарк этасиз. Нима сабабдан сизлар ўз ерингизни шудгор қилиш учун бунчалик кўп меҳнат қиласиз? Буғдой, мева-чева ва сабзавотларини етиштириш учун. Агар бу экин-текиндан кейин ҳеч нарса униб чиқмаса, сиз ўзингизни ерни ҳайдаш, кўчат экиш каби дала ишлари билан қийнамайсиз.

Шундай қилиб сизлар, доимо маълум мақсад билан иш қиласиз. Агар бу мақсадингизга етсангиз, бу меҳнатингиз самаралидир, акс ҳолда бесамара, бефойда бўлади.

***Охирагдаги бахт-саодат.***

Бу нарсаларни эсдан чиқармай, келинг бир ўйлаб кўрайлик: нега калимани айтишимиз керак? Жавоб табиий, кофирни мусулмондан ажратувчи чизик тортишлик учун. Лекин бу ажратишнинг моҳияти нимада? Бу, кофирлар иккита кўзга эгаю, мусулмонлар эса тўртага деганими? Ёки кофирлар битта, мусулмонлар эса икки бошга эга деганими? Сизлар албатта йўқ дейсиз. Бу, кофир ва мусулмонлар ҳаётининг натижалари орасида фарқ бўлиши кераклигини билдиради. Кофирлар ҳаётининг натижаси-муваффақиятсизликдир. Улар дунёю охирадда Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум

бўлиб, бутунлай расво бўлади ва шу вақтнинг ўзида мусулмонларни гўзал оқибат кутади. Улар Роббисини рози қилади ва бахт-саодатга эришади.

### *Дунё ва охират.*

Жавобингиз тўғри. Энди эса менга айтингчи: Дунё ва охират нима дегани ўзи? Ва охират диёрида мағлубиятга учрашлик нима дегани? Ва муваффақиятга эришиб, охиратда бахтли бўлиш нимани билдиради? Биринчи савол ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан унга жавоб берилган,- «Бу дунё охиратнинг экинзоридир».

Бу дунё ва охират икки алоҳида-алоҳида нарса эмас, балки бир узлуксиз жараёнدير. Ушбу жараён бу дунёда бошланиб, охиратда тугайди. Уларнинг орасидаги боғланиш худди ернинг шудгори ва ҳосил йиғими кабидир. Сизлар ерни ҳайдайсиз, уруғ экайсиз, суғорасиз ва то ҳосил етилгунча экинзорни парвариш қиласиз. Ва бу ҳосил билан бир йил ҳаёт кечарасиз.

Ўз-ўзидан маълумки, сизлар нима эксангиз шуни йиғиб оласиз. Агар буғдой эксангиз, буғдойгина ўсиб чиқади. Агар тиканак эксангиз, тиканак ўсиб чиқади холос. Агар ҳеч нима экмасангиз, ҳеч нима ўсиб чиқмайди. Сизлар ерни ҳайдаш, экин

экиш, суғориш ва экинни парвариш қилиш вақтида қандай хатоларга йўл қўйган бўлсангиз, улар ўзини ҳосил йиғими вақтида кўрсатади. Аммо агар сиз барча тадбирларни тўғри, ўз ўрнида қилган бўлсангиз, бунга ҳосил йиғими вақтида тўла мукофот оласиз.

Бу дунё ва охиратнинг орасидаги мутаносиблик ҳам, худди шундай. Бу дунё ишлов бериладиган ерга ўхшайди. Инсон дунёга бу экинзорни ўз ҳаракати ва оғир меҳнати билан, ўзи учун ҳосил етиштириши учун юборилгандир. Бу вазифа учун унга маълум муддат, туғулишдан то ўлишигача вақт берилган. У

ниманики эккан бўлса, ўлимидан кейин йиғиштириб олади ва бу ҳосил унга охиратда захира бўлади. Агар сизлар бу дунё экинзорида яхши уруғ сепиб, суғориб уни бутун ҳаётингиз давомида парвариш қилган бўлсангиз, у ҳолда охират диёрида ўз меҳнатингиз самарасини гўзал боғлар шаклида топасиз. Ва сиз бутун ҳаётингиз давомида ғайрат билан парвариш қилиб етиштирган боғларингиз ҳосилида бахтиёр ҳаёт кечиришингиз мумкин. Сизлар бундан кейин тиришиб меҳнат қилмайсиз. Мана шу- жаннат, муваффақият ва охиратдаги мукофотдир.

Бунинг зиддига ўлароқ, агар сиз тиканак экиб, бутун умрингиз давомида аччиқ ва заҳарли мевалар ўстирсангиз, охират диёрида ҳам худди шундай ҳосилни йиғиштириб оласиз. Сизларга яхши уруф экиш учун яна бир бор имконият барилмайди ва сизлар шу ёмон захира билан кун кечиришга мажбур бўласиз. Сизлар ўзингиз ўстирган тиканли ўриндиқларда ётиб, меҳнатингиз самараси бўлган аччиқ ва заҳарли меваларни ейишга мажбур бўласиз. Мана бу- охиратдаги муваффақиятсизлик ва ҳалокатдир.

### ***У дунёдаги муваффақият.***

Мен тасвирлаб беришга уринган охират диёри ҳаётининг моҳияти, Қуръон ва ҳадисларда ифодаланган. Ва бу, инсон ўлиmidан кейинги муваффақият ва ҳалокат, дунё ҳаётидаги унинг билим ва амаллари тўғри бўлганлигига боғлиқдир.

Юқорида айтиб ўтилган нарсалардан, охиратдаги кофир ва мусулмонларнинг ўртасидаги фарқ, уларнинг бу дунёдаги ҳаётлари орасидаги фарқга боғлиқ эканлиги келиб чиқади. Агар бу дунёда мусулмон ва кофирларнинг билим ва амалларида фарқ бўлмаганда, охиратдаги уларнинг ҳолатлари орасида ҳам фарқ бўлмас эди.



Мусулмонларнинг билимлари ва феъл-атворлари худди кофирларникидек бўлишини тасаввур қилиб бўлмайди.

***Калиманинг асл мақсади.***

Биз аввал айтганимиздек Калимайи Тоййибани такрорлашдан мақсад, инсонларни кофир ва мусулмонга ажратишлиқдир. Энди эса, бу дунё ва охираат ҳаётининг моҳиятини муҳокама қилиб, ўз жавобимизни аниқлаштиришимиз керак. Энди сизлар калиманинг асосий мақсади, инсон у дунёда бахт-саодатга эришмоғи учун дунё ҳаётида инсонларнинг мафкура ва амалларини тўғри шакллантириш учун керак экан деб,

айтсангиз керак. Бу калима бизларга ҳосилини охиратда йиғиб оладиган боғни ўстиришни ўргатади. Агар бизлар калимага ишонмасак охират диёрида унинг ҳосилини йиғиб оладиган бу боғни қандай қилиб ўстирамыз? Ва бизлар калима сўзларини, ўз қарашларимизни ўзгартирмай талаффуз қилсак ва бизнинг амалларимиз кофирларникидек ўзгармай қолаверса, натижа ҳам худди, калимани айтмаган каби ўзгаришсиз қолаверади.

Ундай бўлса, ўз фикр ва амалларимизни ислоҳ қилмай калимани айтишлик бесамара, бефойда эканлигига мен билан кўшилсангиз керак. Чунки у ҳолда, бизнинг

тақдиримиз кофирларнинг тақдиридан фарк қилиши учун бирон-бир сабаб топилмайди. Калимани оддий айтишлик билан, биз Робб т.ни ҳеч нимага мажбур, қарздор қилиб қўймаймиз.

Агар сизлар боғ ўстиришни ўрганмай, бунинг ўрнига бутун ҳаётингиз давомида ерга тиканак экиб юрган бўлсангиз, у ҳолда охират диёрида гуллаб яшнаган, ҳосилдор боғга меросхўр бўлишни умид қилмасангиз ҳам бўлади.

Мана сизга, бир ишни қиласизми, қилмайсизми натижа бир хил бўлса, бу ишни қилиш бефойда эканлигини кўрсатувчи оддий мисол. Агар дорини

истеъмом қилгандан кейин, беморнинг аҳволи яхшиланмаса бу дори, дори эмас. Худди шундай, калимани айтган кишининг дунёқараши ва амаллари уни айтмаган кишиникидек ўзгармай қолаверса, у ҳолда бу такрорлаш беҳудадир. Агар кофир ва мусулмонларнинг турмуш тарзлари орасида фарқ бўлмаса, у ҳолда охиратда улар орасида қандай фарқ бўлиши мумкин?

***Калима бизларга нимани ўргатади?***

Калимайи Тоййиба бизларга берадиган билимларнинг моҳияти нимадан иборат? Ва билимларнинг эгаллагандан кейин кофир ва мусулмонларнинг феъл-атворлари нима билан фарқ қила бошлайди?

Биринчи: Аллоҳга итоат. Сизлар калимадан ўзлаштирадиган биринчи нарса, бу, сиз Аллоҳнинг ва фақат Аллоҳнинг бандаси эканлигиздир. Бу муҳим ҳақиқатни яхши тушуниб олинг ва шунда сизлар, бу дунёда кимнинг бандаси бўлсангиз, унинг хоҳишига мувофиқ ҳаёт кечиришингиз зарур эканлигини англайсиз. Бундай қилмаслик ўз Хожангизга қарши чиқишлик билан баробардир.

Иккинчи: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга қулоқ солиб, эргашиш. Сизлар калимадан ўрганадиган иккинчи нарса, бу, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Аллоҳнинг элчиси ва бандаси эканлигидир.

Буни билгандан кейин, бу дунёда тиканак ва заҳарли ўсимликлар ўрнига, гул ва мевалар етиштиришни у киши ўргатгандек олиб бориш кераклиги сизларга ўз-ўзидан равшан бўлади. Агар сизлар у кишига эргашсангиз у дунёда улкан, мўл ҳосил йиғиб оласиз. Аммо агар сизлар унинг йўлига зид иш тутсангиз, у ҳолда бу дунёда тиканак ўстириб, охиратда унинг ҳосилини йиғиб оласиз.

***Амаллар билимларга мувофиқ бўлиши  
керак.***

Билимларни эгаллагандан кейин, амалларни ҳам унга мувофиқлаштириш керак бўлади. Агар сизлар бир кун

Ўлишингизга ва ўлимдан кейин бошқа бир ҳаёт борлигига ва у ҳаётингизда, фақат бу дунёда, уни тарк қилишдан аввал ўстириб кетган ҳосилингиз эвазига кун кечиришингизга ишонсангиз, у ҳолда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатган йўлдан бўйин товлашингиз ақлга сиғмайди. Нима сабабдан сизлар бу дунёда ўз ерингизга ишлов берасиз? Чунки бусиз ҳеч нима ўсиб чиқмайди ва сиз очликдан ўласиз. Агар бундай бўлмаганда, ёки сизлар ҳосил етиштирмай қорнингизни тўйғазишга қодир бўлсангиз эди, у ҳолда сизлар ҳеч вақт бундай оғир меҳнат қилмаган бўлардингиз. Хуллас калом, сизларнинг

хатти-ҳаракатингиз билимларингизга мос равишда ўзгаради.

Энди эса, ўзингизнинг калимага нисбатан тутган мавқеингиз ҳақида шу йўсинда бир фикр юритсангиз. Сизлар Аллоҳни Хожангиз ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Аллоҳнинг Росули деб тасдиқлаяпсиз. Шунингдек, ўлимдан кейин ҳаёт борлигига аниқ ишонасиз. Унда нега сизнинг хатти-ҳаракатингиз Қуръон таълимоти ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига зид келиши керак? Бу албатта заиф иймон аломатидир. Агар сизлар охиратдаги тақдирингиз, сизнинг бу



дунёдаги феъл-атворингизга боғлиқ эканига ишонсангиз, у ҳолда сизлар ҳеч вақт Робб т. Сизлардан талаб қилган нарсаларга бунчалик эътиборсизлик билан қарамас эдингиз. Фақат тиканак экиб, унинг ҳосилини йиғиб олишига ва бу унга келажакда азоб-уқубат олиб келишига ишонмаган кимсагина шундай қилиши мумкин. Сизлар чўғ қўлингизни куйдиришини билган ҳолда ҳеч вақт уни қўлга олмайсиз. Фақат ёш гўдакгина нима бўлишини билмаган ҳолда қўлини чўғга уради.

## **2-қисм.**

### **ИСЛОМ.**

#### **7. Қалбаки илоҳлар**

Диндош биродарлар! Келинглар энди ўзини мусулмон ҳисоблаш учун зарур бўлган энг минимал шартларни ўрнатишга ҳаракат қилайлик.

#### ***Куфр ва Ислом нима?***

Биринчи навбатда сизлар бир муҳим нарсани эсга олишингиз керак. Куфр нима-ю, Ислом нима? Куфр бу Аллоҳга бўйсунушдан бош тортиш, Ислом эса, Аллоҳга ва фақат унга тўлиқ бўйсунуш ва Илоҳий дастурга зид бўлган ҳар қандай ғоя, қонун-қоидаларни рад қилишдир.

Ислом ва куфр орасидаги бу фарк Қуръонда яққол ифодаланган. Аллоҳ айтади:

**«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир».** (Моида: 44).

Бу ерда ҳукм қилиш, оддий маҳкама жараёнини ифодаламайди, балки ҳар кунги ҳаётимизда бизнинг тарафимиздан қабул қилинган ечимлар мажмуасидир.

Сизлар доимо ўзингиздан, бу ишни қилиш керакми ёки йўқми ва турли ҳолатларда қандай йўл тутиш керак деб сўрашингиз шарт. Ҳар қандай муаммоларни ҳал қилиш ечимлари ягона йўл, яъни Парвардигорнинг китоби ва Росулининг

суннатида берилгандир. Бошқа йўл, маслаклар, сизнинг хоҳишингиз, урф-одат ва жамият ёки инсонларнинг қонунлари билан бошқарилади. Агар сиз Аллоҳнинг йўлини тан олмасангиз ёки инкор қилсангиз ёки бошқача ҳаёт кечиришни истасангиз, у ҳолда сиз куфр йўлида юрган бўласиз. Агар сизлар доимо ва ҳар қандай ҳолатда шундай қилсангиз сиз ҳақиқий кофирсиз. Аммо агар сиз баъзи бир ҳолатларда Аллоҳнинг фармонларига бўйсуниб, бошқа масалаларда эса ўз хоҳишингиз, жамият ёки инсонларнинг қонунларига эргашсангиз, у ҳолда сиз қанчалик осийлик қилган бўлсангиз, шу даражада куфрда айбланасиз.

Сиз ярмига, ё чорак ёки камроқ қисмга кофир бўлишингиз мумкин. Содда қилиб айтганда, куфр Аллоҳнинг қонунларига қанчалик бўйсунмасликка қараб ортиб боради.

***Ислом бу, тўлиқ бўйсунушидир.***

Ислом, фақат Аллоҳга бўлган комил суъратдаги итоатдан ўзга нарса эмас. Мусулмон на ўзининг, на ота-бобосининг, на оила ва на миллатининг, на бирон-бир раҳбар, генерал, мулла, шайх ёки бошқа бир кишининг хизматкори, қули эмас. У фақат Аллоҳнинг қулидир. Аллоҳ айтади:

**«Айтинг (эй Муҳаммад): «Эй аҳли китоб (яъни яҳудий ва насронийлар),**

**бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз-ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бирларимизни Аллоҳдан ўзга Худо қилиб олмайлик. Агар улар (яъни аҳли китоблар) ушбу даъватдан юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар (эй мўъминлар): «Гувоҳ бўлинглар биз мусулмонлар-ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!» (Оли-Имрон: 64).**

Ва яна:

**«Аллоҳнинг динидан ўзга дин истайдиларми?! Ахир осмонлару ердаги барча жонзот истаса-истамаса Унга**

**бўйинсуниб турибдику. Ўшалар ҳам фақат Унинг ўзига қайтариладиларку!»(Оли-Имрон: 83).**

Бу ерда яққол ва қатъий равишда бир муҳим асосий принцип таъкидланади. Ҳақиқий дин Аллоҳга тўлиқ бўйсунуш ва итоат демакдир. Аллоҳга бўйсунуш, фақат кунига беш бор эгилиш дегани эмас. Бу, Унинг фармонлари доимо бажарилиши кераклигини билдиради. Сиз У тақиқлаган нарсдан ўзингизни тўхтатиб, У буюрган нарсаларни қилишингиз зарур. Ҳар бир ишда Аллоҳнинг ҳукми билан иш тутинг. Ҳеч вақт бир нарсанинг яхши ё ёмонлиги хусусида ўз хоҳишингиз, фикрингиз, ота-

боболарнинг кўрсатмалари, қариндош-уруғларингиз талаби, жамият қонунлари, дин уламолари ва бошқа кишиларнинг буйруғи ва хоҳиши бўйича ҳукм қилманг. Агар сиз Аллоҳдан ўзганинг буйруғи ё истаги бўйича иш тутсангиз, у ҳолда бу кишини илоҳ даражасига кўтариб қўясиз. Бу эса, фақат Аллоҳга хос мавқеъни унга беришлик деганидир.

**«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. У фақат ҳақни сўзлар».**(Анъом: 57).

Ибодат қилинишга сизларни яратган, сизларни ризқлантирувчи ягона Аллоҳгина лойиқдир. Ердаги ва осмонлардаги барча



жонзот Унгагина бўйсунди. Ҳеч бир тош бошқа тошга, ҳеч бир дарахт бошқа дарахтга, ҳеч қайси ҳайвон бошқа ҳайвонга бўйсунмайди. Наҳот сизлар, шу ҳайвон, дарахт ва тошларчалик бўлмасангиз. Сиз ўзингиз каби инсонларни илоҳлаштириб, уларга буйин эгяпсизлар. Мана шу, Қуръоннинг асосий, содда ва равшан муурожаатидир.

### **Йўлдан оғишликнинг уч сабаби.**

Нега инсонлар Аллоҳга осий бўлиб йўлдан адашадилар?! Қуръони Карим бўйича бунга учта асосий сабаб мавжуд.

### ***Ҳавойи-нафсга эргашиш.***

Биринчи сабаб ўз хоҳиш ва истаklarини қондиришга бўлган муҳаббат.

**«Энди агар улар сизга жавоб бера олмасалар, бас, билингки улар фақат ҳавойи-нафсларигагина эргашурлар. Аллоҳ томонидан ҳидоятланмаган ҳолда ўз ҳавойи-нафсига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?! Албатта Аллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас». (Қасос: 50).**

Шундай қилиб, ўз хоҳиш-истакларга эргашиш каби, бирон-бир нарса инсонни тўғри йўлдан оздирмас экан. Ахир, ўз ҳавойи-нафсига қул бўлган одам ҳеч вақт Аллоҳнинг қули бўлмайди. Унинг фикри,

фақат унга нима кўп фойда, катта обрў-эътибор, лаззат ва қувонч, ҳашамат ва енгиллик келтириши ҳақида бўлади. У бу нарсаларга етишлик учун нима бўлса ҳам, ҳаттоки бу ишни Аллоҳ ман қилган бўлса ҳам, қилади. Ва у ҳеч вақт, ўзи истаган нарсани рўёбга чиқармайдиган ишни, ҳаттоки буни унга Парвардигори буюрган бўлса ҳам, қилмайди. Бундай инсонларнинг худоси Аллоҳ эмас, балки ўзининг нафси ҳавосидир. Ва у, илоҳий дастурдан қандай қилиб манфаат олади.

**«Хабар беринг-чи, ким ҳавойи-нафсини илоҳ қилиб олган бўлса, сиз унинг устида вакил-қўриқчи бўлурмисиз?!**

**Ёки сиз уларнинг кўпларига (хақ сўзни) тинглай оладилар ё англай оладилар деб ўйлайсизми?! (Ундок эмас, зеро ) улар ҳеч нарса эмаслар, магар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Йўқ, улар янада йўлдан озганроқ кимсалардир!» (Фурқон: 43-44).**

Ўз нафсига қул бўлиш ҳайвон бўлишдан кўра ёмонроқдир. Ҳеч бир ҳайвон Аллоҳ ўрнатган чегарадан ташқарига чиқмайди. Ҳар бир ҳайвон Аллоҳ унга белгилаб қўйган нарсанигина ейди. У нимаки унга буюрилган бўлса, шуни қилади. Лекин инсон шундай махлуқки, агар ўз нафсига қул бўлиб қолса, ҳатто шайтон ҳам хазар қиладиган ишларни қилади.

### ***Жамият ва маданият.***

Тўғри йўлдан озишликнинг иккинчи сабаби, бу, кўр-кўрона урф-одат, ҳар хил ғоя ва мафкуралар, жамиятнинг расм-русм ва тантаналарини Аллоҳнинг рисолатидан устун қўйиб унга эргашишликдан келиб чиқади. Бундай инсонга Аллоҳнинг худудлари эслатилса, у, жамият қўллаб-қувватлайдиган ва оиласи ёки ватанининг удумини давом эттирувчи қонунларгагина эргашишлигини таъкидлайди. Бундай касалликка мубтало бўлган одам қандай қилиб Робб Таъолонинг бандаси бўлсин? Унинг илоҳлари жамият, оила ва

миллатидир. У ўзини мусулмон деб аташга нима ҳаққи бор? Қуръон уни огоҳлантиради:

**«Қачон (мушрикларга): «Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар ҳам-а?» (Бақара: 170).**

Ва яна:

**«Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага ва пайғамбарга келинглари», дейилса, улар: «Биз учун ота-боболаримизни ниманинг устида топган**

**бўлсак, ўша етарли», дейишади, агар ота-боболари ҳеч нарсани билмайдиган ва ҳақ йўлни топа олмайдиган бўлсалар ҳам-а?! Эй мўминлар, ўзингизни билингиз! (Яъни гуноҳлардан сақланингиз!) Модомики, ҳақ йўлни тутган экансиз, адашган кимсалар сизларга зарар етказа олмас. Барчангиз ҳам Аллоҳга қайтишингиз бордир. Ана ўшанда, Аллоҳ сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур». (Моида: 104-105).**

Ҳар қайси даврда ҳақ йўлга эргашишликдан бош тортган кимсалар шу касалликка мубтало бўлганлар. Бу касаллик, уларни Аллоҳнинг Росули олиб келган

илохий дастурни қабул қилишига тўғанок бўлган. Мусо а.с. инсонларни Аллоҳнинг қонунларига бўйсунушга чақирганида, улар шундай дейишди:

**«Улар дейдилар: «Сен бизларни ота-боболаримизни амал қилган ҳолда топган динимиздан буриш учун ва икковингиз еримизга эга бўлиб олиш учун келдингми?! Биз сизларга иймон келтиргувчи эмасмиз!» (Юнус: 78).**

Иброҳим (а.с.) қавмларини Аллоҳни қўйиб, бутларга ибодат қилишлиқдан қайтарганларида:



**«Улар айтдилар: «Бизлар ота-боболаримизни ҳам, уларга сиғинган холда топганмиз». (Анбиё: 53).**

Инсонлар ҳар бир замонда Пайғамбарларга: «Сен гапираётган нарса ота-боболаримизнинг йўлларига зиддир, шу сабабдан бизлар буни қабул қила олмаймиз», деганлар.

**«(Эй Муҳаммад), шунингдек Биз сиздан илгари бирон қишлоқ-шаҳарга бирон оғоҳлантиргувчи-Пайғамбар юбормадик, магар (юборганимизда) у жойнинг боёнлари: «Албатта бизлар ота-боболаримизни маълум бир таълимот устида топганмиз ва бизлар уларнинг**

**изларидан эргашувчидирмиз», деганлар. (Шунда Пайғамбарлари уларга): «Агар мен сизларга, сизлар ота-боболарингизни (эътиқод қилган ҳолларида) топган диндан тўғрироқ динни келтирган бўлсам ҳам-а?» деганида, улар: «Албатта бизлар сизлар элчи қилиб юборилган динга кофирдирмиз», дедилар». (Зухруф: 23-25).**

Аллоҳ, инсонлар ўз ота-боболари, жамият ва урф-одатларига ёки Илоҳий ҳудудларга эргашишликда ихтиёрли эканликларини айтади. Лекин бу иккисини жамлаб бўлмайди. Агар сиз мусулмон бўлишни истасангиз, у ҳолда Аллоҳга боғлиқ бўлмаган ҳар қандай нарсани ташлаб,

Унинг фармонларига бўйсунингиз керак бўлади:

**«Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар», дейилса, улар: «Йўқ, бизлар ота-боболаримизни ниманинг устида топган бўлсак (ана ўшанга) эргашурмиз» дейишади. Агар шайтон уларни ўт азобига чақириб турган бўлса ҳам-а?! Ким чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас у мустаҳкам халқани ушлабди. Барча ишлар охир-оқибатда ёлғиз Аллоҳга борур. Ким кофир бўлса, бас сизни (эй Мухаммад), унинг куфри ғамгин қилмасин. Улар Ўзимизга**

**қайтажаклар, бас Биз уларга қилган амалларининг хабарини берурмиз. Зеро Аллоҳ қалблардаги сирларни билгувчидир».** (Луқмон:21-23)

### *Инсонга бўйсунуш.*

Учинчи сабаб, Аллоҳни қўйиб бошқа инсонларга бўйсунушдадир. Бу ҳолат қачон юзага келади? Қачонки бизлар, бир кимса улуғ мутафаккир ва унинг сўзлари ғирт ҳақиқат деб ишонсак. Қачонки, у бизнинг тақдиримизни бошқара билади ва нимани хоҳласа олиб ва нима хоҳласа бизларга беришга қодир деб гумон қилсак. Қачонки, у бизларни хоҳлаган қўйга солишга ҳақлидир

деб ўйласак. Ёки у бизларни малъун қила оладиган ё агар унга кулоқ соладиган бўлсак ўзи билан жаннатга олиб кетадиган ғайриоддий қобилиятларга эга деб ҳисобласак. Ёки қачонки бизлар, маълум бир миллатлар илғор ва замонавий бўлгани ва баланд чўққиларга етганлиги сабабли уларга эргашмоғимиз зарур деб хулоса чиқарсак. Агар бизлар ўзимизни юқорида кўрилган ҳолатлардагидек тутсак, у ҳолда Илоҳий дастур эшиклари биз учун ёпилади:

**«Ер юзидаги кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, сизни Аллоҳнинг йўлидан оздирурлар».**  
(Анъом: 116)

Бизлар якка Аллоҳга иймон келтириб ва фақат Унинг шариатига тобе бўлар эканмиз, ана шунда тўғри йўлда бўламиз. Аммо қандай қилиб бу йўлни топамиз, ваҳоланки, ўзимизга гоҳида унисига, гоҳида бунисига итоат қиладиган шунчалик кўп илоҳлар ясаб олган бўлсак?!

Энди сизлар тўғри йўлдан оғишнинг учта асосий, яъни ўз нафсига қул бўлиш ёки ўз ҳою-ҳавасларини ҳеч иккиланмай қондириш, жамият, оила ёки миллатнинг урф-одатларига кўр-кўрона эргашиш ва бутунлай бошқа инсонларга, асосан ҳокиму, бойларга ва сохта диний файласуфларга итоат қилиш каби сабабларни билиб олдингиз. Агар сиз

ҳақиқий мусулмон бўлишни истасангиз, бу каби илоҳликка даъво қилаётган барча бутсанамларни парчалаб ташлашингиз зарур бўлади. Ахир қалбда бу учта илоҳга эга бўла туриб, сизлар ҳеч вақт Аллоҳнинг бандаси бўла олмайсиз. Кунига кўп бора намоз ўқишлик, ғайрат билан рўза тутиш ва ташқи тарафдан мусулмон бўлиб кўриниш билан сиз фақат инсонларни ва ўзингизни алдашингиз мумкин, лекин сиз бу билан ҳеч вақт Аллоҳни лақиллата олмайсиз.

***Мусулмонларнинг ҳозирги кундаги аҳволи.***

Мен айтиб ўтганимдек, бу учта бутсанамнинг бандаси бўлиш ҳақиқий ширкдир. Мумкин сизлар тош ва ғиштли кўрғонларни

бузиб ташлагандурсиз, мумкин тошдан бўлган бутларни парчалаб ташлагандурсиз, аммо сизлар ўз қалбингизга жуда ҳам кам эътибор беряпсизлар. Бу илоҳларни майдалаб, йўқ қилиб ташлашлик, мусулмонликка бўлган муҳим қадамдир.

Бу, оламдаги барча мусулмонларга тегишлидир. Сизларнинг бошингизга қандай мусибатлар келаётган бўлса, мен аминманки бу, ширкнинг натижасидир. Ва буни мен, сиз Панжоблик биродарларимга гапирар эканман, сизларнинг мусибат ва хорлигингизнинг илдизи мана шу уч нарсада эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу минтақада бизлар 15



миллиондан ортиқмиз. Лекин шунга қарамай, бизнинг ҳеч қандай нуфузимиз йўқ. Баъзи, анча оз сонли жамоалар эса ўзининг нуфуз мавқийига эга (Бу сўзлар 1938й. Пенжоб Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистоннинг бир вилояти эканлигида гапирилганлигини унутманг). Сабаб нимада? Бунга сабаб, бизлар Аллоҳнинг эмас, балки ўз нафсимиз, оилавий урф-одатлар ва бошқа инсонларнинг қуллари бўлганлигимиздир. Шу сабабли бизнинг куч-қувватимиз ичидан емирилгандир.

Ўзингизга бир назар ташланг. Биз ўзимизнинг ичимизда ражпур, гоҳар, мўғул ва ёт каби жуда кўплаб фирқа ва

табақаларни чиқардик. Ислом, бу барча этник гуруҳларни бир Умматга, биродар бўлиб, яхлит, мустаҳкам ва мутаносиб ҳолдаги девордек жипслашишга чақирди. Лекин биз барчамиз ўша эски жоҳилият удумларига тирмашиб олганмиз. Худди ҳиндларда алоҳида-алоҳида табақалар бўлганидек бизлар ҳам бўлиниб кетганмиз. Бизлар мусулмон кишидек қиз бериб, қиз олишдан бош тортамиз. Бизнинг ўртамизда биродарлик ва ўзаро ёрдамнинг асари ҳам йўқ. Оғизда бир-биримизни мусулмон-биродар деймизу, аслида эса, Исломдан аввалги жоҳилият тафриқасида қолганмиз.

Худди шу фирқаланиш, бизларни мустаҳкам девор бўлишимизга тўсқинлик қиляпти. Девордаги ҳар бир ғишт бошқалардан мустақил бўлиб олган. Бизлар на кўтарила ва на биргалашиб мусибатларга қарши кураша оламиз. Бизлардан, Исломга мувофиқ равишда бу тўғонларни бузиб, бирлашишни талаб қилинса, нима деб жавоб берамиз? Худди Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг душманлари айтганидек: «Бизлар ўз отабоболаримизнинг удумларига қарши чиқа олмаймиз», деб жавоб қайтарамиз. Ва Робб Таъоло бундай қайсарликка нима дейди? Фақат: «Сизлар бу урф-одатларни тарк

этмасангиз ва ҳиндларнинг расм-русумларини ташламасангиз, Биз сизларни сонингиз кўп бўлишига қарамай, пора-пора қилиб, шарманда ва шармисор қиламиз».

Ва яна Аллоҳ сизларга ўғил ва қизларингиз мерос олишликда тенг ҳуқуқга эгалар деб буюрди. Сизлар эса бунга нима деб жавоб қиляпсизлар? «Йўқ, ота-боболаримиз одатига кўра қизлар эмас, балки фақат ўғиллар бу ҳуқуқга эга. Бизлар Аллоҳнинг эмас, ота-боболаримизнинг удумларига эргашамиз», деяпсизлар. Қани менга айтинглари, бу Исломи? Қачон сизларга бу урф-одатларни ташланг дейилса, сизлар бошқалар ҳам уни тарк қилсагина,

тарк этишингизни айтасиз. Агар сизлардан, «нега?» деб сўралса, сизлар: «Агар бошқалар қизларига мерос ажратмасаю бизлар берсак, у ҳолда ўғилларимиз уйланиш вақтида нохуш ҳолатда қолади», деб жавоб берасизлар. Бу жавоб нима эканлигини бир ўйлаб кўринг-а?! Бу: «Бизлар Аллоҳнинг фармонларига бошқа инсонлар бўйсунганидагина, биз ҳам бўйсунамиз», дегани эмасми?! Ундай бўлса, бошқалар зино қилса, биз ҳам қилишимиз керакми?! Агар бошқалар ўғрилиқ қилса, биз ҳам ўғрилиқ қилишимиз керакми?! Ва то бошқалар гуноҳ қилар экан, биз ҳам гуноҳ қилишимиз керакми?!

Сизлар ушбу, ўзингизнинг оилавий расм-русум ва мерос тақсимлаш одатларига амал қилишингиз билан, биз юқорида муҳокама қилган бу уч илоҳларга ибодат қилган бўласиз. Бунинг ичида ўз нафсига, жамиятга ва куфр тушунчаларига қуллик қилиш бордир. Ва шу барча бут-санамларга хизмат қилиш билан бир вақтда, биз ўзимизни ҳеч иккиланмай мусулмон дейишда давом этаямиз!

Бу, фақат икки мисол холос. Бундан бошқа бундай ҳолатларни кўра билиш учун, мана шу иккисига кўзни яхши очиб қараш кифоядир. Ва уларнинг барчасида биз, бу илоҳларнинг ё бирига, ё иккисига, ё

бирданига уchtасига ибодат қилаётган бўламиз. Биз ўзимизни Ислом ва Аллоҳнинг намоёндалари, мухлислари деб номлашлик билан бир қаторда бу уч илоҳларга бўйсунар эканмиз, у ҳолда Аллоҳ чин мусулмонларга ваъда қилган марҳаматларини кутмасак ҳам бўлади. Шундай эмасми?!

### **8. Бизлар ўзимизни мусулмон деб аташимиз мумкинми?**

Диндош биродарлар! Сизлар, инсонлар тўғри йўлдан уч сабаб туфайли оғишини Қуръон оятлари орқали билиб олдингиз. Биринчиси- Илоҳий дастурни инкор қилиб, ўз ҳавою-нафсига эргашиш. Иккинчиси – Аллоҳнинг қонунларига нисбатан, ўз оиласи,

маданияти, жамияти ва ота-боболарининг урф-одатларини юқори кўйиш. Учинчиси-Робб Таъоло ва Унинг Росули кўрсатган йўлни инкор қилиб, шунчаки обрўли кимсалар ёки бошқа тузум ва маданиятларга эргашишлик.

### ***Чин мусулмон.***

Ҳақиқий мусулмон, ушбу учта камчиликдан холи бўлиши шарт. Фақат Аллоҳнинг ва бошқа ҳеч бир кишининг қули ва фақатгина Унинг Росулига эргашувчи инсонгина, мусулмон деб номланишга лойиқдир. Мусулмон Роббиси ва Пайғамбарининг таълимотини чин ҳақиқат деб ва унга зид бўлган барча нарса ботил, ва



унда инсонлар учун дунё ва охиратга керакли барча нарса мавжуд деб ишонади. Бу ҳақиқатларга тўла ишонган мусулмон, ҳаётининг ҳар бир босқичида Аллоҳ ва Росулининг ҳукмларига мурожаат қилади. Бундай инсон Аллоҳнинг фармонларига бўйсунган вақтда ҳеч иккиланмайди, ҳатто унга қарши оиласи, жамият ёки бутун олам қарши чиқса ҳам. Ҳар қандай ҳолатда унинг жавоби битта бўлади: «Мен Аллоҳнинг қулиман, сизлар эса йўқ. Мен Унинг Росулига иймон келтирганман, сизлар эса йўқ».

**Нифоқ – нима?**

### ***Ўз нафсига итоат.***

Бир тарафдан инсон: «Мумкин бу Аллоҳнинг ва Росулининг кўрсатмасидир, аммо у менга зарарли бўлиб кўрингани сабабли уни қабул қила олмайман. Яхшиси мен, Аллоҳ ва Росули айтгандек эмас, балки ўз билганимча иш тутаман», дейиши мумкин. Ўз ўзидан кўриниб турибдики, бундай кишининг қалбида ҳеч қандай иймон бўла олмайди. У, ҳақиқий иймонли киши эмас, балки мунофиқдир. Оғизда у, ўзини Робб Таъолонинг бандаси ва пайғамбарига эргашувчи деб бонг уради, лекин аслида у, ўз нафсининг қули ва ўз фикрига тобеъ бўлган кишидир.

### ***Жамият ва маданиятга тарафдорлик.***

Худди шу каби инсон: «Аллоҳ ва Росулининг кўрсатмалари қандай бўлишидан қатъий назар, баъзи нарсалар, ота- боболаримиз давридан бери давом этиб келаяпти ва уларни ташлаб бўлмайди», деб айтиши мумкин. Бу кишининг пешонасида тўхтовсиз намозлардан ҳосил бўлган «асарис сужудлари» қанчалик қаттиқ бўлса ҳам ва кўриниши қанчалик диндор бўлиб кўринса ҳам , уни ҳеч иккиланмай мунофиқлар сафига қўшса бўлади. Ислом руҳи унинг қалбига кирмагандир. Ислом бу фақат руку, сажда, рўза ва ҳаж дегани эмас. Ёки ташқи кўриниш ва либосда ҳам эмас. Ислом, Аллоҳ

ва Росулига бўлган итоатдир. Ўз ишларида Уларга бўйсуннишдан бош тортган кишининг қалбида ҳақиқий Ислоннинг заррачаси ҳам йўқдир – «Ислон ҳали уларнинг қалбига киргани йўқ». Уларнинг намозлари, рўза ва ташқи кўринишлари қалбакидир.

### ***Бошқа инсонларга эргашиш.***

Ва яна кимдир, Аллоҳнинг китоби ва Пайғамбарининг кўрсатмаларига қарши чиқиб: «Баъзи бир ғоя ва одатлар ғарбда кенг ёйилгани сабабли уларни қабул қилишимиз керак. Уларнинг ахлоқ нормалари илғор бўлгани учун, ёки унга обрў-эътиборли киши даъват қиляпти», деб

айтиши мумкин. Бундай киши иймонини йўқотишни хавф остига қўяди. Бундай муносабат Исломга зиддир.

Агар сиз муслмон бўлсангиз ва шу ҳолатда қолишни истасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва Пайғамбарининг кўрсатмаларига қарама-қарши бўлган ҳар қандай тахминни четга улоқтиришингиз шарт. Агар сиз буни қила олмасангиз, унда сизнинг Исломга амал қиляпман деган даъвойингиз ёлғондир. Ўзингизни Аллоҳга ва Росулига иймон келтирганингизни таъкидлаб, лекин ҳаётингизда Уларнинг кўрсатмаларини рад қилиш ва бошқаларнинг маслак ва урф-одатларини устун кўришингиз, на Иймон ва

на Исломга тўғри келади. Бу ғирт мунофиқликдир.

Бундай хатти-ҳаракатнинг кулгили эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқлигини Аллоҳ айтади:

**«Дарҳақиқат Биз очиқ-равшан оятларни нозил қилдик. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни тўғри йўлга хидоят қилур. Улар (яъни мунофиқлар): «Аллоҳга ва пайғамбарга иймон келтирдик ва бўйинсундик», дейдилару, шундан сўнг улардан бўлган бир гуруҳ юз ўгириб кетур. Улар мўмин эмасдирлар. Қачон улар Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш**

**учун чорлансалар баногоҳ улардан бир гуруҳи (пайғамбар хузурига келишдан) юз ўгиргувчидир. Агар ҳақиқат улар (тароф)да бўлса (пайғамбар олдиларига) бўйин эгиб келурлар. Уларнинг дилларида мараз борми ёки (Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлигидан) шубҳаландиларми ёхуд Аллоҳ ва Унинг пайғамбари уларга зулм қилишидан кўрқарларми?! Йўқ! Уларнинг ўзлари золимдирлар. Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида мўминларнинг сўзи «эшитдик ва бўйинсундик», (демокдир). Ана**

**ўшаларгина нажот топгувчидирлар. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига бўйинсунса ва Аллоҳдан қўрқиб, тақво қилса бас ана ўшаларгина (бахт-саодатга) эришгувчилардир». (Нур: 46-52).**

Бу ерда Иймон қандай ифодалангани ҳақида ўйлаб кўринг. У, ўзини Аллоҳнинг китобига ва росулининг шариатига ақлан ва тўлиқ бўйсундиришни билдиради. Бу манбалардан қандай кўрсатмалар олсангиз ҳам, уларга кулоқ солиб ва ҳар қандай қаршиликларни хоҳ у сизнинг, хоҳ оила аъзоларингиз ёки бегоналарнинг ақлидан келиб чиқса ҳам, уларни рад қилишингиз керак. Сизлар ўзингизда шундай



муносабатларни шакллантирсангизгина муслмон бўла оласиз. Акс ҳолда, сиз ҳақиқий мунофиқ бўласиз.

Энди сизлар ўзингизни, қалблари чин ва холис Иймон билан суғорилган инсонларга ва улар Аллоҳга қандай бўйинсунганларига таққосланг.

### **Чин иймон- эътиқод.**

#### ***Ичкиликдан тийилиш.***

Сизлар, Арабистонда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қанчалик кенг ёйилганини биласизлар. Эркаку-аёл, ёшукари ҳамма ичишни яхши кўрар эди. Уни олқишлаб қўшиқ айтар ва ичкиликка қарам эдилар. Шунингдек, ичкиликка одат

қилгандан кейин уни ташлаш қанчалик қийин эканлигини ҳам биласизлар. Пиёниста майхўр киши уни ташлашдан кўра ўлишни афзал билади. Агар у ичкилик топа олмаса, сурункали бемордан ҳам бадтар ҳолга тушади.

Аммо Қуръон орқали ичкиликка қарши учинчи оят нозил бўлганда нима воқеа содир бўлди? Ичкилик ичишни жонидан ортиқ яхши кўрувчи худди шу араблар ўз қўллари билан ичкилик тўла кўзаларини синдириб ташладилар. Мадина кўчаларидан хамр-ичкилик сув каби оқди. Бу оят нозил бўлган вақтда бир гуруҳ ичкилик ичиб ўтирар эди, бу ҳукмни эшитиш билан, хамр тўла

косаларни лабларига олиб келганлар, унинг бир дона томчиси ҳам оғизларига тушмаслиги учун тезда уни ирғитиб юбордилар.

Ҳақиқий Исломнинг таъсири шундай кучлидир. Бу Аллоҳга ва Росулига бўлган итоатнинг энг яхши намуналаридан биридир.

### ***Жиноятга иқрор бўлиш.***

Сизлар Исломда зинокорга чиқарилган ҳукмни биласиз, яъни яланғоч танага юз дарра. Буни тасаввур қилишнинг ўзидан инсон сесканиб кетади. Агар зинокор оиладор бўлса тошбўрон қилинади. Бу кўрқинчли жазони эслатишнинг ўзи кишини титратиб юборади. Аммо сиз Пайғамбар

соллаллоҳу алайҳи васаллам даврида бўлиб ўтган воқеани, яъни зино қилиб, сўнг бу гуноҳига унинг оқибатларидан кўркмай иқроп бўлган иймонли киши ҳақида эшитганмисиз?

Бу иш устида гувоҳлар бўлмаганди. Суд маҳкамаси унга таҳдид солмасди ва у ҳақда ҳеч ким билмасди. Лекин қалбидаги иймон унга: «Сен Аллоҳнинг қонунини бузиб ўз шаҳватингни қондирдинг, шунинг учун бу гуноҳингга яраша жазо олишинг шарт», дерди. Шу сабабли бу инсон ўз хоҳиши билан Росулulloҳнинг олдиларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Росули! Мен зино қилдим. Мени жазолашингизни талаб қиламан», деди.

Бу сўзларни эшитиб, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам гўё ҳеч нима эшитмагандек ундан юз ўгирдилар. Лекин у киши яна ўз талабини арз қилди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам яна юз ўгирдилар, лекин бу киши учинчи бор ўз талабини қатъий такрорлади.

Ҳақиқий Иймоннинг кучи шундай улкандир! Қалбида шундай иймони бор киши осонлик билан яланғоч танасига юз даррани ёки ҳатто тошбўрон қилинишни ҳам енгиллик билан қабул қила олади. У, Роббисининг ҳузурида осий банда бўлиб туришликни бунданда оғир деб билади.

***Оилавий алоқаларни узиш.***

Бу дунёда яқин қариндошлардан кўра қимматлироқ одам йўқ эканлигини сизлар яхши биласизлар. Ота-она, ака-ука ва хусусан ўғил фарзандлар бизга жуда ҳам қадрлидир ва биз улар учун барча нарсани қурбон қилишга тайёرمىз. Аммо энди сизлар Бадр ва Уҳуд жангида ким кимга қарши жанг қилганини эсланг. Муслмонлар сафидаги ота куфр тарафидаги ўғил билан, ёки аксинча, тўқнашдилар. Ака бир тарафда бўлса, ука қарама-қарши томонда. Яқин қариндошлар бир-бирига қарши худди етти ёт бегоналардек жанг қилишар эди. Улар пул учун эмас ёки қасд олиш учун эмас, балки ўлгунча жанг қилардилар. Аллоҳ ва

Росулининг шариатини олий қилиш мақсадигина уларни ота ва ўғиллар, ака-укалар ва оилаларини қурбон қилишга куч-қувват бағишлади.

***Урф-одат ва расм-русумларни тарк этиш.***

Сизлар, Ислом Арабистоннинг барча эски урф-одатларини йўқ қилганлигини биласизлар. Энг катта гуноҳ бўлган ширк, юз йиллардан буён давом этиб келарди. Ўша вақтларда кенг ёйилган зино, арокхўрлик, қимор ва ўғрилиқ гуноҳини тарк қилишдан аввал, бу- ширк гуноҳини тезда тарк қилишни Ислом инсонларга буюрди. Аёллар ҳижоб-сатрсиз юрар эди. Ислом уларга

ҳижобни фарз қилди. Улар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар, Ислом уларга бу ҳуқуқни таъминлаб берди. Хуллас калом, ўзгартирилмаган бирон-бир эски жоҳилият урф-одати қолмади.

Лекин сизлар, Аллоҳ ва Росулига ҳақиқий иймон келтирган кишилар бу удумларни қандай ташлаганликларини биласизми? Улар юз йилдан буён қурбонлик келтириб, уларга ибодат қилиб келаётган бут-санамларини ўз қўллари билан синдириб ташладилар. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган оилавий урф-одатлар бутунлай тугатилди. Улар Аллоҳнинг фармони келиши билан, ўзлари «муқаддас» санаган



нарсаларини оёқлари билан парчалаб ташладилар. Унинг фармони билан баъзи тақиқланган нарсаларга рухсат берилди, ҳалол ҳисобланган нарсалар бир зумда ҳаром қилинди ва аксинча. Бир вақтлар манфаат ва лаззат келтирган нарсалар Аллоҳ учун унутилди. Бошқа тарафдан, қанчалик қийин бўлишига қарамай, Исломнинг кўрсатмалари хурсандчилик билан қабул қилинди.

Бу, чин Иймонни англатувчи ва ҳақиқий Ислом деб номланувчи нарсадир. Энди тасаввур қилинглар; агар Араблар ўша вақтда: «Бизларга бу нарсаларнинг манфаати бўлмагани учун уларни қабул қила

олмаймиз. Чунки бизлар манфаатимизни кўлдан бой беришни истамаймиз. Бизлар яхшиси ота-боболаримиз тутган йўлни ва жамият кўллаб қувватловчи ишларни давом эттирамиз. Бизлар Форсларнинг баъзи удумларини қабул қилганимиз каби Румликларнинг бизга ёқадиган расм-русмларига эргашамиз», деб айтганларида нима бўлар эди? Агар улар шундай йўл тутганларида бугунги кунда ҳеч қандай Ислом ва мусулмонлар бўлмас эди.

***Робб Таъолога бўлган муҳаббат.***

Биродарлар! Қуръон бизларга хабар беради:

**«Суйган нарсаларингиздан инфоқ-  
эхсон қилмагунингизча ҳаргиз  
яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз». (Оли  
Имрон: 92)**

Бу, Иймоннинг моҳиятидир. Исломнинг асл руҳи шундадир. Сизлар, агар зарур бўлса, Аллоҳ учун бор нарсангизни қурбон қилишга тайёр бўлишингиз керак.

Ҳаётингиз давомида Аллоҳнинг шариати бир йўналишни кўрсатса, сизнинг хоҳиш-истакларингиз эса бошқа тарафга бошлайди. Аллоҳ сизларга баъзи бир ишларни буюрса, сизлар бу иш муаммо ва зиён келтиради деб ҳисоблайсиз. Робб Таъоло баъзи ҳатти-ҳаракатларни

таъқиқласа, сиз эса уларни фойдали ва ёқимли деб ҳисоблайсиз. Тарозунинг бир палласида Аллоҳнинг розилигига элтувчи йўл бўлса, бошқасида деярли дунёдаги барча нарсалар туради. Ҳаётингизнинг ҳар бир босқичида сизлар икки йўлнинг шаҳобчасига дуч келасиз. Бири – Ислом йўли, бошқаси эса куфр ва нифоқ йўлидир.

Бу дунё орзу-ҳаваси билан хайрлашиб ва Аллоҳнинг фармонларига бўйинсуниб сиз Ислом йўлига кирасиз. Аллоҳнинг фармонларини инкор қилиб эса нафсу-ҳавойингиз, шаҳват ва дунё фитналарига шўнғиб, куфр ва нифоқ йўлига қадам қўясиз.

### ***Ҳозирги мусулмонлар.***

Исломнинг нафсга ёқадиган томонларини хурсандчилик ила қабул қилиб, ва Ислом билан куфр ўртасидаги зиддиятлар кўтарилганда тезда Исломдан юз ўгирувчи «замонавий мусулмонлар» жуда кўпайиб кетган! Бу заифлик ҳатто баъзи овозаси чиққан Исломчиларда ҳам кузатилади. Улар: «Ислом! Ислом!» деб кичқириб, то томоқлари қуригунча таҳсин ва ҳушомадга тўла шеърларни хиргойи қиладилар. Улар ўзларини Ислом равнақи йўлида хизмат қилаётган одамга ўхшатадилар. Лекин уларга: «келинглар энди, сизлар жуда юқорига кўювчи Исломнинг қонунларини

амалга оширайлик», дейилса, улар тезда: «Ҳозир баъзи муаммо ва қийинчиликлар мавжуд, шу сабабли шундай туриб тургани яхшироқ», деб жавоб берадилар.

Улар Ислом бу, токчада сақлайдиган ва уни мактаб туриладиган ўйинчоқ деб ҳисоблайдилар. Вақтики Ислом қонунларини ўз турмуш фаолияти, оила, қариндош-уруғ орасидаги муаммоларда татбиқ қилиш талаб қилинганда, улар бир зумда четга чиқиб оладилар. Бундай ҳолат ҳозирги кунда диндор деб танилган кўпчилик кишиларда топилади.

Натижада на намоз, на рўза, на Қуръонни такрорлаб тиловат қилиш ва

шариатга юзаки равишда ёндошишлар ҳеч қандай наф бермайди. Рух жасадни тарк қилган бўлса ўлик жасад нима ҳам қила оларди?

## **9. Бизлар ҳақиқий мусулмонмизми?**

Диндош биродарлар! Чин мусулмонлар ким? Келинглари, бу ҳақда Аллоҳ ва Унинг Росули нима дейишларини кўриб чиқайлик:

**«Айтинг (эй Муҳаммад): «Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир. У зотнинг биронта шериги йўқдир. Мана шунга (яъни ягона Аллоҳга ихлос-ибодат қилишга) буюрилганман. Ва мен бўйинсунгувчиларнинг аввали — пешқадамиман». (Анъом: 162, 163)**



Худди шу масала Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан ҳам изоҳланади:

«Мусулмон киши Аллоҳ учун яхши кўради ва Аллоҳ учун ёмон кўради. У нимани берса, Аллоҳ учун беради ва ниманики ўзида қолдирса Аллоҳ учун қолдиради. Мана шундай киши ўз иймонини мукаммал қилади». (Абу Довуд).

Аллоҳ сизлардан нима талаб қилишини Қуръон очиқ-ойдин тушунтириб беради. Сизлар ўзингизни бутунлай Аллоҳнинг хизматига муқайяд қилишингиз зарур. Сиз фақат У учун яшаб ва фақат У учун ўлишингиз керак. Сиз ва сизни ўраб турган

оламдаги барча нарса Аллоҳнинг мулкидир ва ҳеч кимга Унинг мулкани берухсат олишга йўл қўймаслигингиз керак. Сизлар фақат Унга хизмат қилишингиз лозим ва фақат Унга.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз навбатида Қуръонда айтилган сўзларни тушунтириб берадилар. Чин мусулмон бўлишлик учун, сизнинг барча амалларингиз, муҳаббату адоватингиз, барча муомалаю муносабатларингиз фақат бир мақсадни, яъни Аллоҳ Таъолони хушнуд қилишни ифодалаши керак. Бусиз иймонингиз мукаммал бўлмайди. Шу мавқеда сизнинг

камчилигингиз қанчалик катта бўлса, иймонингиз шунчалик заиф бўлади.

Кўпчилик одамлар бу хусусиятлар фақат юқори рухий даражаларга эришиш учун зарур ва Иймон, Ислом масалаларида унчалик эътиборга эга эмас деб ҳисоблайдилар. Бошқа сўз билан айтганда, бу сифатларсиз ҳам яхши мўмин, мусулмон бўлиш мумкин дейдилар. Бундай хато, нотўғри тушунчалар, инсонларнинг аксар қисми расмий Ислом ва Аллоҳнинг наздида энг тўғри саналган ҳақиқий Исломнинг фарқини билмаслигидан келиб чиқади.

## **Икки турдаги Ислом.**

### ***Расмий Ислом.***

Фикҳшунослар ва ҳукуматлар иш юритадиган расмий Исломда, сизнинг қалбингиздаги ёки фикрингиздаги нарса ҳисобга олинмайди. Сизнинг оғзаки тасдиқ қилишингиз ва бундан келиб чиқадиган ҳаракатингиз, сизнинг мусулмон эканлигизга етарли хужжат деб ҳисобланади. Ҳар бир, Аллоҳга, Пайғамбарга, Қуръон, охирага ва бошқа иймон аҳкомларига иймон келтирганлигини тили билан тасдиқловчи ва сўзларни исботловчи барча зарур шартларга амал қилувчи киши мусулмон умматининг аъзосидир ва унга мусулмон деб мурожаат қилинади.

Бундай таъриф, мезон мусулмон умматини шакллантириш учун расмий ва маданий асос бўлиб хизмат қилади. Унинг мақсади фақат – мусулмон умматига қўшилувчиларни расмий тан олишлиқдир. Уларнинг ҳеч бирини «кофир» деб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири ўзаро расмий, маънавий ва ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Улар мусулмонлар орасида никоҳ қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар. Улар мерос олиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Ва улар билан қолган барча ижтимоий муносабатлар ўрнатилади.

### ***Ҳақиқий Ислom.***

Аmmo у дунёда сизнинг мусулмонлигингиз ҳақида бу юқоридаги расмий эътирофга асосланиб ҳукм қилиб бўлмайди. Ва Робб Таъоло сизни фақат бунга асосланиб ўзининг мақбул бандаси деб қабул қилмайди. Қалбдаги иймон ва ўз ҳаётини Аллоҳга тамоман бўйсундиришга бўлган рағбат ҳисобга олинади. Ҳар қандай оғзаки тасдиқ қилинадиган нарсалар суд маҳкамаси, одамлар ва мусулмонлар жамияти учун мўлжаллангандир. Чунки улар сизни фақат зоҳиран кўра билишади. Аллоҳ эса қалбингиздаги ҳар бир нарсани

кўради ва иймонингизнинг қай даражада эканлигини билади.

У инсонни қандай баҳолайди? Аллоҳ, инсон фақат У учун яшаб ва У учун жон бердими, Унга бўлган ихлоси бошқа кишиларга қўйган ихлосига нисбатан юқори бўлдимми, у ўз итоати, хизмати ва бутун ҳаётини фақат Робб Таъоло учун бағишлаганмиди?! Агар фақат Аллоҳ учун бўлса, уни чин мўмин мусулмон деб баҳоланади, аммо агар бошқа бир кимга ҳам бағишланган бўлса, у ҳолда унга бундай баҳо берилмайди. Бу ўлчовга тушмаган инсонлар, бу мезон талаб қилган миқдордаги ҳақиқий Иймон ва Исломига эга эмаслар. Ва,

мусулмон дунёси бу инсонни қанчалик юқори баҳолагани ва у қанчалик юқори мавқега эга бўлганлиги эътиборсиздир. Аллоҳ учун фақат бир нарса, яъни У сизни неъматлаган нарсаларини Унинг йўлида қурбон қилдингизми ёки йўқми, шуниси муҳим бўлади.

Агар шундай бўлса, у ҳолда сиз, фақат итоатли ва одобли бандаларга бериладиган мукофот билан мукофотланасиз. Аммо агар сизнинг итоатингиз тўлиқ бўлмай, ўз ҳаётингизнинг маълум бир қисмини Ундан бошқанинг хизмати учун сарф қилган бўлсангиз, у ҳолда сизнинг мусулмонликка, яъни ўзини бутунлай Аллоҳга бағишлаганга



бўлган даъвойингиз ёлғон бўлади. Ва сизлар бутун оламни лақиллатишингиз, ва мусулмон жамиятини сизга аъзолик ва мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқларини беришликка ишонтиришингиз мумкин, лекин барибир, Аллоҳни алдаб бўлмайди ва У сизга солиҳ бандалари қаторидан жой бермайди.

Бу расмий ва ҳақиқий Ислом орасидаги фарқлар ҳақида ўйлаб кўринг, ва сиз уларнинг оқибатлари ҳақиқатда ҳам фақат охираатда эмас, балки бу дунёда ҳам фарқ қилишини кўрасиз. Чин мусулмон ҳаётининг мақсади, феъл-атвори ва дунёқараши, шунчаки, диннинг ташқи кўринишлари билан безанган кимсаларникидан анчалик

фарқ қилади. Сизлар доимо шу каби икки турдаги мусулмонларга дуч келасиз.

## **Икки турдаги мусулмонлар.**

### ***Қисман мусулмонлар.***

Баъзи одамлар Аллоҳга ва Росулига бўлган иймонни тарғиб қиладилар ва Исломни ўзларининг динлари деб овоза қиладилар, лекин бу Ислом учун ҳаётларининг фақат маълум бир қисмини бағишлайдилар. Бу вақт давомида улар ўзларини Исломга қанчалик қаттиқ тарафдор эканликларини кўрсатадилар, намоз каби ибодатларни кўп қиладилар, тасбеҳларини айлангириб Аллоҳнинг номини такрорлайдилар. Улар емоқ-ичмоқ, кийим-

кечак ва бошқа ижтимоий ва маданий расм-русмлар каби диндорликнинг зоҳирий кўринишларида жонбозлик кўрсатадилар. Бу соҳада улар бутунлай диндордирлар.

Лекин бу кўринишлардан ташқарида уларнинг ҳаётлари Илоҳий дастур билан бошқарилмайди. Агар улар яхши кўрсалар Аллоҳ учун эмас, балки ўз нафслари, ватанлари, миллатлари ёки бошқа бир сабаб туфайли яхши кўрадилар. Агар улар хафа бўлсалар, жаҳллари чиқса, ёмон кўрсалар, ўзларига душман топсалар ёки жанг қилсалар фақат бирон-бир дунёвий ёки шахсий манфаат учун қиладилар. Уларнинг иш фаолиятлари, аёл ва фарзандлари, оила

ва жамият орасидаги муносабатлари кўпчилик ҳолатларда Исломий дастур бўйича эмас, балки дунёвий қарашларга асосланган. Улар ким бўлишидан қатъий назар, ер эгаларими, савдогарларми, ҳокиму аскарми ё хизматчиларми – улар ўзларини мусулмонлик мақомидан автоном равишда тутадилар. Бундай одамлар маданий, маърифий ва сиёсий қонун-қоидаларни ўрнатсалар ҳам, бу қоидаларнинг номлари гўёки Исломий бўлишига қарамай Ислом бир четда қолиб кетади.

### ***Чин мусулмонлар.***

Мусулмонларнинг иккинчи тури эса ўзини бутунлай Исломга бағишлаганлардир.

Улар ҳаётларида фақат бир мақсадга, яъни чин мусулмон бўлишга ҳаракат қиладилар. Улар ҳар қандай ҳолатда, ота бўладиларми, ўғилми, эр кишими ё аёлми, бизнесменми, ер эгасими, хизматчими ёки директорми, улар доим мусулмондек кун кечирадилар. Уларнинг хиссиётлари, истаклари, мафкура, ғоя ва хаёллари Исломиё дунёқараш ила шакллангандир. Аллоҳга бўлган итоат уларнинг қалб ва ақллари, кўз ва қулоқлари, қорин ва жинсий иштиёқлари, руҳ ва жасадлари бутунлай эгаллагандир. Уларнинг на муҳаббату ва на адоватлари Иломдан ташқарида эмас. Улар фақат Илом равнақи

учун дўстлашадилар ёки урушадилар. Агар улар бошқаларга бирон нарса берсалар, буни фақат Ислом талаб қилгани учун берадилар. Агар бир кишидан бирон-бир нарсани олсалар, буни фақат Ислом хоҳлагани учун оладилар.

Ва бундай муомала уларнинг фақат шахсий ҳаёти билан чегараланмайди. Уларнинг ижтимоий фаолиятлари ҳам фақат Ислом устига қурилгандир. Уларнинг бир-бирига жамланиши фақат Ислом равнақи учун, ва уларнинг бирдамлиги Исломий принципларга асослангандир.

***Парвардигорга қандай мусулмонлар  
керак.***

Кўрсатилган икки турдаги мусулмонлар, ҳаттоки улар бир умматга жамланган, ва «мусулмон» номи уларнинг ҳар иккисига ҳам тааллуқли бўлса ҳам, улар бир-бирларидан анча фарқ қиладилар. Тарих кўрсатадики, биринчи турдаги мусулмонлар эслашга арзигулик ёки авлодлар мағрурланадиган бирон-бир муваффақиятга эришмаганлар. Бу «мусулмонларнинг» қилган биронта ишлари Ислом тарихида ҳеч қандай из қолдирмади. Уларнинг яшаб ўтганлигидан инсоният ҳеч бир нарсага эришмади, балки аксинча, улар сабабли Ислом уммати инқирозга юз тутди. Ислом умматида бундай мусулмонларнинг кўплиги

туфайли дунёдаги ҳукмронлик ва бошқарув асосан, Аллоҳга қарши чиққан исёнчиларнинг кўлига ўтди. Бу «мусулмонлар», ҳаётларининг оз қисмини эгаллаган ўзларининг зоҳирий диндорликлари билан қониқиб юрдилар.

Робб Таъоло ҳеч вақт бундай мусулмонларни ҳоҳламаган. Ўз Пайғамбари ва Китобини бу каби мусулмонларни шакллантириш учун юбормаган. Аллоҳга иккинчи турдаги мусулмонлар керак. Фақат уларгина, Ислом нуқтаи назаридан бирон-бир фойдали иш қила оладилар.

***Аллоҳга бўлган олий садоқат.***



Бундай мислсиз қобилият, кўриниш фақат Ислондаги фазилат эмас. Ўз-ўзидан аниққи, дунёдаги ҳеч бир турмуш тарзи, агар унинг тарафдорлари ўзининг ғоясига бўлган ишончу садоқатларини ҳаётларида биринчи ўринга қўймасалар ва ўз эътиқодларидан бошқа нарса учун яшаб, ўлсалар бу мафкура дунёда ҳукмрон бўла олмайди. Ҳатто ҳозирги кунда, ҳар қандай мафкура ва таълимотнинг ҳақиқий тарафдори деб, бунга бутун қалби ва жасади билан содиқ бўлганлар ҳисобланишини ўз кўзимиз билан кўряпмиз. Ҳар қандай таълимот шундай тарафдорлари бўлишини хоҳлайди ва ҳеч

қандай таълимот бундай фидокорларнинг ёрдамисиз равнақ топа олмайди.

Лекин шунга қарамай, Ислом ва бошқа мафкуралар орасида катта фарқ бор. Бошқалар инсондан жонкуярлик ва фидокорликни талаб қилса ҳам, улар барибир, буни талаб қилишга ҳақлари йўқ, ва уларнинг эътирозлари асоссиздир. Улар инсонлар олдига қўядиган мақсадлар учун инсон ўзининг бор нарсасини фидо қила олмайди. Аммо Ислом бутун ҳаётимизни Унгагина бағишлашга чақираётган Аллоҳ бунга ҳақлидир. Унинг дини учун ҳамма нарсани берса бўлади, ахир ер юзидаги ва осмонлардаги барча нарса Аллоҳнинг

мулкику. Инсоннинг ўзи, нимага эга бўлса ҳам, у ҳақиқий хўжайин эмас. Шу сабабли ҳар бир, Аллоҳга тегишли нарсани Унга қолдириш зарурлиги ўз-ўзидан аниқ ва адолатдандир. Инсон бошқалар учун ёки ўз манфаати ва хашамати учун қандай қурбонлик қилса ҳам, агар бу Аллоҳ тарафидан рухсат этилмаган бўлса, бу доим, бизнинг унга бўлган ишончимизни емиради. Лекин Аллоҳ учун қилинган ҳар қандай жонфидалик, бу аслида, бурчни ўташлиқдир холос.

Мусулмонлар, ўзининг сохта ғоя ва илоҳлари учун бор нарсасини фидо қилувчи адашган тоифалардан бир ўғитни ўрганиб

олишлари зарур! Жуда ҳам ажабланарли ҳолат шундаки, қалбаки илоҳларга тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада садоқат, фидокорлик ва жонбозлик кўрсатилади, аммо ҳақиқий Робб Таъолога нисбатан, унга иймон келтирганлар бунинг мингдан бирини ҳам кўрсатишмайди.

### *Ҳозир бизлар қай ҳолатдамиз?*

Келинлар ўз ҳаётимизни Қуръон ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрнатган Иймон ва Ислом мезони билан ўлчаб кўрайлик.

Агар сиз Исломни қабул қилганингизни даъво қилсангиз, у ҳолда бутун ҳаётингиз ва фаолиятингизни бутунлай Аллоҳга ва фақат

Унга бағишладингизми? Сиз, фақат Унинг калимасини олий қилиш учун яшаяпсизми? Аллоҳнинг хоҳиш истакларини рўёбга чиқариш учун қалбингиз ва ақлингиз, руҳ ва жасадингиз, вақт ва ҳаракатларингизни бағишлаганмисиз? У сизлардан кутаётган жиддий вазифани бажардингизми? Ва яна бир бор, сизлар фақат Робб Таъолога кулоқ солиб ва Унгагина итоат қиляпсизми? Сизлар ўз дунёқарашингизни ғаразли хоҳиш-истак ва оила, қардошлик ва биродарлик, жамият ва ҳукуматга бўлган тобеликдан тозаладингизми?

Сиз ёқтириш ва ёқтирмаслик феълингизни бутунлай Аллоҳнинг

истакларига бўйсундирдингизми? Агар сиз бирон-бир кишини яхши кўрсангиз, бу ҳам фақат Аллоҳ учунми? Ва бунда қандайдир ўз манфаатингизни кўзлаш элементи йўқми? Сизлар фақат Аллоҳнинг хоҳиши бўйича бир нарсани олиб ва берасизми? Сизлар ўзингизга сарф қилсангиз ва бошқа кишиларга мол-дунё берсангиз, буни Аллоҳнинг кўрсатмасига мувофиқ қиласизми? Сизнинг вазу-сабабларингиз фақат Уни хурсанд қилишга йўналганми?

Агар сиз ўзингизда шу ҳолатдаги иймон ва итоатни топсангиз, у ҳолда Аллоҳ Субҳанаҳу Таъоло сизни бундай комил иймон билан неъматлагани учун кўп шукр

қилинг! Аммо агар сиз ўзингизда қандайдир камчилик ҳис қилсангиз, у ҳолда барча нарсани унутиб бу камчиликни ислоҳ қилишга бел боғланг. Ахир сизнинг бу дунёдаги ва охиратдаги муваффақиятингиз бунга боғлиқдир. Бу камчилик туфайли сиз охират диёрида йўқотадиган нарсаларингизга, бу дунёда қўлга киритадиган бирон-бир нарсанинг қиймати тўғри келмайди. Агар сиз бу камчиликни тузатсангиз ва бу дунёда ҳеч нимани қўлга киритмасангиз ҳам, лекин барибир охиратда албатта ютасиз.

Бу мезон, ўлчов билан бошқаларни ва ким аслида ким, мусулмон, ё кофир, ё

мунофиқ эканлигини аниқлаш учун ишлатманг. У билан фақат ўзингизни муҳокама қилинг ва агар камчилик топсангиз, Аллоҳга рўбарў бўлишдан олдин уни бартараф қилинг. Муфтий ва қозилар қандай ҳукм чиқариши сизни қизиқтирмасин. Ҳар бир ошкор ва пинҳон нарсаларни муҳокама қилувчи Олий Парвардигорнинг ҳукми эътиборлидир. Сизларни мусулмон деб ҳисоблашлари сабабли унчалик хурсанд бўлманг. Сизлар, номингиз Робб Таъолонинг қайси рўйхатида ва қай ҳолатда ёзилиши ҳақида қайғуринг!

Ҳақиқий ютуқ, сизларни мунофиқ эмас, балки мусулмон; осий эмас, балки итоатли;



қиёмат кунининг Ҳакамига хиёнат қилган эмас, балки Унга содиқ деб ҳисоблашлиқдадир.

### **10. Нега Аллоҳга бўйсунуш керак?**

Диндош биродарлар! Мен, Ислом бу, Аллоҳга ва Унинг Росулига бутунлай бўйсунуш эканлиги ва Аллоҳдан ўзгага бўйсунушни тарк этмасдан туриб муслмон бўлиш мумкин эмаслиги ҳақида кўп бор таъкидлаяпман.

Лекин нима сабабдан Аллоҳга ва Росулига итоат қилиш бунчалик муҳим? Сизлар: «Аллоҳ бизларнинг итоатимизга шунчалик қаттиқ муҳтожмики, буни бизлардан узлуксиз равишда талаб қиляпти?»

Ёки У ҳам дунёдаги раҳбарлар каби ҳукмронликка ташна бўлиб, шу сабабли бизларни бўйсундирыптими?» деб савол беришингиз мумкин. Келинглар бу саволларни кўриб чиқайлик.

### ***Бизнинг фаровонлигимиз.***

Муҳими шундаки, Аллоҳнинг итоатига бўлган талабдан мақсад – инсонга фаровонлик ва бахт-саодат беришликдир. У, ердаги ҳокимларга ўхшамайди. Улар инсонларни ўз манфаатлари учун бўйсундирадилар, Аллоҳга эса ҳеч кимдан ҳеч нарса керак эмас. Унга сизларнинг солиқларингиз керак эмас, У сизлардан қасрлар куриб, Унга машина ва зеб-зийнатли

анжомларни инъом қилишингизни талаб қилмайди. У ҳеч кимга қарам эмас. Дунёдаги барча нарса Унинг мулкидир ва фақат У, бу мол-мулкнинг Хўжайинидир.

У сизлардан итоатни фақат, Унинг олий насаб деб эълон қилган махлуқи бўлган инсон бошқа бир кишининг ёки шайтоннинг итоатида бўлмаслиги ва нолайиқ ишларга тобе бўлишидан қайтариш учун итоатни талаб қилади. У ўзининг ердаги намоёндаларининг гумроҳлик ва зулматда адашиб юришлари, ва ҳайвонлар каби ўз нафсларининг қулига айланиб, энг тубан ҳолатга тушишларини хоҳламайди. Шунинг учун У бизларни, шундагина сизлар тўғри

йўлни топасизлар ва ундан юриб, бу дунё ва охиратда обрў-эътиборга эга бўласиз деб ишонтиряпти.

**«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик–нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғу–зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам**

**эгаларидир ва унда абадий  
қолажаклар.» (Бақара: 256, 257)**

***Аллоҳдан ўзгага итоат.***

Нима сабабдан инсон, Аллоҳдан ўзгага бўйсунганда адашиб зулматда дайдиб юрадию ва нега энди фақат Аллоҳга бўлган итоат унинг ҳаёт йўлини чароғон қилади? Келинглр бу масалани ҳал қилиб олайлик.

Бизнинг ҳаётимиз сон-саноксиз муомала ва битимлардан иборат. Аллоҳ сизларни кўл, оёқ, кўз, қулоқ, тил, юрак, ақл ва қорин билан неъматлади. Буларнинг барчаси сизга хизмат қилади. Бундан ташқари, сизларга уларни қайси мақсадга ишлатиш ихтиёри берилди. Қоринни нима

билан тўлдириш кераку, нима билан йўқ. Кўллар билан нима қилиш кераку, нимадан уларни узоқлаштириш зарур. Оёқлар билан қаерга бориш кераку, қаердан узоқлашиш керак. Кўзлар билан нимани кўриш ва кулоқлар билан нимани эшитиш керак. Қалб ва миянгиз қандай фикрлар ҳақида бош қотириши ва қайсиларидан тўхташи керак. Бу хизматчилар сизнинг ихтиёрингиз билан сизга ё яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин. Улар ёрдамида сиз баланд даражаларга кўтарилишингиз ёки тубсиз чуқурликка қулашингиз мумкин.

Сизлар доимо муомалада бўладиган оила аъзоларига – ота-она, опа-сингил, ака-

ука, аёлу-фарзанд ва қариндош-уруғларга эгасизлар. Улар билан ўзингизни қандай тутишингиз кераклиги, сиз уларга нисбатан ва улар сизга нисбатан қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлигини ўзингизга аниқлаб олишингиз зарур. Сизнинг бу дунёдаги ва охираатдаги бахту саодатингиз кўп ҳолатда улар билан қанчалик тўғри муомала қилишингизга боғлиқдир. Агар у тўғри бўлмаса, бу дунёнинг ўзи сизга жаҳаннам бўлади. Ва ҳали Қиёмат куни ҳам, Робб Таъоло ҳузурида жавоб беришингизга тўғри келади.

Сизнинг яна бошқа кўпгина инсонлар билан алоқаларингиз мавжуд. Қўни-қўшни,

ёру- биродар ва душманлар. Сизлар билан корхонада бирга ишлайдиган кўп инсонлар бор. Кимгадир сиз нимадир беришингиз керак, кимдандир нимадир олишингиз керак. Кимдир сизни ишлатади, кимнидир сиз. Бу дунёдаги сизнинг бахту-саодатингиз, обрўйингиз ва эътиборли номингиз улар билан бўладиган муомалаларни тўғри олиб боришингизга боғлиқдир.

Охират диёрида Аллоҳнинг олий мақомларидан жой олиш учун бошқа кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмай уларга одилона муомала қилиш керак бўлади. Шу сабабли маънавий зиён ёки кишининг обрўсига, ҳаётига ва мол-



мулкига зарар келтириш орқали ўзингизга айбнома ёзилишидан эҳтиёт бўлинг! Шундай қилиб, сиз бу алоқаларни муносиб равишда олиб боришингиз зарур. Уларни бузиб қўядиган ҳатти-ҳаракатлардан сақланиш керак бўлади.

Ана энди қаранглар; ўз тана аъзоларингиз, аҳли-оилангиз ва бошқа барча инсонлар билан яхши муомалаларни сақлаб қолиш учун сизларга ҳар қадамда илм зарур бўлади. Сиз, нима яхши ва нима ёмон, нима ҳақ ва нима ботил, нима инсофдану нима йўқ, бошқаларга нисбатан қандай ҳақ-ҳуқуқларга эгасиз ва аксинча; ҳақиқий

фойда нимада ва ҳақиқий зиён нимада эканлигини билишингиз керак.

Агар сиз бу билимларни фақат ҳис-туйғу ва ақлингиз билан ўйлаб топишга ҳаракат қилсангиз, фойдаси йўқ, сизда ҳеч нарса чиқмайди, чунки нафсингиз ўз хоҳиш-истакларингизни тезда қондиришга тўлиб тошиб ётибди. Шу сабабли ҳис-туйғу ва ақлингиз васваса, хирсу-шаҳват билан бошқариляпти. Улар сизни пул учун ноқонуний ишлар, ичкилик ичиш ва зино қилишга васваса қилади. Улар сизни бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилишга ва ўзгаларнинг нарсасини тортиб олишга ундайди, хуллас калом, «ҳамма

нарсани ол ва ҳеч нима берма» қабилада. Ва яна ўз ҳаётингизни янада дабдабали ва енгил қилиш учун улар сизни бошқаларни ишлатиб, ўзигизни эса бошқа кишига ёрдам беришдан тўсади.

Агар сиз ўзингизни, бу, қоронғуликда адашиб юрган «нафс» сизни бошқаришига йўл қўйиб берсангиз, у ҳолда худбин, манман ва ҳиёнаткор одамга айланиб, дунёю охиратда ўз ҳаётингизни барбод қиласиз. Ёки бунинг ўрнига, ўзингизга ўхшаган бошқа кишиларга ишонасиз ва улар сизни хоҳлаган тарафга буриб кетишларига йўл қўйиб берасиз. Бунинг хавфи шундаки, худбин кимсалар сизни ўз орзу-

ҳавасларининг хизматкорига айлангиришлари, ва жоҳил кишилар ўзлари адашган ҳолда сизни ҳам адаштиришлари мумкин. Золимлар эса ўз манфаатлари учун сизлардан зулм ва зўравонлик йўлида фойдаланишлари мумкин.

Бошқа инсонлардан ҳам яхшилик ва ёмонлик, тўғри ва хато нарсани ёритиб кўрсатиб берувчи ва сизларни тўғри йўлга йўллаб қўйувчи билимларни ўзлаштира олмайсиз.

### ***Ягона тўғри дастур.***

Натижада фақат бир манба, яъни сизларга керакли нурни бера оладиган энг Олий Зотнинг дастури қоляпти. Аллоҳ

ҳамма нарсани Билувчи ва Кўрувчидир. У барча нарсанинг махфий моҳиятини ҳам билади. Фақат У сизларга нима фойдали ва нима зарарли эканини аниқ айта олади. Фақат У қайси иш сизлар учун яхшию, қайсилари ёмонлигини кўрсата олади. Унинг ҳеч қандай моддий ғаразлари йўқ. У бирон-бир нарсани ёлғон билан кўлга киритишга муҳтож эмас. Шунинг учун, бу ҳар қандай камчиликдан Пок, Ғоний ва Молик Робб Таъоло сизларга қандай кўрсатма берса ҳам, бунинг орқасида ҳеч қандай махфий хусусий ғаразлар йўқлигига ҳеч иккиланмай ишониб, уни қабул қилинг, чунки бу фақат сизнинг манфаатингиз учундир.

Шунингдек, Аллоҳ энг Одил Хукмдордир. Унда бирон қатра адолатсизлик йўқ. Унинг фармонлари фақат ҳақ ва адолат устига қурилгандир. Уларга амал қилиб, ўзингизга ва бошқаларга зулм қилишдан хавфсирамайсиз.

***Қандай қилиб фойдани қўлга киритса бўлади.***

Робб Таъолонинг нуридан баҳраманд бўлиш учун икки нарса зарур бўлади. Биринчиси, сиз холисона аллоҳга ва бу нур нозил қилинган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтиришингиз

шарт. Бу дегани, сизлар Аллоҳнинг Росули тарафидан бўлган ҳар қандай кўрсатма, сиз унинг ҳикматини англайсизми йўқми муҳим эмас, унга мутлақ ишонишингиз керак. Иккинчиси, бунга тўла ишонганингиздан сўнг, бу дастурга эргашмоғингиз керак, чунки тобе бўлмасдан туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Фараз қилинг, бир киши сизга маълум бир нарсани заҳарланганлиги учун, уни ема деяпти. Сиз унга: «Сен тўғри айтасан, у заҳарланган ва ўта хавфлидир» деб, ва бу ҳақиқатни тан олишга қарамай уни еяпсиз. Натижа худди буни билмаган каби бир хил бўлади. Шунинг учун, ўз билимларини

амалда қўлламасдан фақат билишнинг ўзидан нима фойда?!

Сизлар Аллоҳга итоат қилсангизгина реал фойдани қўлга киритасиз. Фақат Унга иймон келтирганингизни шунчаки оғзаки равишда айтмасдан, балки Унинг фармонларига тўла амал қилиш ила тасдиқлагандан кейингина бу фойдага эришасиз. Худди шу каби сиз, маълум бир таъқиқланган нарсалардан қайтишликни оғзаки равишда эмас, балки ҳақиқатда ҳам улардан тийилишингиз зарур. Худди шунга Аллоҳ бизларни доимо тарғиб қилади:

**«Аллоҳга итоат қилингиз, Пайғамбарга буйинсунингиз ва (ҳаромдан) эҳтиёт**



**бўлингиз! Агар (итоатдан) бош тортсангиз, билингизки, Пайғамбаримиз зиммасида фақат (бизнинг хукмларимизни) очик – равшан қилиб етказиш бор, холос». (Моида: 92)**

**«Айтинг: «Аллоҳга бўйинсунингиз ва Пайғамбарга бўйинсунингиз! Энди агар юз ўгирсангизлар бас, (Пайғамбар) зиммасида ўзига юкланган нарса (яъни одамларга Аллоҳнинг динини етказиш) бордир, сизларнинг зиммангизда эса ўзларингизга юкланган нарса (Пайғамбарга бўйсунингиз) бордир. Агар унга бўйинсунсангиз хидоят топурсизлар. Пайғамбар зиммасида (сизларни зўрлаб**

**динга киргизиш эмас, балки) фақат (сизларга ҳақ динни) етказиш бордир.»**  
(Нур: 54)

Ва яна:

**«(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна – кулфат етиб қолишдан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар!»** (Нур: 63)

***Кўр-кўрона итоат эмас.***

Келинлар ҳозирдан бир нарсага келишиб олайлик. Сизларга, фақат Аллоҳга ва Росулига итоат қилишингиз лозим деганимда, бошқа кишиларга бутунлай кулоқ солмайсиз деган нарсани назарда

тутганим йўқ. Ягона шарт – фикрламай, англамай туриб эргашмаслик керак. Доимо бошқаларнинг сўзи Аллоҳ ва Росулининг таълимотига мувофиқми йўқми, буни доимо текшириб туриш зарур. Агар мувофиқ бўлса, уни қабул қилишингиз керак, чунки сиз аслида у кишига эмас, балки Аллоҳ ва Пайғамбарга итоат қилган бўласиз. Агар мувофиқ бўлмаса, уни рад қилишингиз зарур, чунки Аллоҳ ва Пайғамбарга қарши чиққан одамга итоат қилинмайди.

Сизлар, Аллоҳ инсонга Ўз Илоҳий дастурини етказишлик учун инсоннинг олдига келмаслигини ва ҳар бир рисолатини Ўзи сайлаган Пайғамбари орқали

етказганини тушуниб олинг. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн тўрт аср олдин бу дунёни тарк этиб, дорул бақога рихлат қилдилар. Аллоҳ тарафидан нозил қилинган фармонлар, Қуръон ва Ҳадисларда сақланиб қолган. Аммо Қуръон ва Ҳадис тирик жонзот эмаски, сизнинг қаршингизга келиб баъзи йўлланмаларни сизга берса. Фақат сиз каби инсонлар, сизларга Қуръон ва Ҳадис бўйича ҳаёт кечиришингизга ёрдам бера олади. Шу сабабли бошқалардан ўрганишдан ўзга чора йўқ.

Муҳими, бошқаларнинг сўзига кўр-кўрона қулоқ солмаслик зарур. Ҳозиргина айтганимдай, сизлар бу сўзлар Қуръон ва

Ҳадисга тўғри келадими, йўқми текширишингиз керак бўлади. Агар тўғри келса, уларга бўйсунингиз шарт. Аммо агар улар сизни қарама-қарши томонга тортиб кетмоқчи бўлса, уларга тобе бўлиш таъқиқланади.

### **11. Дин ва Шариат орасидаги фарқ**

Диндош биродарлар! Ислон ҳақидаги суҳбатларда тез-тез иккита ўзига хос – Дин ва Шариат сўзлари ишлатилади. Лекин кўпчилик Дин ва Шариат сўзининг асл маъносини тушунмайди. Фақат илмсиз кишилар эмас, балки кўпчилик диндорлар каби ўқимишли кишилар ҳам бу икки тушунча орасидаги фарқни доим ҳам англаб

етмайдилар. Бу билмаслик оқибатида, кўп ҳолларда Дин ва Шариатни бир-бирига алмаштириб, одамларнинг фикрини бузадилар.

### *Диннинг маъноси.*

Дин сўзи бир неча маъноларда ишлатилади. Биринчиси бу – ҳокимият, бошқарувдир. Иккинчиси бунинг тескариси – итоат, бўйсунуш, хизмат қилиш ва қулликдир. Учинчиси ҳисоб-китоб, айблов, амалларга қараб мукофотлаш ё жазолашдир. Бу ҳар уч тушунча Қуръонда келади.

Аллоҳ айтади:

**«Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир».**(Оли Имрон: 19)

Бу ерда дин сўзи, Аллоҳни барча ҳукм ва улуғликнинг эгаси деб тан олишлик ва ўзни Унга бўйсундиришга асосланган турмуш тарзини англатади. Биз ҳеч кимнинг олдида таҳқирланишимиз мумкин эмас. Биз, фақат Аллоҳнигина Ҳукмдор, Подшоҳ ва Раҳбар деб ҳисоблаб Ундан ўзга бирон-бир кимсанинг қули бўлмаслигимиз зарур. Биз фақат Аллоҳгина жазоларни белгиловчи энг Олий Ҳакам деб тан олишимиз керак. Биз ҳеч кимдан эмас, балки фақат Унинг

мукофотидан умидвор бўлишимиз лозим.  
Ислом худди шундай диндир.

Сизлар, реал ҳукмронлик ёки қувватни Аллоҳдан ўзгага нисбатласангиз, бошқа бир кишини ҳақиқий хўжайин ва раҳбар, жазо ва мукофот берувчи олий ҳакам деб, хор бўлиб бошингизни унинг олдида эгсангиз, Аллоҳдан кўра ундан кўпроқ кўрқсангиз, ана шунда қалбаки сохта дин юзага келади. Бундай динни Аллоҳ қабул қилмайди.

Дунёдаги Аллоҳдан ўзга ҳеч бир жонзот бирон-бир куч ва қувватга эга эмас. Худди шу каби, Аллоҳнинг ҳукмронлигидан ўзга ҳукмронлик, салтанат йўқ. Бизлар Аллоҳдан ўзганинг қули ёки хизматкори бўлишимиз



учун яратилганимиз йўқ ва бизларни муҳокама қилиб, жазо ёки мукофот беришга Аллоҳдан ўзга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу нарса Қуръоннинг кўп жойларида тушунтириб ўтилади: **«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурда) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир».** (Оли Имрон: 85)

Шундай қилиб, Аллоҳнинг ҳукмронлигини тан олмаган кимса, бошқа бир шахсга бўйсунди, унинг хизматкори, кулига айланади ва уни жазо ва мукофот бериш ҳуқуқига эга деб ҳисоблайди. Бундай

банданинг динини ва феъл-атворини Аллоҳ қабул қилмайди. Сабаби шундаки:

**«Холбуки улар фақат ягона Аллоҳга, У зот учун динни холис қилган, Тўғри йўлдан оғмаган холларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир».**

(Баййина: 5)

Робб Таъоло инсонларни фақат Унга хизмат қилишлари учун яратди. Шунинг учун, улар ҳар қандай қалбаки илоҳлардан юз ўгириб, ўзларининг итоатларини ёки бошқача қилиб айтганда динларини ягона

Аллоҳга бағишлашлари зарур бўлади. Улар ҳеч иккиланмай ўзларини Унинг хизматига бағишлаб ва фақат Унгагина ҳисоб-китоб берувчи эканликларини ҳис қилишлари керак:

**«Аллоҳнинг динидан ўзга дин истайдиларми?! Ахир осмонлару ердаги барча жонзот истаса-истамаса Унга бўйинсуниб турибди-ку! Ўшалар (яъни Аллоҳнинг динига итоат қилишни хоҳламаётганлар) ҳам фақат Унинг ўзига қайтариладилар-ку!»** (Оли Имрон: 83)

Қандай қилиб биз, инсонлар, Аллоҳдан ўзганинг хизматкори бўлиб, унга бўйсунушга журъат қиламиз, ваҳоланки ер

ва осмонлардаги барча жонзот фақат Унга кулоқ солиб ва ўз амалларига фақат Аллоҳнинг олдида жавоб берадилар?! Ёки инсон бутун коинотнинг зиддига ўлароқ, ўзича қандайдир бир мустақил, автоном йўл топмоқчимми?

**«У (Аллоҳ) Ўз Пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар хоҳламасаларда – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир». (Тавба: 33)**

Аллоҳ Ўзининг Пайғамбарини ҳақ дин билан мушрик ва бутпарастларга ёқадими йўқми бунга қарамай, барча сохта илоҳларнинг ҳукмронлигини тугатиш ва оламларнинг Роббисидан ўзгага ибодат

қилмаслик учун бизларга мисли кўрилмаган имконият берди:

**«То (дунёда) бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар!». (Анфол: 39)**

Ўғит тушунарли. Бизлар то Аллоҳдан ўзганинг ҳукмронлиги ағдарилмагунча, то оламда фақат Парвардигорнинг қонунлари ҳукм сурмагунча, то фақат Аллоҳнинг Олийлиги тан олинмагунча ва бизлар фақат Унгагина қуллик қилмагунимизча жанг қилишимиз зарур экан.

Шундай қилиб, бундан Диннинг уч маъноси келиб чиқади:

1. Робб Таъолони Ҳукмрон, Подшоҳ ва Хўжайин деб тан олиш;
2. Фақат Унгагина бўйсуниб хизмат қилиш;
3. Фақат Унга ҳисоб-китоб қилиб, фақат Унинг жазосидан кўрқиб ва мукофотни фақат

Ундан кутмоқ керак.

Шу билан бир қаторда, Дин Аллоҳнинг Пайғамбарига итоат қилишни ҳам ўз ичига олади, чунки Парвардигорнинг фармонлари инсонларга Пайғамбарига туширилган Китоб орқали берилгандир.

**«Эй Одам болалари! Ҳар қачон сизларга ўзларингиздан бўлган**

**пайғамбарлар Менинг оятларимни сўзлаган ҳолларида келганларида кимдаким (ширкдан) сақланиб, ўзини ўнглаб олса, уларга хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар». (Аъроф: 35)**

Ҳеч бир инсон тўғридан–тўғри Аллоҳнинг Ўзидан Унинг фармонларини олмайди. Шунинг учун, Аллоҳни Ҳоким деб тан олувчи ҳар қандай шахс, Унинг росулига итоат қилиб ва Аллоҳ у киши орқали юборган таълимот бўйича ҳаёт кечирса, шундагина Робб Таъолога бўйсунган бўлади.

Диннинг фундаментал асос, негизлари шудир.

***Шариатнинг маъноси.***

Энди, Шариат тушунчасини кўриб чиқайлик. Шариат «йўл» ёки «сўқмоқ»ни англатади. Сиз Аллоҳни Хожангиз деб қабул қилиб, Унга итоат ила яшаб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг намоёндаси эканлигини ва Қуръон У тарафидан нозил бўлганлигини тан олишлик билан динга кирасиз. Сиз Аллоҳга қандай хизмат қилишингиз ва Унинг дастури бўйича қандай ҳаёт кечиришингиз кераклигини кўрсатувчи йўл Шариат дейилади.

Бу йўл ёки сўқмоқ Аллоҳ тарафидан Росули орқали кўрсатилгандир. У сизларга Аллоҳга қандай ибодат қилишни, тана ва



қалбингизни қандай қилиб поклашни, ҳақиқат ва диндорлик нималигини, бошқа кишилар билан ишларни қай тарзда олиб бориш ва ҳақ-ҳуқуқларга қандай риоя қилишни, хуллас бутун умр бўйи ўзини қандай тутиш кераклигини ўргатади.

### ***Фарқнинг моҳияти.***

Дин ва шариатнинг асосий фарқи қуйидагидир: Дин доим бўлган, бор ва ўзгармай туради; Шариат эса ҳар хил бўлгандир. Баъзилари кейинчалик ўзгарган ёки мансух бўлган, аммо дин ўзгармай қолган. Нух алайҳис-саломнинг дини ва Иброҳим, Мусо, Исо, Шуайб, Ҳуд, Солиҳ

алайҳимус-саломлар ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динлари бир бўлган, аммо уларнинг шариатлари қайсидир даражада бир-биридан фарқ қилган. Фарз қилинган намоз ва рўза усуллари фарқ қилган. Ҳалол ва ҳаром ҳақидаги кўрсатмалар, поклик ва никоҳ, талоқ ва мерос масалалари бир-биридан фарқ қилар эди. Лекин бунга қарамай, улар ва уларга эргашувчиларнинг барчаси мусулмон эдилар. Чунки уларнинг Дини биттадир. Бундан кўриниб турибдики, дин шариатнинг ўлчов ва қонунларига боғлиқ эмас. Баъзи маълум аҳкомлар фарқ қилса ҳам, дин шундайлигича қолади.

Мана сизларга дин ва шариатнинг фарқини кўрсатувчи кўркем мисол:

Кўп хизматкорга эга бўлган хўжайинни тасаввур қилинг. Агар уларнинг бири уни ўз хўжайини ва уни итоат қилинишга лойиқ деб ҳисобламаса, унда уни бутунлай, хизматкор деб атаб бўлмайди. Аммо уни ўз хўжайини ва унга бўйсунуш ўзининг бурчи деб ҳисобловчилар ҳақиқатда ҳам хизматкор номига лойиқдирлар. Уларнинг мажбуриятлари ва қандай хизмат қилишлари фарқ қилиши мумкин, лекин барибир, улар содиқ хизматкор деб саналадилар.

Агар хўжайин бир хизматчисига бир услубда, бошқасига бошқа услубда хизмат

қилишни буюрган бўлса, уларнинг ҳеч бири фақат ўзи ҳақиқий хизматкору, бошқалар йўқ деб айтишга ҳаққи йўқ. Худди шундай, агар бир хизматчи хожасининг амрини ўзича бир маънода тушунсаю, бошқаси ўзгача тушунса ва бу иккиси бу тушунчалари бўйича хизмат қилишга уринсалар, у ҳолда уларнинг ҳар иккиси ҳам яхши хизматкор дейилишига лойиқдир. Мумкин уларнинг бири қандайдир буйруқни нотўғри тушунар, аммо у хизмат қилишдан бош тортаётган бўлмаса, уни ҳеч ким итбатсиз деб номлашга ёки ҳайдаб юборишга ҳаққи йўқ.

Дин ва шариат орасидаги бу фарқни яхши тушуниб олинг. Пайғамбаримиз

соллаллоҳу алайҳи васалламгача Аллоҳ Таъоло Ўзининг набийлари орқали ҳар хил шариатлар юборди. Бир пайғамбари орқали маълум бир услубда, бошқаси орқали бошқа услубда хизмат қилиш кўрсатилган эди. Бу, ҳар хил услубда Аллоҳга хизмат қилганларнинг барчаси мусулмон бўлганлар. Сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам юборилдилар ва Хожамиз: «Бугундан бошлаб Биз барча ўтган қонун-қоидаларни бекор қилдик. Энди ким Менга хизмат қилишни истаса, охирги Росулимиз орқали юборилган қонун-қоидаларга бўйсунити керак», деб эълон қилди.

Шундан бери ҳеч қайси хизматкор аввалги қоидалар бўйича хизмат қилиши мумкин эмас. Агар у янги нормаларни қабул қилмай, эскиларига амал қилишда давом этса, Аллоҳнинг эмас, балки ўз нафсининг амрига бўйсунган бўлади. Бундай кимсани хизматкор деб бўлмайди, у диний осий, яъни кофир бўлади.

***Мусулмонлар орасидаги фикҳий  
фарқлар.***

Келтирилган мисолнинг биринчи қисми, аввал ўтган пайғамбарларга эргашган кишиларга тегишлидир. Иккинчи қисм, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг издошларига тегишлидир.

У киши кўрсатиб берган шариат Аллоҳ томонидан буюрилгани ва унга эргашиш кераклигини эътироф этган ҳар қандай киши муслмондир. Бир киши шариат аҳкомларини бир услубда тушунса, бошқаси эса бошқа услубда тушунади ва иккиси ҳам ўз тушунчаси бўйича унга эргашади. Улар қанчалик фарқ қилмасин, лекин барибир ўзларини хизматкор деб номлашга ҳақлидирлар. Чунки уларнинг иккиси ҳам Хожасининг буйруқларига ақл-идрок билан амал қиладилар.

Ундай бўлса, хизматкорларнинг бири, фақат у ҳақиқий хизматкору, бошқаси эса йўқ деб айтишга нима ҳаққи бор?! У фақатгина, Хожасининг буйруқларини тўғри тушунишини, бошқалар эса нотўғри тушунади деб таъкидлаши мумкин. Лекин бу унга, бошқа кимсани хизматдан четлаштириш (яъни уни кофир дейиш) учун ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди. Бу каби сурбетликни таъкидловчи ҳар қандай кимса, ўзига хўжайин мавқеини берган бўлади. Бундан гўё, у: «Хўжайиннинг буйруқларига бўйсунганингиз каби, сизлар буйруқларни мен тушунгандек қабул қилишингиз шарт. Агар ундай қилмасангиз, у ҳолда мен



сизларни хизматдан бўшатиб юбораман», дегани келиб чиқади.

Шу сабабли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир киши бошқа бировни фосиқлик ва куфр билан айбласа, агар у кофир ё фосиқ бўлмаса айтган сўзи ўзига қайтади» деганлар. (Бухорий)

Ахир Аллоҳ Ўзининг амрига бўйсунитишни мусулмонликнинг асл мезони қилиб қўйгандир. Фақат ўз тушунчаси ва фикрини тўғри деб таъкидловчи ва Аллоҳнинг ҳукмига қарамай, ўзича бошқалар устидан ҳукм чиқарувчи кимса, Аллоҳ битта эмас, балки у ҳам ўзини бир «илоҳча» деб даъво қилган бўлади. Ҳар

кандай, бу беъмаъниликни таъкидловчи кимса, у ҳукм чиқарган кимса, мусулмонми ё кофирми ким бўлишидан қатъий назар, бу билан ўз иймонини хавф остига қўяди.

Биродарлар! Ана энди сизлар Дин ва Шариат орасидаги фарқни ва Аллоҳга бўлган хизматнинг турли бўлиши диндан чиқармаслигини тўла тушуниб олдингиз деб умид қиламан. Дарҳақиқат, ўз тушунчасига эргашувчи киши, бу қилаётган амалини унга Аллоҳ ва Унинг Росули худди шу тарзда қилишликни буюрган деб, сидқидилдан ишониши керак ва бу амалларини тасдиқлаб бериш учун Аллоҳнинг Китоби ва

Росулининг Суннатидан аниқ далил келтира билиши зарур бўлади.

***Бу фарқлар моҳиятини инкор қилиш.***

Дин ва Шариат орасидаги фарқни инкор қилишлик мусулмонларга қанчалик зиён келтириши ҳақида бир ўйлаб кўрайлик.

Масалан, намоз ўқишликнинг бир неча тури мавжуд. Бизлар кўлларимизни кўкракка ёки киндик устига қўйишимиз мумкин. Бизлар «Амин»ни жаҳрий ёки маҳфий айтишимиз мумкин. Ҳар биримиз ўзининг услуби Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан қўллангани ва бунга ўзида аниқ далил борлигига тўла ишонади. Шу сабабли, ҳар биримиз

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга бир хил ишонч билан эргашувчидирмиз.

Аммо баъзи кишилар шариатнинг бу каби қирраларини диннинг асосий руқн даражасига чиқарадилар. Шундай қилиб, улар ўзларининг хусусий жамоа ва масжидларини ташкил қила бошладилар. Улар бир-бирларини айблаб, ўзга, муҳолиф фикрдаги кишиларни масжидларидан ҳайдаб, бир-бирлари билан жанжаллашиб Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам умматини ҳар хил фирқаларга бўлиб юбордилар. Ҳатто бу уларни қониқтирмай, арзимаган нарсалар учун бир-бирларини кофир, осий ёки бидъатчи деб тамғаладилар.

Агар бошқалар, уларнинг фикрлаш тарзини қабул қилсагина улар хурсанд бўлдилар.

Ҳар хил Исломий мазҳаблар Ҳанафий, Шофийий, ҳадис аҳли ва бошқалар – уларнинг барчаси Қуръон ва Ҳадисни энг тўғри манба деб тан олиб, ўз тушуниш даражасида улардан йўлланмалар оладилар. Баъзи масалаларда бир мазҳабнинг фикри бошқасиникига нисбатан тўғрироқ бўлиши мумкин. Ва мен ҳам шу мазҳабларнинг бирига эргашаман ва унга муҳолиф бўлган кишилар билан баҳслашаман ва ўз қарашим бўйича нима тўғри-ю, нима нотўғрилигини уларга тушунтираман.

Лекин бир кишининг хато қилиши билан, уни Исломдан чиқариб юбориш бошқа бошқа нарсадир. Ҳар бир мусулмон шариатда ўзи тўғри деб ҳисоблаган мазҳабига эргашишга ҳақлидир. Агар тўрт мусулмон тўрт мазҳабга эргашиб, шу усулда Аллоҳнинг қонунларига итоат қиляпман деб ишонса, у ҳолда улар ҳақиқатда ҳам мусулмондирлар. Улар бир Умматни ташкил қиладилар ва фирқаланишга ҳожат йўқ. Фақат, бу нарсани тушунмаган кишиларгина Умматни арзимас сабаблар туфайли бўлак-бўлакларга бўлиб ташлайдилар. Улар ўз жамоа ва масжидларини ажратиб, бошқа гуруҳ эгалари билан никоҳ ва алоқа

қилишни таъқиқлайдилар ва фақат ўзларини ҳақ ва ўзлари алоҳида уммат деб ҳисоблайдилар.

### ***Фирқаланиш.***

Фирқаланишнинг мусулмонларга қанчалик зиён эканлигини назардан четда қолдириш керак эмас. Мусулмонлар доим бир Умматни ташкил қиладилар. Ҳиндистоннинг ўзида ҳозирги кунда тахминан 80 миллион мусулмон мавжуд. Агар бу жамоалар ҳақиқатда бирлашиб, Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун бел боғласа, ким ҳам уларга қарши чиқа олар эди?! Аммо фирқаланиш бу умматни юзлаб

фирқаларга ажратиб, бўлиб ташлади. Улар ҳатто энг оғир ҳолатларда ҳам бирлаша олмайдилар. Бир гуруҳга тегишли мусулмон аксар ҳолатларда, яҳуд ва насронийларга эмас, балки бошқа гуруҳдаги мусулмонларга қарши чиқадилар. Ҳатто гоҳида бир фирқа тарафдорлари бошқа мусулмон жамоасининг аъзоларини камситиш учун кофирлар билан бир сафда туриб ҳаракат қиладилар.

Шу сабабли, мусулмонларнинг зор ва залил ҳолатда яшашлари ажабланарли эмас. Бу аҳволга улар ўз феъл-атворлари туфайли тушиб қолдилар. Улар, Аллоҳ инсонларни огоҳлантирган жазога сазовор бўлдилар.



**«Айтинг: «У сизларга устингиздан ё оёқларингиз остидан азоб юборишга, ёки сизларни гуруҳ-гуруҳ қилиб аралаштириб юбориб (жангу жадалларда) айримларингизга айримларингизнинг зарарини тотдириб қўйишга қодир бўлган зотдир!» (Анъом: 65)**

Ҳақорат, адоват, зулм ва истибдод – буларнинг барчаси бугунги кундаги мусулмонларнинг жафо чекаётган, Аллоҳ жазосининг турларидир.

Пенжобдаги аҳвол ҳам шундай жазодан дарак беради. Бу ерда турли фирқалар жуда ҳам кўпайган. Натижада, бизларнинг кўп бўлишимизга қарамай, биз ночор аҳволда

қолганмиз. Агар биз фаровон ҳаёт кечиришни истасак, у ҳолда бу тафриқавий тўғонларни йўқотиб, ака-укадай яшашимиз ва бир бутун Уммат бўлишимиз керак бўлади. Аллоҳнинг шариатида Шиа, Сунний, Ҳанафий, Аҳли ҳадис ва бошқа ҳар хил гуруҳлар учун алоҳида-алоҳида уммат бўлишга ҳеч қандай асос йўқ. Умматнинг бундай бўлиниши – жоҳиллик натижасидир. Аллоҳ бизларни битта Уммат – Ислом уммати қилиб яратгандир.

## **12. Ибодатнинг асл маъноси**

Диндош биродарлар! Биз, мусулмонлар, кўп ишлатадиган бир сўз борки, аммо ўзимиз уни яхши тушунмаймиз. Бу сўз –

Ибодатдир ва унинг маъно ва моҳиятини тушуниш жуда зарурдир.

Бизнинг яратилишимиз ва яшашимиздан ягона мақсад, бу Аллоҳ айтганидек, фақат Ўзигагина ибодат ва хизмат қилишликдир.

**«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим.»**  
(Зориёт: 56)

Бундан, сизлар ибодатнинг асл мақсадини тўла тушунмоғингиз кераклиги келиб чиқади. Акс ҳолда сизларни яратишдан бўлган асосий мақсадни бажара олмайсиз. Ҳар бир, бу вазифани ўтамайдиган ҳаракат хатодир. Агар табиб ўз

беморини даволай олмаса, уни ўз вазифасини бажара олмаган деб ҳисобланади. Худди шундай, сизлар ҳаётингизнинг асл мақсадини, яъни ибодатни ўтай олмасангиз сиз зиёнкор бўласиз. Шунинг учун, ибодатнинг маъносини яхшилаб тушуниб олинг ва доимо уни ёдда сақланг. Ҳаётингизнинг муваффақияти ва омадсизлиги шунга қараб белгиланади.

### ***Ибодатнинг маъноси.***

Хўп, «ибодат» сўзи нимани англатади? Бу арабча калиманинг негизи «абд», яъни хизматкор, қул маъносини англатади. Инсон

агар бутун ҳаёти давомида бир кишига бўйсуниб унга хизмат қилиб, ўзини Хўжайинига нисбатан лозим бўлган мавқеда тутсагина ана шунда ҳақиқий қул бўлади. Аммо қул бўлиб ва ойлик маош олувчи, лекин ўз вазифасини бажармайдиган ва ўзини қул каби тутмайдиган кимса осий ва исёнчидир.

Хўп, қул ўз Хожасига нисбатан ўзини қандай тутиши керак?

Банданинг биринчи мажбурияти – бу, ўзига Хожа деб фақат ўз Хўжайинини ҳисоблаши шарт. У, фақат ризқлантирувчи, ҳимоя қилувчи ва таъминловчи зотгагина сидқ билан бўйсунити лозим.

Банданинг иккинчи вазифаси – бу, доим ўз Хожасига итоат қилиши, унинг барча буйруқларини дақиқлик билан бажариб, ва ўзининг ёки бошқа бир кишининг фикр ва истаклари Хожасининг хоҳишига тескари бўлса, ундан четланиши зарур бўлади. Банда ҳар бир дақиқада ва ҳар қандай ҳолатда бандадир. У баъзи буйруқларга бўйсуниб, бошқаларига кулоқ солмасликка ёки ўзи хоҳлаган вақтда бандалик қилиб, бошқа вақтда ўз мажбуриятларини ўтамасликка ҳаққи йўқ. Ва бунда унга танлаш ихтиёри берилмаган.

Банданинг учинчи мажбурияти – бу, Хожасини ҳурмат қилиб, севмоғи керак. Ўз

ҳурмати билдириш учун банда, У кўрсатган йўлдан юрмоғи лозим. Агар у ўз содиқлиги ва итоатида мустаҳкам ва доимий бўлса, ҳар қандай ҳолатда ҳам Хожасининг чақириғига «лаббай» деб келиши зарур.

Бу барча сифатлар ибодатни ташкил этади: биринчиси - фақат ўз Хўжайинини Хожа деб; иккинчиси – фақат ўз Хожасининг буйруқларига итоат қилиши; учинчиси – Уни севиб ҳурмат қилиши.

Аллоҳ: «Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим», дейиши билан, бизлардан энг аввал фақат Унгагина бўйсунушимизни талаб қилади. Бизлар фақат Унинг

фармонларига амал қилишимиз лозим ва фақат Унинг. Бизлар фақат Унгагина таъзим ва сажда қилиб, Унигина олқишлаб итоат қилишимиз зарур.

Қуръонда ибодат сўзи доимо шу маънода ишлатилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва улардан аввалги барча пайғамбарлар таълимотининг асл моҳияти шунда эди. Уларнинг ҳар бири ягона чақириқ билан:

**«...У зот сизларни фақат ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари бунни билмайдилар».** (Юсуф: 40)



Ва сизлар ягона Ҳоким бўлган Аллоҳгагина содиқ бўлишингиз керак. Сизлар бўйсунадиган битта қонун бор, у ҳам бўлса Аллоҳнинг қонунидир. Сиз ибодат қиладиган ягона маъбуд бор, у ҳам бўлса ягона Аллоҳдир.

### ***Ибодатни тушуномаслик.***

Энди баъзи бир ҳолатларга қаранг.

Агар сиз бир қулнинг ўз вазифасини бажариш ўрнига Хожаси олдида туриб, Унинг номини хиргойи қилиб турганини кўрсангиз нима деган бўлардингиз? Хожаси унга бориб ўз мажбуриятларини бажаришни буюрса-ю, у эса турган жойида тураверса. У Хожасига кетма-кет эгилиб, уни олқишлаб,

қўлини ковуштириб туришда давом этиб турса. Хожаси унга ўғрининг қўлини кесишни буюрса-ю, у эса бирон-бир иш қилишга ҳаракат қилмай, ўз жойидан силжимай, ёқимли овоз билан кетма-кет: «ўғрининг қўли кесилсин, ўғрининг қўли кесилсин!» деб қайтариб тураверса.

Ҳақиқатда ҳам бу кимса ўз Хожасига хизмат қилаяптими? Агар сизнинг қўл остингизда бир неча хизматкор бўлиб, уларнинг бири ўзини шундай тутса, сиз нима қилган бўлар эдингиз?! Лекин, аксар ҳолларда ўзларини шундай тутувчи кимсаларни сизлар садоқатли ва холис банда деб ҳисоблайсиз! Масалан, эрталабдан

кечгача Қуръоннинг пок оятларини тиловат қилувчи, аммо уларни ҳаётга татбиқ қилиш ўрнига, Аллоҳнинг номини минг бор тасбеҳда ўтказиб, тўхтамай намоз ўқиб, Қуръонни чиройли тиловат қилувчи инсончи? Бунинг барчасини кўриб, сиз: «Қандай садоқатли инсон!» дейсиз. Аммо сиз адашяпсиз, чунки ибодатнинг асл маъносини билмайсиз.

Мана бошқа бир хизматкор. У кечаю кундуз Хожасининг эмас, бошқа кишиларнинг буйруқларини бажариш билан овора. У доимо ўзининг ҳақиқий Хожасининг буйруқларига қарши чиқади, лекин бу қаршилигини расмий

анжуманлардаги доимий иштироки ва қулай  
фурдатларда Хожасини мақташлик билан  
яширади. Агар сизнинг шундай  
хизматкорингиз бўлса, нима қилар эдингиз?  
Ахир унинг бу олқиш мақтовларини ўзининг  
юзига улоқтирмайсизми? Агар у сизни Хожа  
ёки Хўжайин деб чақирса, сиз унга: «Сен  
ғирт ёлғончи ва муттахамсан, сен мендан  
ойлик маош оласану, аммо бошқаларга  
хизмат қиласан. Сен ўзингни менинг  
хизматкорим қилиб кўрсатасану, аммо  
аслида менинг эмас, дуч келган кишининг  
буйруғини бажарасан». Бу шунчалик очиқ-  
ойдинлигидан, ҳамма осонгина тушуниб  
олади.

Аmmo ажабланарлиси шундаки, сизлар эртаю-кеч Аллоҳнинг қонунларини бузувчи ёки уларни инкор қилиб, кофирларнинг буйруқларини бажарувчи кишиларнинг намозу рўзалари, тасбеҳ айлантириш ва Қуръон тиловати, Ҳаж ва садақотлари билан завқланиб, уларни мақтайсиз. Бунда ҳам сиз адашасиз, чунки сиз ибодатнинг асл моҳиятини билмайсиз.

Энди бошқа бир хизматкорга назар ташланг. Унинг либоси жуда чиройли тикилган ва доим Хожаси талаб қилган савиядадир. У Хожасининг қошида ўзининг итоати ва ҳурмат эҳтиромини кўрсатади. Қачон унга буйруқ қилинса, у бошини эгиб:

«Хизмат қилишдан хурсандман!» дейди. Хуллас, бундан ортиқ садоқатни топмайсиз. Хожасини мақташда у доим биринчи. Лекин, шу вақтнинг ўзида бу инсон ўз Хожасининг душманларига хизмат қилиб, уларнинг, Хожасига нисбатан уюштираётган фитналарига ёндошиб, ўз Хожасининг номини қора қилишда уларга кўмаклашади. Қоронғу кечада у, Хожасининг уйини ўмаради, сахар эса Унинг ҳузурида энг содиқ хизматкор каби қўлларини қовуштириб туради.

Сизлар бундай хизматкор ҳақида нима дейсиз? Ўз-ўзидан тайинки, сиз уни мунофиқ, исёнчи ва осий дейсиз. Аммо

сизлар шу каби Аллоҳнинг бандаларини нима деб чақирасиз? Сиз уларни шайх, мавлави, пир ва бошқа-бошқа номлар билан чақирасиз. Сиз уларни художўй одам деб ҳисоблайсиз. Бунга сабаб, сиз узун соқол, тўпикдан юқори изор, сажда асоратлари, намозларининг узунлиги ва катта тасбеҳларнинг тузоғига тушиб қолганингиздандир. Сиз яна адашдингиз, чунки ибодат ва диндорликнинг асл моҳиятини тушунмагансиз.

Сизлар, қиблага қараб қўлларини қовуштириб туриш, руку қилиб, ерда сажда қилиб ётишни ва маъруф бўлган сўзларни талаффуз қилишни ибодат деб ўйлаб

қолгансиз. Сизлар, шунчаки, рамазон ойининг биринчи кунидан то шаввол ойигача, саҳардан то кечга довур бўлган очлик ва ташналикни ибодат деб ўйлайсиз. Сизлар, шунчаки, Қуръон сураларини оддий такрорлашни ибодат деб ҳисоблайсиз. Сизлар шунчаки, Маккани зиёрат қилиш ва Каъбани таввоф қилишни ибодат деб ўйлайсиз. Хуллас калом, сизлар ибодат, бу баъзи зоҳирий расм-русм ва маросимларни амалга оширишдан иборат нарса деб тушуниб қолгансиз. Ва бир кишининг уларни амалга ошираётганини кўрсангиз, булар ўз бурчини ўташга етарли ва бу кишилар ўзларини Аллоҳнинг ибодатига



боғлаган чин банда ва улар «Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» оятига мувофиқ амал қиляптилар деб ҳисоблайсиз.

***Ибодат – бу, бутун ҳаёт давомидаги  
хизмат.***

Аmmo аслида Аллоҳ сизларга буюрган ибодат тамоман бошқа нарсадир. Хусусан, сизлар ҳаётингизнинг ҳар бир босқичида Аллоҳнинг қоидаларига риоя қилишингиз ва унга зид бўлган ҳар қандай қонунларни рад қилишингиз лозим. Сиз қиладиган ҳар бир ишингиз Робб Таъолонинг дастурига тўғри келиши керак. Ана шундагина сиз ўз ҳаётингизни ибодатга айлантрасиз.

Бундай ҳаётда ҳамма нарса ибодатга айланади – ухлайсизми, овқатланасизми, ишлайсизми ё дам оласизми, гапирасизми ё сукут сақлайсизми, буларнинг барчаси ибодат тусини олади. Ҳатто аҳли аёлингиз ва фарзандларингизни кучоқлаб ўпсангиз ҳам, сиз Аллоҳнинг хизматида бўласиз. Бу барча, сизлар дунёвий ва ғайридиний деб ҳисоблаган амаллар, сиз уларни бажариш вақтида Робб Таъоло ва Росули кўрсатган чегараларга риоя қилиб, нима ҳалол, нима ҳаром, қайси мажбуриятларни бажариб, қайсиларидан четланиш, нима Аллоҳни хушнуд қилади-ю, нима йўқлигини

этибордан чиқармай бажарсангиз, буларнинг барчаси диний тус олади.

Масалан, ҳаётингиз давомида ҳаром йўл билан енгил пул топиш имконияти дуч келиши мумкин. Агар сиз нафс васвасасидан четланиб, Аллоҳга итоат қилган ҳолда фақат рухсат этилган шаръий йўл билан пул топсангиз, у ҳолда сизнинг меҳнатингиз ҳам ибодатга айланади. Бунинг эвазига сиз мукофот-савоб оласиз. Ва сизлар ўз оилангиз, аёлу фарзандларингизга олиб келадиган ойлик маошингиз Аллоҳ томонидан барокатли бўлади. Аслида сиз нима қилсангиз ҳам, Унинг амрини бажариш ва Уни хурсанд қилиш учун қанча

вақтингизни сарф қилсангиз ҳам, бу билан сиз Унга ибодат қилган бўласиз. Йўлдаги тошни ёки инсонларга халақит қилувчи бирон-бир тўсиқни олиб ташласангиз ёки бир беморга қараб турсангиз, ёки кўр кишини олиб юрганда, мухтож кишига ёрдам берганда, ёлғон ва ғийбатдан четланиб, одамлар ҳақида рост ва тўғри сўзни айтганда – буларнинг барчаси ибодатнинг худди ўзига айланади.

Шундай қилиб, Аллоҳга бўлган ҳақиқий ибодат У кўрсатган йўлдан юриб, ёшликдан то ўлгунга қадар Унинг фармонларига мувофиқ ҳаёт кечиришдан иборатдир. Ибодат учун қандайдир маълум

алоҳида вақт йўқ. У доим амалга оширилиши керак. Ва у қандайдир маълум тусга эга эмас. Ҳар бир ҳолатда, гапирганда ёки иш қилаётганда сизлар доимо Аллоҳга хизмат қилишингиз зарур. Ахир сиз: «Мен мана бу вақтда бандалик қиламан, бошқа вақтда эса йўқ», дейишга ҳаққингиз йўқ. Агар сиз ҳақиқатда ҳам Аллоҳни ҳурмат қилиб, олқишлаб, Уни яхши кўриб ва Ундан қўрқсангиз, у ҳолда сизнинг ҳатти-ҳаракатингизнинг барчаси худди шу туйғуларга асосланган бўлиши керак ва уларнинг барчаси сизнинг ибодатингизни акс эттиради.

Биродарлар! Сизлар: «Ундай бўлса намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа вожиб-фарз рукнларининг моҳияти нимада?» деб сўрашингиз мумкин.

Бизларга Аллоҳ томонидан буюрилган бу ибодатлар бизларни умримизда қилишимиз зарур бўлган энг асосий ибодатга тайёрлайди. Улар, бизнинг ҳаётимизни ибодатга тўла ҳаётга айлантирувчи воситалардир. Ҳар кунги беш вақт намоз, сизлар Аллоҳнинг бандаси ва фақат Унгагина бандалик қилишингиз зарурлигини сизларга эслатиб туради. Бир ой давомидаги рўза сизларни худди шу ибодатга тайёрлайди. Сизлар қиладиган

хайр-эхсонларингиз, ишлаб топган пулларингиз Робб Таъоло тарафидан сизларга берилган неъмат эканлигини доимо эслатиб туради. Уларни фақат айшу-ишрат ёки моддий эҳтиёжлар учун сарф қилманг. Сизлар Аллоҳ йўлида сарф қилиб, бу неъматга шукр қилмоғингиз керак бўлади. Ҳаж қалбингизда Аллоҳнинг буюклигини ҳис қилиш ва Унга нисбатан шундай бир муҳаббат ҳосил қиладики, у бир бор ниш отиб ҳаётингиз давомида сиз билан қолади.

Агар бу барча ибодатларни бажариб, уларнинг ҳақиқий асл моҳиятини ушлаб олсангиз ва ҳаётингизни тўла, тўхтовсиз бир ибодат ҳолига келтирсангиз, у ҳолда

шубҳасиз, намозингиз – ҳақиқий намоз, рўзангиз - ҳақиқий рўза, закотингиз - ҳақиқий ҳайр-эҳсон ва ҳажингиз - ҳақиқий ҳаж бўлади. Агар ундай бўлмаса, у ҳолда оддий руку ва саждалар, очлик ва ташналик, расмий ҳаж рукнлари ва пулларни ҳайр-эҳсон қилиш ҳеч нима бермайди. Бу ибодатлар инсон танасига ўхшайди. Тоинки танада руҳ бўлиб, ҳаракат қилар экан, тана ҳам яшайди. Аммо руҳсиз, у мурдадан ўзга нарса эмас. Ўлик жасаднинг кўл-оёқлари, бурун ва кўзлари бор, аммо унинг руҳи бўлмагани учун сизлар уни ерга кўмасизлар. Худди шунга ўхшаб, ибодат рукнлари маъно ва мантиқсиз бўлса ва улар Аллоҳга



нисбатан муҳаббат ва кўрқув, итоат ва холисликни келтириб чиқармаса, улар эътиборсиз нарса бўлиб қолади.

Бизлар бу барча рукнларнинг бизларни, бутунлай ибодатга бағишланган ҳаётга тайёрлаши, ва агар уларнинг моҳияти ва мақсадини мукамал тушуниб бажарганимизда уларнинг ҳар бири ҳаётимизни жуда тез ва ажабланарли суъратда ўзгартириб юборишини кўрамиз.